ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ ҚЎҚОН АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

ФУРҚАТ

МУҲАББАТ ЙЎЛИДА

ШЕЪРЛАР

АР 757

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзининг бетакрор овози ва истеъдодига эга Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат нафақат ўз ижоди, балки халқнинг маърифатли фарзанди, шоир, таржимон, публицист сифатида ҳам ўзбек мумтоз адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган йирик истеъдод эгасидир.

Шоирнинг айрим ғазаллари машҳур ҳофизларимиз томонидан куйга солиниб ижро этилган ва халқнинг дилидан мустаҳкам жой олган.

Унинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур шеърлари шоир ижод оламининг энг сара гулгунчаси десак муболаға бўлмайди.

Азиз китобхон! Умид қиламизки, Фурқат ғазаллари мутолааси сизнинг шоир ижодига бўлган муҳаббатингизни яна бир карра оширади.

Нашрга тайёрловчи:

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-08-530-5
© Фурқат «Муҳаббат йўлида». «Янги аср авлоди», 2009 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФУРҚАТ ВА ЗАМОНАМИЗ

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётида шоир Фурқат ижоди алоҳида ўринга эга. Шунинг учун ҳам унинг ижодий мероси Ўзбекистонда кенг ўрганиб келинмоқда.

Икки оғиз сўз Фурқатнинг таржимаи ҳоли ҳақида.

Фурқат 1858 йили Қўқон шаҳрида туғилди. Шу ерда ўқиб таълим олди. Сўнг янги Марғилон, Хўжанд шаҳарларида бир оз вақт яшади. 1889-1891 йиллари Тошкентда турди. Бу ерда у маърифатпарвар сифатида шаклланди. Сўнг 1891 йили Тошкентдан чиқиб Самарқандга борди. Сўнг чет элларга кетди. "Миср ила Истанбулу Булғорларни" кезди. Маккаи Мунавварани зиёрат этди. Сўнг шоир ёзади:

Икки ойдурким, келибон Маккадан Бўмбай даен...

Фурқат Ҳиндистонни сайр этди, Кашмирда бўлди, у ердан Хитойга қарашли Ёркент шаҳрига келиб, шу ерда муқим яшаб қолди.

Фурқат 1913 йили Ёркентда вафот этди. Оромгоҳи ҳозир ўша ердадир.

Фурқат XIX асрнинг учинчи чорагида адабий майдонга кириб келганида ёш талантли шоир сифатида Қўқон адабий муҳитида тезда эътироф қозонди. Унинг устози ҳаммаҳалласи шоир Нисбатий бўлган. Сўнг Нисбатий орқали шоир Муқимий билан танишди ва улар ўртасида ҳам ижодий, ҳам шахсий дўстлик ўрнашди. Бу дўстона ҳамкорлик то Муқимийнинг вафотигача давом этди.

Фурқат ижодининг бошида унинг ёзган ғазаллари мумтоз адабиёт намуналарига хос латиф лирик лавҳалардан иборат. Унда ёр гўзаллиги, унинг нафосатли суврати, безакларининг ўзига ярашганлиги, дилни мафтун этувчи фусункор чиройи ўз аксини топган. Фурқат улуғ шоир Фузулий шеъри таъсири остида бундай гўзал мисраларини яратган эди:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларинг,
Ғозидин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Заъфароний кўйлак узра аргувоний камзиҳул,
Рўймол огушидин пешонанинг аҳволи танг.

Бори нозук панжалар олтун узукдин зебнок,
Қўл биларзукдан музайян, нуқрадин огизда чанг...

Аммо 1875-76 йиллар Қўқон хонлигида юз берган алғов-далғовлар, қонли урушлар, ўлканинг Россия чоризми томонидан босиб олиниши, мамлакатда юз берган моддий ва маънавий хонавайронликлар Фурқат ижодига сиёсий йўналиш берди. Унинг ўзи хабар берадики, бу воқеаларни тасвир этувчи бир тарих китоби ёзган. Аммо бу китоб ҳалигача бизга таниш эмас. У тахтдан ағдарилган ва чоризм томонидан сургун этилган Қўқон хони Худоёрхон тилидан ёзган мухаммасида садоқатсизлик ва сотқинликни кескин айблайди:

Бошингга тушса иш биз бош берай деб лоф урганлар,
Ўзим бирга ҳама давлатни ҳам, роҳатни кўрганлар,
Шукуҳи шавкатимни балки мендан яхши сурганлар,
Бузиб аҳдин ёмонлиг кунда мендин юз ўгирганлар,
Бугун ул кўрнамаклар, аҳди ялғонлар қаён қолди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати халқ ҳаётини янада оғирлаштирган эди. Халқпарвар шоирнинг қалби элу юрт бошига тушган балолардан; бозорнинг касодлиги, ҳунарманд усталарнинг иши юришмай синаётганлиги, номуносиб кимсаларнинг ёмонлик билан иш тутиб бойиб бораётгани, элу юрт ғамини чекувчиларнинг дил кўзгусидаги доғларни алам билан тасвирлаб ёзади:

Не журм ўтдики, биздин бунчалик Фарғона танг бўлди,
Яна бозори йўқдин халқимиз неча гаранг бўлди,
Кетиб дастмоя қўлдин устакор аҳли саранг бўлди,
Неча парвоси йўқлар базмида қонуну чанг бўлди,
Анингчун яхшиларнинг дилларин кўзгуси занг бўлди.

Фурқат ҳаётида Тошкентда яшаган даври алоҳида аҳамиятга эга. Фурқат ўз халқининг замонавий турмуш тарзига эришмоғини тилар эди. Бунинг учун илм-маърифат эгаси бўлмоқ керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир мамлакатда маориф ривож топишини, кишиларимизнинг илм-фан чўққиларини эгаллашларини чин юрагидан тилар, маърифатпарварлик ғояларини эҳтирос ва илҳом билан ташвиқ этар эди.

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Нодур дилнинг муроди иш бирла.
Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур...

Фурқат Ҳижозга бориб Макка зиёратини адо этгач, у ўз ватанига қайтиб кела олмади. Сўнгги деярли икки ўн йиллик умри ғурбатда ўтди ва охирига етди. Бу тўғрида шоир чуқур дард билан ёзган эди:

Айди, эй бечора, нечун айладинг тарки ватан,
Мен дедим, гурбатда Фурқат бор экан тақдирда.

Аммо Фурқат ўз ватани Ўзбекистонни жону дилидан севар, у ердаги ёру биродарлари, яқинларини соғинар, уларга дуолар йўллаб таскин топмоққа ҳаракат қилар эди:

Ватаннинг иштиёқин тортарам гурбат гами бирлан,
Туруб эрдим қутулмай гуссау ранжу инолардин.

Ўзбекистон мустақиллиги мумтоз адабиётимиз ёдгорликларини кенг ва ҳар томонлама ўрганмоқ ва ташвиқ этмоқ учун кенг имкониятлар яратиб берди. Фарғона вилояти ҳокимияти ва жамоатчилигининг ташаббуси билан нашр этилаётган ушбу Фурқат шеърлари тўплами ҳам шундан нишон беради. Фурқатнинг ижодий мероси ранг-баранг ва сермазмун. Биз уни муттасил тадқиқ этиб бормоғимиз шарт. Бу ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Азиз ҚАЮМОВ, академик
2010 йил, март

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Баҳор айёми бўлдию, тушубдур бошима савдо,
Ки лола баргидек кўнглумда юз минг доғлар пайдо.

Насими хуш тегиб, бўлди ҳама ер сабзау ҳуррам,
Бисоти ранг-барангдин топти зийнат боғ ила саҳро.

Димоғига тегиб накҳат, хуруш айлаб чаман аҳли,
Бири қумри, бири тўти, биридур булбули шайдо.

Аён этмиш ўзини, юзларидин бурқаин ташлаб,
Бири гулдур, бир наргис, бири савсан, бири раъно.

Худони санъатидин гул чиқармиш чангалистонлар,
Кўкарди санги хородин ажойиб лолаи ҳумро.

На мумкин борина азми тамошои чаман этмоқ,
Они ҳар бир гулидур жонға гўё наштари хоро.

Паривашларни доғи бир тараф, кўнглумда юз минг ғам,
Тўлуб-тошар юрогим дам-бадам монандаи дарё.

Кима айтай бу ўтлуқ ҳасратимни, эй мусулмонлар,
Ҳама жисмим куюб ахгар бўлубдур, қолмайин асло.

Асири дарди ҳижронинг бўлубдур мубтало Фурқат,
Чу қумри доимо йиғлаб, деюр фарёду вовайло.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй, баёзи караминг берди чаманларға сафо,
Қадди мавзунинг хаёли сарв илкиға асо.

Мақдаминг ташрифидин, эй, навбаҳор ижод шўх,
Очди гулшан ҳар гулининг баргидин дасти дуо.

Чарх майдониға сурдинг тунд, эй, чобуксувор,
Етмасун пойи самандинг наълиға гарди қазо.

Чашми мардум рухларинг миръотидин касб этти нур,
Дил кўзи айлар анинг-чун хоки пойинг тўтиё.

Жуз хати лаълинг мени дилхастага манзур эмас,
Хизр зулматдин кетурса, боқмағум оби баҳо.

Май ичиб тонг отқуча, рашк айлабон хуноби ғам,
Ғайр ила соғар чекиб ҳар қайда сен, эй, дилрабо.

Азми бозор айладинг ҳар су боқиб танноз ўлуб,
Неча юз минг аҳли дониш бўлди ақлидин жудо.

Пойбўсинг орзусида ҳамиша жон чекиб,
Ўлтурур доим йўлингда Фурқатий бедасту по.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй малоҳат гулшанида андалиби хуш наво,
Вей, фатонат иқтидорида Фалотундин расо.

Оразингдин хира моҳу офтоби ховарий,
Гарданинг байзолиғидин тийрадур субҳи сафо.

Сафҳаи рухсоринг авроқида хатлар ёзилан,
Мисраи баржастаси мазмунидур во-ҳасрато.

Жилва савдоси билан кулбам сари қилғил хиром,
Мақдаминг тупроғидур жон дийдасиға тўтиё.

Мушки анбар бўйи кўнглумни паришон айлади,
Кош келтурса шамими сунбулунг боди сабо.

Қосидеким еткурур кўйинг фазосидин хабар.
Сонурам билфавр келди ҳудҳуди шаҳри Сабо.

Кулбаи эҳзонда доим зор Фурқат интизор,
Кўз уйин ашкида ғалтон ашкидин бедасту по.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ийди рухсоринг кўруб бўлди ҳама қурбон санга,
На эмиш бир жон фидойинг, айлагай минг жон санга.

Бисмил ижод айлади қотил кўзинг бир йўл боқиб,
Қон ила оғушта айлаб кўрсатур юз жон санга.

Дастан райҳон узоринг, хатти бир гулдур юзинг,
Андалиби мастдек ушшоқлар нолон санга.

Рашҳан нолам Масиҳоға етар ҳар кечаси,
Мунча фазли савт бермиш ҳазрати Раҳмон санга.

Одам ичра кўрмадим сендек пари рухсорни,
Жаннат ул-аълода таҳсин айлади ғилмон санга.

Қайси бир боғи Эрамни булбули хушхонисен,
Ё магар Довуддин мерос бу ғилҳон санга.

Хол эмасдур сафҳаи ҳуснунгда мушкин нуқталар,
Хатти лаълинг ёзди мисраъ хомаи Яздон санга.

Асрасун ҳосид кўзидин ҳазрати Қаҳҳор эгам,
Айласун юз пора душман бор эрур чандон санга.

Номуносиблар юзиға очмағил ҳаргиз басар,
На равоким, ўлса манзури назар бир он санга.

Қил карам Фурқат қулунгға ушбу журмидин ўтуб,
Бир мувашшаҳ айлади ғустаҳ ўлуб жонон санга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сунбули зулфинг эрур азбаски, эй, дилбар, қаро,
Мушк ила олди хижолатдин Хўтанга сар қаро.

Кокилингни накҳатидин рашк ўтида куюб,
Бўлди ўз жисмини дудидин ўзи анбар қаро.

Кокилу холу хатин кетмас қаролиқ зийнати,
Бу варақни айлагандур холиқи акбар қаро.

Кокилинг торини ҳарсў тебратиб боди сабо,
Бахтим ила рўзгорим айлади яксар қаро.

Касб айлаб нуқта холингдин шаби ялдо савод,
Бўлди шоми тийра-тийра зулмати тар қаро.

Дилбаро, хаттинг саводидин юзинг зийнат топиб,
Мусҳаф ичра филмасал зебо эрур аҳмар қаро.

Шавкати ҳуснинг учун боли ҳумони сояси,
Бўлди сочинг аксидин бошингда ё миъжар қаро.

Бул қароларким, кўрарман сенда онинг олдида,
Йўқ жилоси арсаи оламда бордур ҳар қаро.

Қошларинг ёйин муқаввас айласанг Фурқат учун,
Тийри дилдўзидурур мижгонларинг ким, пар қаро.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу замона хўбрўсида вафо,
Йўқ, тамаъ қилмоқ басе андин хато.

Ошнолар бўлубон бегонаваш,
Он ҳама бегоналарга ошно.

Эттилар «ҳойи» ҳаётим қатъини,
Ҳарфи «жим»дин чектилар тиғи жафо.

Зулфидин ул шўхлар марғул очиб,
Солдилар бошимға савдойи қаро.

Бу жаҳон раъносиға ҳар ким вафо,
Қилса кўрмайдур бажуз жавру жафо.

Ул «алиф»дек қоматини ҳасрати,
«Дол» янглиғ айлади қаддим дуто.

Кўзларини ғамзаси айни итоб,
Қошларини шеваси барқи бало.

Шаҳсувориким, самандин наълиға,
Тегмагай майдон аро гарди қазо.

Фурқатийни оқибат ҳижрон ўти,
Куйдуруб хокистарин қилди фано.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Яшнаб ўтсанг лолагун хилъат кийиб, айлаб шитоб,
Тушмағайму раста аҳлин жонлариға печу тоб.

Волаи рухсоринг, эй, гул, гулшан ичра андалиб,
Тонг эмас, шавқинг ўтида ўртаниб бўлса кабоб.

Салтанат Мисри Азизи сен малоҳат тахтида,
Юсуфи Канъон ғуломинг хайлида тобти ҳисоб.

Фош ўлур оламға охир ламъаи меҳри руҳинг,
Моҳрўлар айладилар зарра янглиғ изтироб.

Жавр этиб, боқмай тағофул этганинг етмасмуди?
Юз шиканж айлаб, тахи қошингни айларсен итоб.

Ою кун токим фалакнинг тоқида равшан эрур,
Туғмади даврон аноси сен каби олижаноб.

Номи некинг назмидин ўлди жаҳонға мунташир,
Неча минг ноком бўлди Фурқатийдек комёб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Табассум бирла чиқди гулрухим гулдин савол айлаб,
Қилибон ғунчани хомуш ҳам булбулни лол айлаб.

Тамошоға чиқиб эрди кўрарға қаддини шамшод,
Сурубон рахши нози ўтди они поймол айлаб.

Кўруб ҳар ой бошин жонимни қурбон айласам, тонг йўқ,
Ҳилоли ийд янглиғ юз уза қошин хаёл айлаб.

Сабо машшотаси кўб ҳам мутарро қилмасин зулфин,
Паришон айлади кўнглум, мени ошифта ҳол айлаб.

Чекиб сурма қаро наргисларига, айлади оро,
Мени ўлдирди охир ғоза бирла юзга хол айлаб.

Фано бўлди муҳаббат даштида кўб пўя қилмоқдин,
Севиндинг доимо, Фурқат, таманнойи висол айлаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнгул дардиға топмай бораман ҳаргиз даво истаб,
Ани умри кироми, ҳасрато, бўлғай адо истаб.

Неча бош урдим охир шайхларнинг остониға,
Назар ҳолимға, шояд, айлагайлар деб дуо истаб.

Неча юрдим адошиб тўғри йўлдин бесару сомон,
Тутуб илгимни, йўлға солса, деб бир раҳнамо истаб.

Неча ерга суриб юз, яхшилар йўлида ўлтурдум,
Ғубори доманидин жон кўзиға тўтиё истаб.

Неча зоҳид аёғига ниёз айлаб ўзум солдим,
Мени ул савмаидин қувғоли турди асо истаб.

Неча изҳор қилдим, сирри пинҳонимни билмасдин,
Ўзимға он ҳама бегоналарни ошино истаб.

Юрай дерман чиқиб саҳроға эмди ваҳшилар бирла,
Замона мардумидин топмадим ҳаргиз вафо истаб.

Балодин, носиҳо, қўрқутмоғинг эрмас насиҳатдин,
Ҳамиша ишқ эли юрмасму бу йўлда бало истаб?

Бало урган менингдак бормукин бир хастаю маъюс,
Жаҳонда ҳожатиға топмаган ҳаргиз раво истаб.

Бу ғамлар шарҳа-шарҳа айлаган кўнглум ғами шарҳин,
Қилурға топмасам, найлай, анису ғамзудо истаб.

Ётиб эрдим кеча йиғлаб, башорат берди бир марде:
«Ки дунё бебақо, Фурқат, қадам ургил худо истаб».

* * *

Келди баҳор! Ёмғури ёғди шатир-шутур қилиб,
Тоғ уза кўй ила кўзи чопти такир-тукур қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сакради бир-бири уза қўйлар, ўтга шошилиб,
Қўзи етолмай, орқадин чопти баъур-буъур қилиб.

Қатрафишон булутлари, бир соридин эсиб насим,
Яшнади тоғлари, униб сабза бадир-будур қилиб.

Тоғ кийик, қулонлари, дашт уза қўй ила қўзи,
Чайнашади жони билан майса касир-кусур қилиб.

Сайри сафолар айласак, қани, беш-олти аҳли дил,
Борғуча от чопиб кетиб, йўлда тасир-тусур қилиб.

Чайнаса отимиз сўлуқ, якка юрурда арс-урс,
Наъл тегиб узангуга, кетса шақир-шуқур қилиб.

Кўлга етиб, довул қоқиб, лочину қарчиғай солиб,
Ўрдагу ғозни овласак, учса патир-путур қилиб.

Беша ароласак гаҳи, бир соридин қуён қочиб,
Чопса қамишни синдириб този ҳасир-ҳусур қилиб.

Ўрдагу ғозни бир тараф зира-пиёз айлабон,
Сихда кабоб айласак, турса жазир-жузур қилиб.

Сайру тафарруж айласак гуллар аросида гаҳи,
Миркон кафшни кийиб, боғда ғажир-ғужур қилиб.

Нуқл – кабоб ширада, жоми шароб бир тараф,
Чойи сафед ила палов турса бақир-буқур қилиб.

Ўйнаса бир пари туруб, қўлга бири дутор олиб,
Чолса бири ғазал ўқиб, дафни дафир-дуфур қилиб.

Ҳайф, беш-олти танга деб, умрим ўтар дўкон очиб,
Дори ясаб ҳавончада, кунда тақир-туқур қилиб.

Бўйла нишот кўрмайин, Фурқатий, даҳр боғида,
Бир куни умримиз синар нахли қасир-қусур қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўрдумки, бир париваш қошу кўзи пириллаб,
Қон оқди кўзларимдин ёш ўрниға тириллаб.

Тоқат қилиб бўлурму, ўлтурса рўбарўда,
Тишлаб қўлин учини, гаҳ сескониб, дириллаб?

Чеккан фиғонимизға ҳажрида қурт-қушлар,
Ҳар кечаси ётолмай тонг отқуча чириллаб.

Излаб юруб тополмай, ногаҳ йўлида учраб,
Арз эмди бошлағанга ташлаб кетар ғириллаб.

Шул орзу: иковлон қилсак экан тамошо,
Пружиналик коляска бирга тушуб ширилаб.

Ёнса жамоли шамъи маҳфил аро, нетойлик.
Парвонадек бошидин айлонайин гириллаб.

Бўлдим асир қайдин ишқида они, Фурқат,
Чит растасида умрим ўтса керак зириллаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қорайған дилға бергил нури покиндин зиё, ё раб,
Кетиб занги гунаҳ, ойинадек топсун зиё, ё раб.

Иноят айлағил, чиқсун кўнгилдин мосиво меҳри,
Бўлай тарки ҳавас қилмоқда Адҳамдек гадо, ё раб.

Замон аҳли ҳама бегонадур роҳи ҳақиқатда,
Ўзингдин ўзга йўқтур қўл тутарга ошно, ё раб.

Келибман даргоҳингга бош уруб, навмид ёндурма,
Агарчи айладим ғафлатда кўб журму хато, ё раб.

Насиб эт Каъба тавфин рўзи айлаб равзаи ҳазрат,
Турарга қолмади тоқат, санга бу илтижо, ё раб.

Ҳарам ичра кириб рўйи сиёҳим ерлара суртуб,
Ғуборин чашми муштоқимға қилсам тўтиё, ё раб.

Тўкуб қонлиғ сиришким, нола тортиб ҳар тараф борсам,
Қабису Марвау Мийно била айлаб сафо, ё раб.

Ғурури даҳри фоний тушти дилға, ваҳми уқбо йўқ,
Фаромуш айлаб ўз жонимға қилдим кўб жафо, ё раб.

Бу бадкирдорлақ бирла ўлуб, ер остиға борсам,
«Кечар ҳолим нечук?» деб дилда кўб хавфу рижо, ё раб.

Халойиқ ичра тонгла қилмағайсан хаста Фурқатни,
Ҳабибинг ҳурмати, шармандан рўзи жазо, ё раб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй, висолингга етушмак кору бориб, соғиниб,
Қолмади бир заррае сабру қарорим, соғиниб.

Ёдима тушган чоғи афъоли хушхислатларинг,
Тинмагай бир лаҳза чашми ашкборим, соғиниб.

Мубтало ул кунки бўлдум ошнолиғ домига,
Бир йўли кетти қўлимдин ихтиёрим, соғиниб.

Эй, сабо, ул ёр кўйидин гузор этсанг агар,
Бир хабар бергил, мани келгайму ёрим соғиниб.

Фурқату ҳажринг басе ағёрлиғнинг устига,
Қолмади бу шаҳрда эмди турорим, соғиниб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилрабо, бизга нечук мунча азоб,
Оташи ҳажринг неча қилди хароб?

Ўзгаларга комронлиғлар қилиб,
Мен каби шўридаға қаҳру итоб.

Ҳасратингда зарра уйқу кўзда йўқ,
Кечалардур кору борим печу тоб.

Соқиё, май тутки, бу даврон аро,
Шум фалакдин кўрмадим жуз инқилоб.

Қил пушаймон, зуҳддин бир жом ила,
Кирса зоҳид айламоққа иҳтисоб.

Ҳажридин расвойи олам бўлмишам,
Ғам ўтида бўлди бу жонлар кабоб.

Айлади ҳар уқдаси юз дилни банд,
Кокулингдур ҳалқа-ҳалқа, тоб-тоб.

Дарбадар қулға тараҳҳум айлағил,
Дилрабо, сенга керакмасму савоб?

Фурқат ичра ўлсаму маҳшар аро
Доманингдин ушласам надур жавоб?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Пари рўйим юз очиб қўлға олиб,
Неча ойинани ҳайратга солиб.

Эзиб бағрини оғзи ҳасратидин,
Чаманда ғунчалар, қонға бўёлиб.

Камон абрўларидин тийри мужгон,
Тегиб, пайваста жонимға қадолиб.

Биров базмида тун хуррам этиб ул,
Ғаму андуҳ ила мен мунда қолиб.

Агар келса кетар ҳолим кўрибон,
Ажал жонимни олмасдин уёлиб.

Тонг отқунча чекибман мунда фарёд,
Ул анда кечалар танбур чолиб.

Бу кеча ҳажр ўтидин йиғлай-йиғлай,
Йиқилди Фурқатийни бағри толиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бўйингдин ўргулай, эй, сарв қомат,
Гули наврастаи боғи латофат.

Хирад бобида Афлотун фатонат,
Такаллум чоғида тўти фасоҳат.

Ана қадду, ана ҳусну, ана хулқ,
Киши кўрган эмас мундоғ латофат.

Қаю бир васфини тақрир этарман,
Аёғдин бошғача кони малоҳат.

Юзингдин пардани олсанг на бўлғай?
Сонурман гўиё бўлди қиёмат.

Жафо бўлмас, нигоро, мундин ортуқ,
Ғамингдин қолмади жонимда тоқат.

Мени йиғлатма кўб, эй, меҳри йўқ ёр,
Ўзинг инсоф қил кимда бу ҳолат?

Кўнгул афгор ўлуб эл таънасидин,
Тегиб бошимға кўб санги маломат.

На бўлғай, йўқласанг Фурқат қулингни,
Бўйингдин ўргулай, эй, сарв қомат?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Келди ҳолимни сўраб бул кун нигорим, хайрият,
Етти ўхшар кеча чеккан оҳу зорим, хайрият.

Лашкари ғам поймол этган эди айлаб ҳужум,
Ногаҳон келди етиб ул шаҳсуворим, хайрият.

Ул париў ҳажрида ҳар лаҳза қон йиғлар эдим,
Вожгун этмиш жаҳонни ашкборим, хайрият.

Жавр этиб, солса қаро кунлар бошимға, найлагум?
Шодлик бирла ўтар лайлу наҳорим, хайрият.

Наҳси ҳижрондин чиқиб топдим висоли саъдни,
Толеъим ҳамдам бўлубдур, бахт ёрим, хайрият.

Қолди кўнглум ажрамай ул ёр ила вақти видоъ,
Келди қолмай, яхши жони беқарорим, хайрият.

Келди якбора саманди нозни жавлон бериб,
Қайда Фурқат зор деб, чобуксуворим, хайрият.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу ерга, шўхи барно, бир келиб кет,
Худо ҳаққи, нигоро, бир келиб кет.

Юзинг гул, қоматинг шамшоди жаннат,
Аё зулфи сумансо, бир келиб кет.

Жамолинг соғиниб девона бўлдум,
Эрурмен зору танҳо, бир келиб кет.

Агарчанде бу ёна келмасанг ҳам,
Қилиб маҳзи тамошо бир келиб кет.

Фидо бўлсун сенга бу жисму жоним,
На қилсанг қилғил, аммо бир келиб кет.

Ўлукга бир сўз ила жон берурсен,
Лаби лаълинг Масиҳо бир келиб кет.

Жамолинг кўргали, эй дастаи гул,
Бўлурмен турфа шайдо, бир келиб кет.

Аё, эй қумрийи боғи малоҳат,
Аё, эй қадди раъно, бир келиб кет.

Мурувват қил менга ҳуснунг закотин,
Бўлур дафъи бало, ё бир келиб кет.

Тунумдур тийрау ошуфта ҳолим,
Бўлуб ойдин мусаффо бир келиб кет.

Ҳамиша мунтазир Фурқат ғуломинг –
Ки бўлсун дафъи савдо, бир келиб кет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кел эмди, нозанино, бир келиб кет,
Қилибман кўп тавалло, бир келиб кет.

Оқарди кўз, қаролаб йўлларингга,
Тараҳҳум бирла мундо бир келиб кет.

Агарчандики ноқобил эсам ман,
Қилиб навъе муросо, бир келиб кет.

Ки, ҳижрон заҳридин бас талх комим,
Аё, васли шакархо, бир келиб кет.

Бу сунбул бўйидин бўлдум паришон,
Қилиб зулфинг мутарро бир келиб кет.

Паёмингни кетурди Эрмуҳаммад,
Ўзунг айлаб тақозо бир келиб кет.

Букун гар бўлмаса фурсат келурга,
Баҳона бирла фардо бир келиб кет.

Қулум деб, йўхлагил, Аҳмадқулижон,
Манинг кулбамга гоҳо бир келиб кет.

Камина Фурқатий ишқингда ҳайрон,
Этиб ҳолин тамошо, бир келиб кет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Айлама маълум ҳаргиз ағниёга эҳтиёж,
Балки қониъ бўлсанг, этма подшога эҳтиёж.

Ошнолардин санга етмас вафо, ғайр аз жафо,
Қилма равшан, эй биродар, ошнога эҳтиёж.

Сенда гар бўлса таваккул, шоҳлардин уз тамаъ,
Чунки шаҳлар қилғучидур авлиёга эҳтиёж.

Шахс эҳсонига кўнгул боғлама, эй бехирад,
Хор ўлурсан, айласанг аҳли сахога эҳтиёж.

Ҳийладур зоҳид иши, андин дуо қилманг умид,
Хомлиғдур айламоқ аҳли риёга эҳтиёж.

Ҳимматим шулким, агар дард айласа жоним ҳалок,
Бўлмагай дардим учун менда давога эҳтиёж.

Айлагил, Фурқат, тамошо даҳр атвориникиим,
Этдилар охир расолар норасога эҳтиёж.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ерга помол ўлди гул сайри гулистон айлагач,
Ғунча қон ютти яна лаълини хандон айлагач.

Ул бараҳманзода ҳар дам барқдек ўйнаб-кулар,
Йиғлатиб, кўз ёшими абри баҳорон айлагач.

Ақл ила ҳушим кетиб, ҳайратда қолдим ул даме,
Бурқаъин очиб юзин андак намоён айлагач.

Тутмиш олам арсасини сунбулу райҳон иси,
Хасталар кўнгли каби зулфин паришон айлагач.

Бўлди Мажнундек муқими дашти андуҳи фироқ,
Ҳар кишиким орзуйи васли жонон айлагач.

Чун нигор этмиш қўлин хун ила ийд ўлғоч нигор,
Кўрсатиб бир йўл ҳилолин элни қурбон айлагач,

Фурқат, ул ошуби даврон этмади бир қатла ёд,
Бизни расвойи жаҳону зору ҳайрон айлагач.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Муҳаббат домиға кўнглум гирифтор айлади ул шўх,
Қачонким донаи холин намудор айлади ул шўх.

Харобот ичра келгач муҳтасиб таъзир этмоқчун,
Тутуб бир жом ани ҳам масти идбор айлади ул шўх.

Қурубдур ғамза тийрини, қочинг, турманг, мусулмонлар,
Чекиб абру камонин азми бозор айлади ул шўх.

Бўлуб помол шамшоду сановбарким хижолатдин,
Бу қад бирла гулистон ичра рафтор айлади ул шўх.

Рақибо, бўлма хуррам васлига маҳрам бўлурмен деб,
Менингдек мубталосин мунча афгор айлади ул шўх.

Неча қон йиғласам нозу тағофулдин, назар солмас,
Кўзумча кўзи шум аҳёрни ёр айлади ул шўх.

Ўтарда туҳфаси бирла юзин ҳар ёна тўлғайдур,
Магар девона Фурқатни кўруб ор айлади ул шўх.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қоматинг гулшандағи сарву сановбардин баланд,
Оразинг гулдин, хатинг райҳони аҳзардин баланд.

Лабларинг ҳайвон булоғи кокулинг зулмотида,
Дона холинг роҳбар Хизри паямбардин баланд.

Нозу истиғно била ҳар кимга боқиб сўзласанг,
Сен малоҳат бобида бу жумла дилбардин баланд.

Даста-даста кокулингни тебратур боди сабо,
Сунбули тардур агарчи мушку анбардин баланд.

Раҳм айла, эй суманбар, ошиқи расволаринг,
Ишқ ўтида ўртанур мурғи самандардин баланд.

Хира бўлди оразингдин офтоби ховарий,
Май ичиб чиқсанг баногаҳ моҳи анвардин баланд.

Орзу бирла халойиқ бош қўярлар йўлингга,
Ким, ғубори мақдаминг тожи Сикандардин баланд.

Ним бисмил айладинг, ҳар кимга қилдинг бир нигоҳ,
Қош ила мижгонларинг юз тиғу ханжардин баланд.

Номи хўбингни эшитгондин бери Фурқат қулунг,
Бир нишонинг топмади излаб қаландардин баланд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ийдким халқи жаҳонға бордурур рўзи саид,
Дилбаро, ҳар лаҳза бир кўрмак жамолинг менга ийд.

Янги ой кўрган кишини истагайлар ийд учун,
Ораз очғилким, қошинг бир кўрмак айлармен умид.

Шодлиғдин кўз ёшим тарқатти васлинг муждасин,
Тифллар гўё югургай ийддан етгач навид.

Ийд айёми агар хурсанд қилмоқ истасанг,
Ҳажринга этма қарийбу қилма васлингдин баид.

Халқи олам ийди бир кунда тамом ўлғой, вале –
Оразинг кўргач бўлур ҳар кун мени ийдим жадид.

Туғмади даврон аноси ҳусн аро бир сен каби,
Нодири асру ваҳиди даҳр фарзанди рашид.

Ийд мардумға агар чанди фароғат рўзидур,
Фурқатий берўзиға сенсиз эрур явмуш-шадид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Уммати саргаштаман, ё Мустафо, айланг мадад!
Тутмадим суннат йўлин, рўзи жазо айланг мадад!

Ё Абубакр, таҳи сиз ёриғори Мустафо,
Уммари одили айни босафо, айланг мадад!

Ёриғори сеюм жомиъал Қуръон – Усмони ғаний,
Шаҳсувори Ҳал ото, Шери Худо, айланг мадад!

Хоки пойингиз эрур тожи сарири авлиё,
Шайхи Муҳйиддини маҳбуби Худо, айланг мадад!

Кулфате бошимга тушти, турфа ҳожатмандман,
Ё Баҳоуддин валий мушкулкушо, айланг мадад!

Дар Самарқанд Шоҳи Зинда – ҳазрати Саййид Қусам,
Ибн Аббос сокини ғори фано, айланг мадад!

Илгим олинг, йўлда қолдим, ё имоми Шаҳрисабз,
Бу яна ҳазрат Али Шери Худо, айланг мадад!

Тошкандда Хожа Нуриддин ила шайхи Заҳир,
Руҳингиздин ўргулай, Занги ото, айланг мадад!

Қолмишам йўлларда, шайхи Маслаҳатдини Хўжанд,
Қотти бошим, бекасу бераҳнамо, айланг мадад!

Сизга молу жон тасаддуқ, мавлавий Жомий пирим,
Манга йўқтур сиздин ўзга муқтадо, айланг мадад!

Шаҳри Хўқанд тавфгоҳи ҳазрати Шоҳи Жарир,
Бу яна Эрҳубби, Қароёзи ото, айланг мадад!

Авлиёйи бегумонсиз, шайхи Султон Боязид,
Ожизе дармондаман, бадаступо, айланг мадад!

Қум аро Хожа Туроб шайхи кибори файзбахш,
Ҳазрати Бўёб пирим порсо, айланг мадад!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марғилоннинг сайлгоҳи, Ё Мағоз бинни Жалил,
Ҳазрати Мўйи Муборак ибтидо, айланг мадад!

Муфлиси бечораман, тахти Сулаймони набий,
Аҳмад Арқам, Осаф ибни Бурҳиё, айланг мадад!

Аҳмади Нармий валий, Ҳазрат Сулаймон Порсо,
Жамъи асҳоби кибори пешво, айланг мадад!

Найнаво шаҳрида ётган ҳазрати Юнус яно,
Ҳазрати Идрис, Арслонбоб ото, айланг мадад!

Ҳазрати Айюб пайғамбар Худо суйган қули,
Хастадилман, чашмаи доруш-шифо, айланг мадад!

Ўзгандда шайхи Бурҳони Қиличиддин яно,
Андижон мулкида Мир Пўстин ото, айланг мадад!

Саййиди олийнасаб, эй, ҳазрати мавлойи Чуст,
Келдим уммид айлабон сиздин дуо, айланг мадад!

Ё ғуломи шайхи Ғавси қодирия, раҳбарим,
Бўлдингиз шаҳри Намангонда фано, айланг мадад!

Ман нечук қилғум бу кўтаҳ сўз билан бир-бир баён,
Ўтган оламдин жамиъи авлиё, айланг мадад!

Фурқатий йўлларда қолди, Ғавси Аъзам дастгир,
Қўл тутарга йўқ эрур бир раҳнамо, айланг мадад!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кошки кулбам аро як бора ёрим келсалар,
Йўлларига жон нисор айлай, нигорим келсалар.

Бир фақири бебизоат, хаста дил, қашшоқмен,
Жондин ўзга туҳфа йўқтур, шаҳсуворим келсалар.

Сўрсалар аҳволими, ғам жаврини торттинг дебон,
Дод этиб ушлаб инон, чобуксуворим келсалар.

Гул яқосин пора айлаб, ғунча бағрин қон қилиб,
Сайри боғ айларга ногаҳ гулузорим келсалар.

Сабру ҳушидин кетиб, жону кўнгул мажнун бўлур,
Нозу истиғно била лайлишиорим келсалар.

Бўлғуси наврўзи олам, то чиқиб ҳижрон қиши,
Юз очиб, бир-бир босиб фасли баҳорим келсалар.

Неча муддатдин бери Фурқатда қолган зормен,
Не саодатдур сўрорга ҳоли зорим келсалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўз тутуб мен нотавон, бу кеча жононним келур,
Келмади жононним эмди, ҳалқума жоним келур.

Шод ўлунглар зулмати ҳижрондаги муштоқлар,
Арзи дийдор айлаб ул хуршиди рахшоним келур.

Барча ерни лолагун этса сиришким, тонг эмас,
Йиғлаб ул гул ҳажрида эзган жигар қоним келур.

Кўзларим мардумлари чиқти тамошо қилғоли,
Ҳар тарафга тўлгониб сарви хиромоним келур.

Бешаи ҳасратда бўлдум, турфа бир саргаштамен,
Ҳар қаю хори алам илкида домоним келур.

Кўзларимни пардасин йўлиға пойандоз этиб,
Нақди жонимни нисор айлайки, султоним келур.

Итларини қутиға бағрим кесиб айлай кабоб,
Фурқатий, кулбамга мундоғ яхши меҳмоним келур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ул паридек қайси дилбарни рухи гулгуни бор?
Ҳам тишидек қайси дарёни дуру макнуни бор?

Сарвни жониға ўт солди ўзин айлаб фароз,
Оллоҳ-оллоҳ, они қайдоғ қомати мавзуни бор?

Фикрат аҳли диққатидин ҳеч равшан бўлмағой,
Нуқтаи оғзини ҳар ҳарфини минг мазмуни бор.

Кўзларимдин мавж урар ашки муҳаббат, айб эмас,
Дилда айлайдур талотум, ишқни Жайҳуни бор.

Меҳрибонлик шева айлаб шодком айлай деса,
Қайда мендек, Фурқатий, бир хотири маҳзуни бор?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур.

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,
Икки ҳинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.

Телбаланмиш зулфини савдосидин девоналар,
Қайға борса ўлтуруб ерга чалипо тортадур.

Жон ила кўнгул талошур, эй санам, дарду ғаминг,
Бирни сол кўнглумғаким, жон бирни танҳо тортадур.

Кокулингдан бўй олган боғнинг тупроғидур,
Боғбон сотмоққа доим мушксоро тортадур.

Не билур Юсуфки, нозу ҳусн ила мағрурдур,
Ул қадарким ишқ дардини Зулайҳо тортадур.

Ишқни пинҳон тутарға бўлма шайдо, э кўнгул,
Мушк пинҳон бўлса бўйи ошкоро тортадур.

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғман,
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.

Сориғ олтун касрати кўнгулни айлайдур қаро,
Чунки сафро бўлса ғолиб, ўзга савдо тортадур.

Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини,
Фурқатийдек бекасу шўрида, расво тортадур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Маҳвашо, сенсиз менга маҳзун қаронғу кечалар,
Йиғларам андоқки, ашкимдин улус сув кечалар.

Ҳуснингга баркаш қилурға тонгға тегру интизор,
Оч юзингким, кўкда ой бирла гарозу кечалар.

Ёдима холинг саводи тушгач, эй ваҳшийнигоҳ,
Кўзларимға мутлақо келмайди уйқу кечалар.

Эй, назокат гулшанида сарв қадди наврасим,
Тортарам қумри каби ҳажрингда ёҳу кечалар.

Ламъаи ҳуснинг тушиб, солғай жаҳонға барқлар,
Раҳм қил жону жаҳонға, боқма кўзгу кечалар.

Дилбаро, васлинг муяссар бўлмаса йиғлаб ётай,
Тобакай ҳажрингда оғушимда зону кечалар?

Йўл адошиб кўкда ой ҳоли паришон ўлмасун,
Бир мурувват кўргаз-у, тарқатма гису кечалар.

Нўш этиб ҳар қайда сан ағёр ила гулгун шароб,
Рашкдин мунда ичиб мен заҳри қайғу кечалар.

Халқ ичига тушмасин ошуб, кўрдик деб ҳилол,
Кўчага чиқма, намоён этма абру кечалар.

Айларам то субҳ мен йиғлаб гирибонимни чок,
Айлабон сен ғайрни базмида кулгу кечалар.

Нега Фурқат, чекмайин кунлар ғамингдин оҳким?
Муттасил афғон ишимдур сендин айру кечалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўйига беҳуд мени ул чашму абрў келтурур,
Соҳирдурким, нетай, тебранса бир мў келтурур.

Зулфидин ёрим юзи ўлмас намоён, не ажаб?
Расм эрур: ой ёрими тунни қоронғу келтурур.

Ўчти уйқу, белу оғзидин дегач бир бору йўқ,
Дер эмиш ровий ғалат: афсона уйқу келтурур.

Ашки доғ эзган жигарни келтуруб кўз йўлидин,
Пора-пора лола баргин гўиё сув келтурур.

Чеҳран зардим кўриб шод ўлса, айб эрмаски, ёр,
Заъфаронни бода ичган чоғда кулгу келтурур.

Ишқ савдосидин ўлгон дардисарға, эй табиб,
Берма сандалким, иложи бор, зону келтурур!

Маҳвашимни ҳуснига баркаш қилурға ҳар кеча,
Тонгга тегру чарх ой бирла тарозу келтурур.

Дояи даҳр ахтариб топмай мисоли, оқибат,
Макр ила ночор қаршисиға кўзгу келтурур.

Кўзлари бир ғамза бирла ваҳши кўнглим қилса сайд,
Фурқатий, ёлғон эмас, гар Чиндин оҳу келтурур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фасли гулдур, мен била бир сайри боғ этсанг нетар,
Хаста кўнглум эски ғамлардин фароғ этсанг нетар?

Юз очиб, гулни қилиб охир паришон рўзгор,
Ғунчани табъин табассум бирла чоғ этсанг нетар?

Тушти жонлар риштасиға фикрдин то бу гирех,
Печ торидин очиб, зулфинг тароғ этсанг нетар?

Даври гардун инқилобидин басе ғамнокман,
Дилбаро, бир жом ила табъимни чоғ этсанг нетар?

Телбадурмен кокулинг занжирининг савдосида,
Ташлабон бўйниға бу мажнунни соғ этсанг нетар?

Қон қилиб гулшанда гул бағрин қизил дастордин,
Лола кўксин дашт аро доғ узра доғ этсанг нетар?

Фурқат ўлди оқибат ишқингда беному нишон,
Бор эди бир хастае, дебким сўроғ этсанг нетар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

Субҳидам тушуб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.

Настаран ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Бир саҳар эдим уйғоқ, ўт тутошди оламға,
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,
Сарву гул уза доим тортар оҳу афғонлар.

Булбул ўқуғоч йиглаб субҳидам хазон фаслин,
Ғунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутуб, савсан,
Кийди кўк, қилиб сунбул зулфини паришонлар.

Куймасун бу савдода не учун димоғимким,
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мени номеҳрибоним кўб ситамкор ўлди ўхшайдур,
Жафожўю ғазабноку дилозор ўлди ўхшайдур.

Рақиби рўсияҳларга вафою марҳамат айлаб,
Мени маҳзунга жавру зулми бисёр ўлди ўхшайдур.

Ўшал нозик бадан, сиймин зақан маҳбублар шоҳи,
Мени кўздин солиб, ағёра дилдор ўлди ўхшайдур.

Таҳайюрдин ҳамиша волау мадҳуш ўлмишмен,
Кўзум ойинаси то қатъи дийдор ўлди ўхшайдур.

Мени кўрган кишилар кўҳна хашхошнй хаёл этти,
Басе ҳажрингда чеҳрам заъфаронвор ўлди ўхшайдур.

Кўзин мардумлари диним уйини айлади торож,
Сочи ҳар торидин бўйнумға зуннор ўлди ўхшайдур.

Такаллум айламас нечун мени Мажнун адосиға?
Магар оҳу фиғонимдинму озор ўлди ўхшайдур.

Бало дор ул-қазосида чу ишқим маҳзарин олмас,
Мени даъволарим билкулли бекор ўлди ўхшайдур.

Бу ҳасрат ўтида кул бўлди Фурқат ўртаниб охир,
Тани бир ўтга тушган барги ашжор ўлди ўхшайдур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тулуъи оразингдин нури хуршид иктисоб айлар,
Фалак тоқи уза андин кейин оламға тоб айлар.

Ул икки майпараст наргисларингким, бир нигаҳ бирла,
Жаҳон аҳлиға ҳосил нашъаи хумми шароб айлар.

Ҳужуми хатти сабзинг лаълинг атрофида андоқким,
Тушубон хайли тўти тоза шаккар интихоб айлар.

Руҳингда бода тобидин арақларким ўлур зоҳир,
Муаттар арсаи оламни чун бўйи гулоб айлар.

Агар йўқ тоқати мадди нигоҳингға, нетонг, кўнглум,
Ани тасвири минг ойинани бағрини об айлар.

Жамоли бокамолинг қайси бир васфин адо қилғой,
Даҳойиқ бобида шоир агар юз минг китоб айлар.

Эрур саргашта бошим юз нишонлиғ ғамнинг тошидин,
Ҳазин жонимға ҳажринг, айланай, мунча азоб айлар.

На хуш эрди висол оромгоҳида омон бир дам,
Етиб ҳажринг бошимға, эмди ҳар дам инқилоб айлар.

Нигорим, анда сен шаб ноз айлаб ғайр базмида,
Қулунг Фурқат бу ерда нола торини рубоб айлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сарву гулда йўх тароват, қадду рухсорингдадур,
На фасоҳат тўтида, нутқи шакарбонингдадур.

Юсуфи Мисри малоҳат сен, жаҳон аҳли ҳамма,
Нақди жон қўлға олиб бир умр бозорингдадур.

Даҳрни кўб фитна қўзғоб қон ила тўлдурғуси,
Бўйла сеҳромузлиқким чашми маккорингдадур.

Қайси лоф ишқингда урган инжимас жавринг чекиб,
Сабру тоқат айламоқ мендек жигархорингдадур.

Урмасун машшота тор очмоққа бепарво тароғ,
Мискин этган юз кўнгул шабранги тарорингдадур.

Сен жафоға мойил этдинг ёрими десам, фалак,
Деди: мендин кўрмаким, золимлиғ ўз ёрингдадур.

Мурдаларни юз нафас бирла Масиҳо тиргузур,
Бўлса юз жонбахшлиғ бир лафзи гуфторингдадур.

Хўб эмас аҳли муҳаббатға жафодин инжимоқ,
Негаким, юз лутфу эҳсон ҳар бир озорингдадур.

Ўлса бок эрмас аёғинг остида гулшан аро,
Хун баҳойи юз чаман товус рафторингдадур.

Нозпарвар сиймбарлар кўб эрур ҳусн аҳлидин,
Деса бўлғай аз қатори кафшбардорингдадур.

Ишқ аро шўридаи нокомларнинг шеваси,
Фурқатий, ошифта ҳоли сийнаафкорингдадур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менинг бир лайливаш ишқида мажнунлуғ шиоримдур,
Жунун аҳли эрур ёрим, бало дашти диёримдур.

Баҳор айёми саҳрода очилғон лолалар эрмас,
Юзи ҳажрида ҳар бир қатра қонлиғ ашкборимдур.

Чаманда гунча деманг, қонға тўлғон таҳ-батаҳ бағрим,
Эмас наргис, анинг йўлида чашми интизоримдур.

Қаронғу кеча эрмас, тийра бахтим, таҳ-батаҳ ҳолим,
Сочи савдосидин токим қораргон рўзгоримдур.

Қаю ерда хазонлиғ барг ё парри самон бўлса,
Менинг ғурбат аро ғам бирла сарғарғон узоримдур.

Ер узра поймол ўлғон эмастур сояйи девор,
Йиқилган чарх зулми бирла жисми бемадоримдур.

Агар ёр остони узра бир афтода кўрсанглар,
Қуюнларким, кўнгул отлиғ хароби хоксоримдур.

Фалакда раъд, барқ этманг гумон, ул ой фироқинда,
Менинг савти фиғоним бирла оҳи пуршароримдур.

Шаҳид ўлсам, бошоқлиғ ўқини бошимға қўйғайсиз,
Ўзи мил-у, ёнар пайкони бир шамъи мазоримдур.

Муҳаббат йўлида бир неча расвойи жаҳон бўлдим,
Биҳамдиллаҳки, бу дунёда топгон эътиборимдур.

Фиғоним эшитиб, аҳбоблар қошинда сўрганда,
На бўлғай десалар, Фурқат деган бир беқароримдур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Йиғламоқдин бир пари ҳажрида, эй, аҳбоблар,
Ўнг кўзимдин оқди қону сўнггидин зардоблар.

Турралиғ зулфини ёдини қилиб бутхонада,
Тушти тарсоларни зуннориға печу тоблар.

Бехабар зоҳид санамлар ишқиға мункир ҳануз,
Қоши қайғуси била хам бўлса ҳам меҳроблар.

Айбим этма, соқиё, даврон аро маст ўлмасам,
Шарбати лаълидек эрмас бодаи уннoблар.

Қатра-қатра ашкими сочдим, ғамидин ҳар бири,
Ишқнинг дарёсидиндур гавҳари ноёблар.

Кеча туш кўрдимки, зулфин тебратур эрди насим,
Қилди ошуфта димоғим бу паришон хоблар.

Ғайр ила ёрим шароби ноб ичиб, мен Фурқатий,
Рашк жомидин ичиб тонг отқуча хуноблар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тариқи ишқ аро ким қадди дуто кўрунур,
Мани кўзумға ўшал пир раҳнамо кўрунур.

Ажаб хатарлиқ эмиш, ё раб, ишқ саҳроси,
Заиф мури онинг мисли аждаҳо кўрунур.

Ҳаёт хирқасиға ҳар куни солур чок,
Шуоъи меҳр, дема, панжаи қазо кўрунур.

Дилим муҳаббат ила бўлди равзат уш-шуҳадо,
Анинг учун бу кўнгил мисли Карбало кўрунур.

Тариқат ичра кимиким, вужуд нафйи этса,
Қаю тарафға назар айласа – Худо кўрунур.

Жаҳонни шоҳидиға боғлама кўнгил ҳаргиз,
Ки олданурсан, анинг айши бевафо кўрунур.

Абас кечурмағил аҳди шабобинг эй, Фурқат,
«Худо», дегилки, бу дам дурри бебаҳо кўрунур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жомаи саркаш кийиб, от ўйнатиб, чиқсанг нигор,
Бўлмағайму заррадек хуршиду ховар беқарор.

Лаъли жонбахш узра хат қилма намоён, бўлмасун,
Хизр ерда мунфаил, кўкда Масиҳо шармисор.

Ол ниқобинг, эй, пари, ҳуснунгга баркеш қилғали,
Ҳар кеча то субҳ ой бирла тарозу интизор.

Лайлию Ширинни санга, ваҳ, на деб ташбеҳ этай,
Айлағум Мажнун ила Фарҳоддин номусу ор.

Хомаи наққош азалда суратинг чекканда ман
Бор эдим, ёзди дилим лавҳига меҳриндин нигор.

Ошно қил кўзларимга мақдаминг туфроғини,
Бўйла лутфингга кўнгил муштоқ, жон-уммидвор.

Номи хўбингни ҳуруфин зеб учун Фурқат қулунг,
Риштаи ашъориға терди чу дурри шоҳвор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тушумда бир пари кўрдум, насибим бўлса ёрим бор,
Юрогим тийри ишқи пора қилди, оҳу зорим бор.

Тамоми ҳури жаннат рашк этарга оразинг кўргач,
Тамошо қилғали, искаб турарга икки норим бор.

Юзини кўрдуму бошимга тушди они савдоси,
Қарору сабрим олди, кеча-кундуз интизорим бор.

Кечибман жону дилдан кўрмагунча ҳусни раъносин,
Етурдум кўз юмуб очгунча-бир чобуксуворим бор.

Муҳаббат ўтига куйди дилу жоним, аё дўстлар,
Мани айб этманг айтиб йиғласам, не ихтиёрим бор?

Азал соқийси сунди шароби ишқ жомидин,
Ичиб сархуш бўлуб ёрим диёридин гузорим бор.

Тегиб ишқ оташи ёндурди, айб этманг Зулайҳони,
Умидим васлидин, Фурқат, мани фасли баҳорим бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қиё-қиё боқишинг банда қилди, эй, дилдор,
Табассум айлаганинг олди сабр ила қарор.

Лабинг сучуклишдин сўзларинг ажаб ширин,
Ҳамани ақлин олиб тўтидек қилиб гуфтор.

Насибам ўлди алам заҳрию ғами ҳижрон,
Ишим фиғону юрак қону ҳам бағир афгор.

Дилу тилимда ҳамиша жамолинг авсофи,
Мудом матлабим ўлди висолинг, эй, дилдор.

Равому бағри адо қулларингга зулм этмоқ,
Вафо кўзила назар қил, бошингда Тангри бор.

Хароблиқ қиладур кўнгил юзинг кўрмай,
Чекиб чу булбули хаста фиғону нолау зор.

Ўшал куники сани бир кўруб асир ўлдум,
Қилур ишимни билолмай юрубдурман ночор.

Нечук таҳаммул этай, дилбаро, жудоликка,
Хуш ул замоне эдим санга маҳрами дийдор.

Камина Фурқатий ҳайрон жон ила ғулом ўлдум,
Шоҳи малоҳат эрурсан, эмасму қул даркор?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нозпарвар ёр агарчи табъи зулм ососи бор,
Ошиқ ўлтурмакда қон тўкмакка истиғноси бор.

Войким, солмас тағофулдин назар аҳволима,
Юз манингдек хаста расво ўлса не парвоси бор?

Расми маҳвашлардур: ошиқ олдида ағёрға,
Лутф этиб дегайлар, они ўзга бир барноси бор.

Ман гадога хоки кўйинг маскан этмак орзу,
Эрмиш аммо итларинг ҳар гўшадин ғавғоси бор.

Ҳури жаннат васфин этмиш зуҳд аҳли муддао,
Ишқ эли маҳшар куни маъшуқиға даъвоси бор.

Майл этар гулзори ҳар ким ёрдин маҳрум эрур,
Найласун ризвонни улким, сан каби раъноси бор.

Дам чиқармас сидқ ила даъвойи ишқ этган киши,
Булҳавасдур, ишқ ойинида «оҳ»у, «во»си бор.

Бўстони назм аро ҳар бандидин бир гул узуб,
Даста қилким, ёрни исми чаман ороси бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳар кишиким даҳр аро сендек малак сиймоси бор,
Ҳури жаннат юзига боқмоқдин истиғноси бор.

Айлагил рафтарким, шарманда бўлсун боғ аро,
Жилва бобида санга товусни даъвоси бор.

Дилбаро, олмас жамолингдин назар бир ламъае,
Ҳар кимиким, даҳр аро гар дийдаи бийноси бор.

Жон чиқар ҳолинда лаълингни сувидин раҳм этиб,
Солки, ҳар бир қатрасида юз Масиҳ анфоси бор.

Жон қачон қолғай саломат, боғласанг қош ёсиға,
Тийри мужгонингни, жоно, нўгида олмоси бор.

Айлади масти шароби ноз золим кўзларинг,
Юз менингдек ўлса эмди они не парвоси бор?

Нома иншо айладим, Фурқат, муҳаббат шавқидин,
Ҳар ҳатеким, ҳарфи исмингдин ани туғроси бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу баҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар,
Боғ аро нўш айлайлик биз ҳам шароби ноблар.

Эмди жонпарвар насим бўлғоч, булут қатрафишон,
Ғунчалар кулдию, юз очди гули сероблар.

Сарв уза қумри, гул узра андалиб афғонидин,
Ўчди якбора чўчиб, наргис кўзидин хоблар.

Сабзалар узра мусалсал бўлди сунбул турраси,
Бир тараф савсан аросидин равондур облар.

Қони бир ёреки, гулгашт айласак қўл ушлашиб,
Бехалал, оҳиста-оҳиста, шаби маҳтоблар.

Лаългун соғарда, соқий, арғувоний бодани,
Сибқориб бергум эрур, ғамдин дилим хуноблар.

Айб эмас, бош олмасам, Фурқат, нигор абрўсидин,
Ким сужуд этмабди, топса бу сифат меҳроблар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Саҳарларда мени ҳолимға мурғони чаман йиғлар,
Фиғонимдин сабо ҳар дам қизил гул пираҳан йиғлар.

Жигар уди куюб бағри биёбон гардиға тушса,
Ушолди қадри мушкин, деб ғизолони Хўтан йиғлар.

Юракда оташи дардим олиб борсам лаҳад ичра,
Қиёмат тонги откунча куюб гўру кафан йиғлар.

Сани дардинг билан йиғлаб, фиғону нолалар қилсам,
Кечиб фарзанду молидин, бўлуб эл беватан йиғлар.

Етилмай меваи мақеад, аруси жон эрур ҳайрон,
Чидолмай жустужў айлаб, юруб тун-кун... йиғлар.

Саҳарларда «Юсуф», деб оҳ уруб пири Канъондек,
Фиғонимдин фиғон айлаб, куюб байт ул-ҳазон йиғлар.

Кел, эмди, Фурқатий (қўй), Лайли деб юзланма саҳроға,
Бўяб лола кўзумни қонға гулгун пираҳан йиғлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Муанбар хатларингнинг бўйи на мушки Хўтантандур,
Магар райҳони жаннат ерга тушган ўлса, андандур.

Лабинг ёқути нобийдур ва на маржони серобий,
Нечук ўхшар анго, лаъли Бадахшону Ямандандур.

Эмас жоно, гирибонингдадур дурр тугмалар ранги,
Мунаққаш кўйлагингнинг оқлиги акси бадандандур.

Узоринг барги гулдин нозику хушрангу хушбўйроқ,
Бу янглиғ тозаю тар гулки, ё раб, қай чамандандур?

Бағирга лабларинг ёдида тушган қонни бўҳтондин,
Кўзум айтурки: «Сандандур», кўнгул айтурки: «Сандандур!»

Дубора кўрмасун ҳар ким, хатингдин бенасиб ўлсун,
Бузуб қуллуғни аҳдинким, агар паймоншикандандур.

Қачон лойиқ лабинг шаҳди хирадсиз булҳаваларга,
Эмас тўти алар табъи, басе зоғу зағандандур.

Олиб нусха баҳори хилъатингдин бўстонларга,
Гули аҳмар руҳингдин, ғунчаси дуржи даҳандандур.

Демаким: «Отмайин тийри мижам, нечун асир ўлдинг?»
Асир ўлмоғлиғим, эй, шўх, чашми сеҳрфандандур.

Раводур, кўзларингдин парвариш топти десам наргис,
Қадингнинг нахли бу гулшан аро сарву сумандандур.

Жаҳон раъноларин ўзга гирифтору ғулом эттинг,
Бу хосият шакарафшони жаннатлик сухандандур.

Асар қилмас сиришким мавжи-ю ҳам тийри афғоним,
Кўзингнинг сеҳридин хоро дема, руҳи на тантандур.

Нигини ҳарфи исминг ҳотамин назмиғаким, Фурқат,
Қилибдур дарж, кўрганлар деди: «Дурри Адандандур».

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Умр қарори йўқ, чунон барқи гузар ўтар-кетар,
Даҳр мадори ҳам яна мисли шарар ўтар-кетар.

Умри азиз ақабидин тез борур даму қадам,
Қайда борурни билмадим, шамсу қамар ўтар-кетар.

Кеча тамом ётмаган бори улуш олай десанг,
Токи қўпай дегунчалик файзи саҳар ўтар-кетар.

Асли ҳунар будур, кўруб боқма кишини айбиға,
На сан, на манда ул қолур айбу ҳунар, ўтар-кетар.

Хайри мухайяри ўлуб айлама шар, башар эсанг,
Мадҳу маломатга қолур, хайр ила шар ўтар-кетар.

Нафъ кўрай десанг зарар кўрма раво чибинға ҳам,
Қилсангу қилмасанг агар нафъу зарар ўтар-кетар.

Фақр эли кўрса юз алам арқосидин етиб борур,
Хайлу ҳашам била агар соҳиби зар ўтар-кетар.

«Қон юқи юзларингни пок айла», деманг ёш ила,
Гиря қилур маҳал яна хуни жигар ўтар-кетар.

Даври замона мунқалиб, бўлма малул келса ғам,
Гулға шамолдин агар етса асар ўтар-кетар.

Яхшини сиҳҳатин кўруб, яхши сухан эшитки, сан,
Яхши кўруб-эшитмайин кўр ила кар ўтар-кетар.

Қолмағуси жаҳон аро ҳеч киши, Фурқатий, яна,
Сочса агарчи назмидан дуру гуҳар ўтар-кетар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй, кўнгил, сабр айла, ул маҳ ошно кам-кам бўлур,
Байтул-аҳзонинг ахири пурзиё кам-кам бўлур.

Дафъатан, меҳру вафо ойинини тутумас, дема,
Ёш, ҳоло (ғўра)дур, ақли расо кам-кам бўлур.

Ёр васлиға тааммул еткурур, аҳбоблар,
Гар саломатликни қўйса, муддао кам-кам бўлур.

Бора-бора хаста ушшоқини қадрини билиб,
Булҳавасдин эҳтироз айлаб жудо кам-кам бўлур.

Мурғи ваҳшийни қилолмас ҳеч ким якбора ром,
Донау домики қурдунг, мубтало кам-кам бўлур.

Касб этар оҳиста-оҳиста киши фазлу ҳунар,
Боғ аро булбул болоси хушнаво кам-кам бўлур.

Бехабар, деб Фурқатийға таъна қилманг, дўстлар,
Лутфи Ҳақ бўлса агар машқи бажо кам-кам бўлур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Йиғлатиб ошиқ деганни зор қилмоқ шунчалар,
Раҳм ила бир боқмайин афгор қилмоқ шунчалар.

Ўзга ерлик одамега неча айлаб илтифот,
Бир маҳалла одамини хор қилмоқ шунчалар.

Лаъли майгун устина изҳор этибон хатти сабз,
Зор қолган кўнглими зангор қилмоқ шунчалар.

Мубталоларга боқиб ҳоли дилини сўрмайин,
Ҳар нечук одамлара гуфтор қилмоқ шунчалар.

Боғни сайр этгали товусдек айлаб хиром,
Сарву гулни ер била ҳамвор қилмоқ шунчалар.

Сен қулум деб, мендин аввал хатти иқрори олиб,
Ўз қулидин охири инкор қилмоқ шунчалар.

Қаҳру, жавру зулмни устодидин олиб сабоқ,
Бевафолик дарсини такрор қилмоқ шунчалар.

Куйдуруб рашк ўтиға пайванд дили бечорани,
Ҳар нечук ножинсларни ёр қилмоқ шунчалар.

Рўбарў келганда боқмай, бир такаллум айламай,
Фурқатий шўридадилдин ор қилмоқ шунчалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй, лутфи каму жафоси чўх ёр!
То чанд чекай ғамингда озор?

Йўқтур кечалар кўзимда уйқу,
То субҳ ўлуб ғамингда бедор.

Ҳайҳот, бу чархи вожгунни,
Бир жонима кулфати бу миқдор.

Моҳи рамазонки, файзи чўхдур,
Охир менга сенсизин на даркор?

Ҳар шом менга наволаи ғам,
Қисмат бўлубон қилурга ифтор.

Хуни жигарим шажарда шарбат,
Юз пора кўнгул кабоби тайёр.

Оз тоқатиму кўб эътиқодим,
Эй, сенга фидо, бу озу бисёр.

Эй, қоши камон, мижанг ўқидин,
Юз чок кўнгул, бағирлар афгор.

Авбош ҳужуми бир тарафдин,
Бир сори жафойи таъни ағёр.

Бедард изоси бир тарафдин,
Бир сори жафойи чархи ғаддор.

Қон йиғламайин ҳамиша Фурқат,
Нетсун сенга бўлса ошиқи зор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳасратий, кел-кел бери, ул шўхи жонондин гапур,
Фитна солған олама ошуби даврондин гапур.

Боғ аро мен пистау бодом ила йўқтур ишим,
Ул кўзи шаҳлодин айтиб, лаъли хандондин гапур.

Лашкари ғам остида қолдим чунон помол ўлуб,
Мўр аҳволин кўруб, бир дам Сулаймондин гапур...

Кокули савдосидин ошуфта ўлди жону дил,
Ўзгалар савдоларин зулфи паришондин гапур.

Бошинг учун, эй муҳаббат баҳрининг ғаввосиким,
Камбаҳо тошингни ташлаб, дурру маржондин гапур.

Ваъдалар айлаб эди: бориб сени қатл айлагум!
Аҳдини синдирдиму ? Ул ваъда ялғондин гапур.

Қумрии жўлидаға сарви равон таъриф қил,
Булбули дилхастага саҳни гулистондин гапур.

Кўнглум олғонда деди: Сенсен висолим маҳрами!
Эмди ташлаб ҳажрига, табъи пушаймондин гапур.

Сайри гулшандин менга дам урмағил, эй боғбон,
Ул пари Мажнунимен, дашту биёбондин гапур.

Васлидин дам урма кўб, эй ошиқони булҳавас,
Гар муҳаббат аҳли эрсанг, доғи ҳижрондин гапур.

Ўз диёридин адашган, Фурқатий девонамен,
Чуғзи ҳар вайронадурмен, байт ул-эҳзондин гапур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Масти бодаи ҳуснунг бўлмағон нечук жондур?
Ақлини бериб барбод, жумла халқ ҳайрондур.

Лоладек жамолингни бир йўли кўриб зоҳид,
Неча йилғи зуҳдидин доғ ўлуб, пушаймондур.

Айлайин фидо минг жон, қўй қадам юзим узра,
Кўзга гарди наълингни сурмаи Сулаймондур.

Оразинг зиёсидин кечалар бўлуб равшан,
Хатларинг саводидин гарчи зулматистондур.

Боғ аро хиром этсанг барча эл кўруб айтур:
«Ҳур эрурки жаннатдин ер юзиға тушкондур».

Қоматингни нахлидин сарв ўлуб хижолатрез,
Хилъатинг баҳоридин мунфаил гулистондур.

Жаъди анбарин зулфинг ҳар хаму шиканжида,
Минг асир мен янглиғ хотири паришондур.

Юзларинг гули аҳмар гулшани малоҳатда,
Гулни шохидек қаддинг ҳар тарафга ларзондур.

Фурқатий дилафгоринг телба, офият топгай,
Кўзларингки, ҳар соат қон тўкарга майлондур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сарвқад, сийминбадан, гулпираҳан, мастоналар,
Кўрмаям меҳри руҳинг, саргаштаю афсоналар.

Лайливаш, ширинмисол хўблар санга чокар ўлуб,
Руб этар фаррош каби ҳар субҳидам остоналар.

Тоқатин торож этар Мажнун каби ҳуснинг кўруб,
Чарх уруб дашти жунун, оворадур жононалар.

Нурфишон қўли била субҳ дояси кокулларинг,
Шонаи боди сабо бирла ани чун шоналар.

Наргиси мастинг сузиб, лутфинг майи-ла бир туни,
Лабрез айла базми васлинг ичраким паймоналар.

Зулм ила ҳижрон ўтидин шуъла солма кўксима,
Жон куюб, ахгар бўлуб, тан бўлмасун вайроналар.

Ранжу меҳнатлар чекуб, ҳижрон ғамидин дил заиф,
Дарди дил дорусиға май истарам, майхоналар.

Хилват айлаб ғайрдин, кўрсат жамолинг шамъини,
То кўруб жону дилим бўлсун анга парвоналар.

Ўткарур ҳижрон тунин Восиф йиғи-ла доимо,
Бир келиб ҳолин сўра, то билмасун бегоналар.

Назм ичинда Фурқат исминг ҳарфининг болосида,
Риштаи маржон этиб чун гавҳари фарзоналар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менинг бир лайливаш ишқида мажнунлуғ шиоримдур,
Жунун аҳли эрур ёрим, бало дашти диёримдур.

Баҳор айёми саҳрода очилғон лолалар эрмас,
Юзи ҳажрида ҳар бир қатра қонлиғ ашкборимдур.

Чаманда ғунча деманг, қонға тўлғон таҳ-батаҳ бағрим,
Эмас наргис, анинг йўлида чашми интизоримдур.

Қаронғу кеча эрмас, тийра бахтим, таҳ-батаҳ ҳолим,
Сочи савдосидин токим қораргон рўзгоримдур.

Қаю ерда хазонлиғ барг ё парри самон бўлса,
Менинг ғурбат аро ғам бирла сарғарғон узоримдур.

Ер узра поймол ўлғон эмастур сояйи дєвор,
Йиқилган чарх зулми бирла жисми бемадоримдур.

Агар ёр остони узра бир афтода кўрсанглар,
Қуюнларким, кўнгул отлиғ хароби хоксоримдур.

Фалакда раъд, барқ этманг гумон, ул ой фироқинда,
Менинг савти фиғоним бирла оҳи пуршароримдур.

Шаҳид ўлсам, бошоқлиғ ўқини бошимға қўйғайсиз,
Ўзи мил-у, ёнар пайкони бир шамъи мазоримдур.

Муҳаббат йўлида бир неча расвойи жаҳон бўлдим,
Биҳамдиллаҳки, бу дунёда топгон эътиборимдур.

Фиғоним эшитиб, аҳбоблар қошинда сўрганда,
На бўлғай десалар, Фурқат деган бир беқароримдур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Биз, истиғно эли, қичқирмоғон маъвоға бормасмиз,
Агарчандики хирман айласа дунёға бормасмиз.

Агар лаб ташна қолсак филмасал саҳройи оламда,
Малолат зоҳир этса, мавж уран дарёға бормасмиз.

Умид этгонимиз аксар саодат бўтаи ҳақдин,
Агарчи мис эрурмиз, қиммати тиллоға бормасмиз.

Ҳамиша лоф урармиз халқ аро Фарғона мулкида,
Бағоят табъимиз озода деб, ҳар жоға бормасмиз.

Ҳаво лойиға ботган моуманлик дўсти худбинким,
Ўшандоғ кам зарофат маскани аъдоға бормасмиз.

Биз эллар – фақр элимиз, парча нонға сабр айлармиз,
Ғараз дунё учун Искандару Дороға бормасмиз.

Эмасдур онча асбоби жаҳонға фикримиз Фурқат,
Вале кетгунча жуз андишаи фардоға бормасмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз,
Кўзи шум ағёрлардин анда пинҳон иккимиз.

Ҳар замон даврон жафосидин қилибон бода нўш,
Мастликдин айласак қайғуни яксон иккимиз.

Ул замон сайри гулистон айласак қўл ушлашиб,
Рашкдин айлаб гулу булбулни яксон иккимиз.

Даҳрнинг озоридин масти хароботий бўлуб,
Тарки ҳуш айлаб, бўлуб ул ерда ҳайрон иккимиз.

Қумриларни доғи ҳижронга гирифтор айлабон,
Ерга помол айласак сарви хиромон иккимиз.

Ногаҳондин азми бозор айлаб, эй жон, шавқ ила,
Солиб олам аҳлига кўб шўру тўфон иккимиз.

Камтарин Фурқат бу янглиғ муддаоға етмади,
Кошки бир ерда бўлсак эрди, жонон иккимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

На бўлди, нигоро, биза асло қарамайсиз,
Гулдек очилиб, ғунчаи ҳумро, қарамайсиз.

Ё ўзга кишилар сиза сўз ўргатадурми?
Йўқса нега ҳеч сўз демайин, ё қарамайсиз?

Ҳар кун ўтасиз тўффини боша қўюб эгри,
Олифта бўлуб мунча таманно, қарамайсиз?

Кўрганда мени мунча шитоб айлаб ўтарсиз,
Борму магар ул ёна тамошо, қарамайсиз?

Ҳар шому саҳар тинмайин афғон чекадурмен,
Булбул қулингизга гули зебо, қарамайсиз.

Хўблар била келганда-ку мендин қиласиз ор,
Энди ўзингиз яккау танҳо, қарамайсиз.

Фурқат қулингиз мисли гадо йўлда ётодур,
Бир лутфу карам қилғоли, шоҳо, қарамайсиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Зиҳи ситамки менга мунча, дилрабо, қиласиз,
Билиб туруб куёримни яна жафо қиласиз.

Кўнгулни олдингизу, жонни ҳам олинг ботроқ,
Ғариб элни нега бир-бирин жудо қиласиз?

Мени – асирни этиб эмдиликда девона,
Рақиби сияхрўни бори ошно қиласиз.

Жудолиғ айлар экансиз келиб-келиб охир,
На деб мурувват этиб аввал вафо қиласиз?

Вафо қилурға менга бердингиз чу минг ваъда,
Ўшал ваъдани бирига қачон вафо қиласиз?

Нечук эрурки, собир худога дод этсам,
Жафоларики менга мунда ҳолиё қиласиз.

Суруб таковарингиз, қатл этиб халойиқни,
Бу ерни қон ила чун дашти Карбало қиласиз.

Фироқингизда бу беморликда ётганим-ётган,
Келарсиз ўзингизу васлдин даво қиласиз.

Тағофул ўлса сизи феълингиз ҳамиша нигор,
Камина Фурқатийни ғам билан адо қиласиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўртанур токай фироқинг оташида жонимиз,
Жонимизға раҳм қил бўлсанг агар жононимиз.

Сен каби товус пайкар нега келтирсун хиром,
Чуғз қўнмас кўзга илмай кулбаи вайронимиз.

Қайда бўлсанг гул юзинг ёдида ул ердур бизи –
Боғимиз, бўстонимиз ҳам равзаи ризвонимиз.

Онқадар қилдинг жафою жаврлар, эй шўхким,
Онча бор эрди чекарга қолмади имконимиз.

Ноламиздин кечалар гардун қулоғи бўлди кар,
Оҳким, етмас сенга бир нолаю афғонимиз.

Сели ғам бедодидин ет додимизга, адл қил,
Сенки бордурсен малоҳат мулкида султонимиз.

Ҳар замон кўз бошинга сурсак агар бир важҳи бор,
Зийнат ортар, кокулингга шонадур мужгонимиз.

Турмайин аҳдингда паймонингни синдурдинг ахир,
На эди аввалда, Фурқат, аҳд ила паймонимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишқ изҳор этганимға қаҳр этиб, эй, сарвиноз,
Жисм ила жоним итоб ўтиға то бердинг гудоз.

Ҳар неча элдин кўнгулда айласам пинҳон бу дард,
Ашки олу чеҳраи зардим этар ифшойи роз.

Ул куни гулгун кийиб миндинг саманди ноз уза,
Қилдинг, эй, қотил, кўнгул майдони ичра турктоз.

Қумри янглиғ иштиёқингда нечук қон йиғламай,
Сарв осо қад била бўлсанг кўзимға жилвасоз.

На эмиш ишқингда барбод айламоқ бир хонумон,
Сен каби маҳвашқа минг жон ўлса танда ёна оз.

Бир пари зинжири зулфидин халос ўлмай ҳануз,
Зор кўнглум сен ситамгарга гирифтор ўлди боз.

Тийри афғонимғаким ҳар тун сурайёдур нишон,
Бежигарлар оҳидин албатта қилғил иҳтироз.

Ўзга дилбарларга нозе бордур истиғно тўни,
Айланай, қаддингға лойиқ хилъати дебойи ноз.

Мунтазирликдин йўлингда ўзни туфроғ айлади,
Бир нигоҳинг бирла қилғил Фурқатийни сарфароз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Анбарин хаттеки қилдинг ошкор, эй, сарвиноз,
Кўрдиму чиқти кўнгуллардин ғубор, эй, сарвиноз.

Кўксима ўқларки отдинг ғамзадин, пайконларинг,
Чекмаким, жонимға қолсун ёдгор, эй, сарвиноз.

Демадинг ҳаргизки: менсиз кечти аҳволинг нечук?
Тиғи ҳиҗронингдин эрдим дилфигор, эй, сарвиноз.

Жаъди мушкинингдин очиб ҳар тараф марғулалар,
Айладинг бизни паришон рўзгор, эй, сарвиноз.

Лаъли нобинг ҳасратидин ғунча янглиғ қон ютуб,
Гул юзинг ёдида чектим хор-хор, эй, сарвиноз.

Йўқмен ўзда, ҳушима келганда келсанг ёдима,
Тортадурмен нолаи беихтиёр, эй, сарвиноз.

Лоф урармиш гул тароват бобида гулшан аро,
Бир бориб юз очки, бўлсун шармсор, эй, сарвиноз.

Хўбрўлардин мурувват гарчи ғайри расм эрур,
Мен хаёли хом этиб, уммидвор, эй, сарвиноз.

Айғил охир бир кўриб, маҳзун кўнгулни сўрмасанг,
Тобакай тортай йўлингда интизор, эй, сарвиноз.

Назмими силкиға чектим, Фурқатий, зийнат учун,
Ҳарфи номинг мисли дурри шоҳвор, эй, сарвиноз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир боқиб жонимни олди наргиси хумморингиз,
Берди бир сўз ила қайтиб лаъли шаккарборингиз.

Лаҳза-лаҳза айлабон жон душманиға илтифот,
Мен каби маҳзунғаму юз жавру минг озорингиз?

Бош чекиб хуршид машриқдин валекин қилди паст,
Барқ уруб мағриб саридин шуъалаи рухсорингиз.

Йўлингизга термулуб доим оқарди кўзларим,
Оҳ, қачон бўлғай муяссар давлати дийдорингиз.

Йиғлатиб булбул каби гул юзингизни жилваси,
Қумридек дар нола қилди шеваи рафторингиз.

Кунжи ғамда жавр ила бедодингиздин, эй пари,
Лабға жоним етти, олинг, бўлса шул даркорингиз.

Туздингиз хилват тутиб аҳёр ила то сози базм,
Ўлди бемор ушбу ғамдин Фурқатий афгорингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Васл ароким, гул каби очтинг узор, эй сарвиноз,
Қилма кўнглум хори ҳижрондин фигор, эй, сарвиноз.

Айласанг-чи кўзларим равшан, келиб наргис каби,
Тобакай тортай йўлингда интизор, эй, сарвиноз.

Кетма кўздин нориким, бир дам жамолинг кўрмасам,
Турғуси менда қачон сабру қарор, эй, сарвиноз.

Ихтиёрим кетди қўлдин ул куни, андин бери,
Тортадурмен нолаи беихтиёр, эй, сарвиноз.

Тўтиёлиқға оқарғон кўзларимға кошки,
Етса эрди доманингдин бир ғубор, эй, сарвиноз.

Бу қаду рухсор ила кел боғ аро кўргиз хиром,
Сарв эгилсун ҳам гул ўлсун шармсор, эй, сарвиноз.

Ой юзингсиз, Фурқатий, то субҳ йиғлаб ётмадим,
Бўлди андоқким қаронғу кеча тор, эй, сарвиноз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўзларинг ҳар гўшаси бир манзалу маъвойи ноз,
Қошларингни хамлиги ҳам боиси иймойи ноз.

Фаҳм этиб ошиқлигим қилдинг итоб узра итоб,
Англадим бу шеваниким ноз бир болойи ноз.

Эй, жафопеша, тағофул этганинг етмасмуди,
Дардими афзун қилурсан, айлаб истиғнойи ноз.

Рашк жомидан ичибман гўшаи ҳасратда қон,
Сан чекиб ағёр ила тун соғари саҳбойи ноз.

Нозанинлар ноз иншосин азал котиблари,
Ёздилар, лекин сени номинг учун туғройи ноз.

Ўзга маҳвашларга нозебодур истиғно тўни,
Дилбаро, қаддингга лойиқ хилъати дебойи ноз.

Офтоби оразинг тўлди шуоъи олама,
Бўлди зарроти жаҳон чун роғиби савдойи ноз.

Эй, парипайкар, мани ўлдурдинг истиғно қилиб,
Кўз уйина айламай ташриф бир йўл пойи ноз.

Хўблиқ мулкидадурсан бир амири комрон,
Ҳусн тахтида начоғлиқ ноз қилсанг жойи ноз.

Гулшан ичра ғунча эрди, бош чекиб бўлди хазон,
Тутмайин поси адаб гул айлагач ифшойи ноз.

Умр қатъ ўлсун ажал дорулқазосиға бориб,
Ҳар парирўким, қилур бўлса санга даъвойи ноз.

Ҳуш нақдин бир тарафдин кўзларинг торож этиб,
Бузди бу кўнглумни мулкин устиға яғмойи ноз.

Қилса саҳрони ватан Мажнун каби Фурқат нетонг,
Сен каби Лайли нигоҳидин эрур шайдойи ноз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қайси бир боғи Эрамни ғунчаи ҳамросисиз?
Ё малоҳат гулшанини бир гули раъносисиз?

Раҳна солиб сабр таъмириға бир наззорадин,
Кимни бир бераҳм қотил, кўзлари яғмосисиз?

Бора-бора жон қушини қумридек нолон этиб,
Қай латофат боғини сарви чаманоросисиз?

Ахтариб топмас жаҳон баҳрини кўб ғаввослар,
Рост айтинг, қайси дарёни дури яктосисиз?

На башарсиз, на пари, на ҳуру ғилмони жинон,
Балки афлоки фасоҳатни малак паймосисиз?

Чиқсангиз майдона гар, ушшоқ эли бўлғай ҳалок,
Тавсани шўхи фалаксиз, жаҳон иҳмосисиз.

Эй, парилар сарвари, эй, дилбари оромижон,
Ҳусн аҳли гарчи кўбдур, барчадни аълосиз.

Нозанинлар зубдаси, хулди бариндур кўйингиз,
Ошиқи дилхасталарни жаннат ул-маъвосисиз.

Ҳад на бўлғай номингиз ҳарфини зикр этмак манга,
Фурқатий дилхастани султони олийжосисиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тавафи Каъбаға раҳнамо билан борамиз,
Ўлумни чоғлаб ўза қазо билан борамиз.

Муроди манзилиға айлабон яна Мийно,
Умиди Марва истабон Сафо билан борамиз.

Ки ҳаж қилурда кўб эрмиш шароити аркон,
Бажо этарга бир неча расо билан борамиз.

Умид беҳад этиб журмимиз маофиға,
Мадина сориға бу муддао билан борамиз.

Келинглар, аҳли муҳаббатки, жон нисор айлаб,
Мазори шери Худо – Муртазо билан борамиз.

Келингки, ҳаддин ошубон фужур кўб қилдук,
Фиғону нолау воҳасрато билан борамиз.

Ото-оноу қариндошдин умидни узуб,
Имоми лахтаи жигардек ризо билан борамиз.

Яқони чок этибон бу йўлда қон йиғлаб,
Имом Ҳусайн-шаҳиди Карбало билан борамиз.

Кел эмди, Фурқати бедил, турарга тоқат йўқ,
Тавофи Каъбаға раҳнамо билан борамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оҳким, раҳм қилиб, бир йўли ёд этмадингиз,
Мани мағмумни хотирини шод этмадингиз.

Олмайин бир йўли жон ғуссадин айлаб озод,
Ё қилиб қатъи назар, дардни зиёд этмадингиз.

Хуни дилдин ёзибон номаи шавқим борадур,
Лафзи дашном ила бир парча савод этмадингиз.

Зулм тиғила тўкуб ғамзодалар қонини,
Бошингиз Ҳаққи учун тарки фасод этмадингиз.

Сизки, иқлими малоҳат шаҳидурсиз, жоно,
Ошиқи бечоралара адл ила дод этмадингиз.

Каъбаи дилни хароб этти чу ғами куффори,
Бир ҳимоят бўлубон ҳеч мадод этмадингиз.

Жони тоза берибон ҳар кима бир тиғ била,
Фурқатий дилхастага бир ўқни кушод этмадингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Не эрур журмимки, кўрса ул ситамкор индамас,
Гарчи ишқида қилурмен нолаю зор, индамас.

Учрадим қандоғ ситамгар дилрабоға, оҳким,
Тиғи жавридин қилиб бағримни афгор индамас.

Лоуболу шўхдурким, маҳзи истиғно қилиб,
Бўлса ҳам аҳволи зоримдин хабардор, индамас.

Йўлида бошимни помол айласам ҳам соядек,
Зарра парвоси йўқ ул хуршиди рухсор индамас.

Индаса раҳми келиб шоядки деб, Фурқат, анга,
Тўғри бўлсам лоақал кўрганда бозор, индамас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сен каби бадмеҳрликни ҳеч мусулмон айламас,
Айлағай, лекин жафоу жавр чандон айламас.

Орази хўбингни ҳар ким кўрса гулшан сайрида,
Орзуйи жаннат ул-фирдавсу ризвон айламас.

Ўйнасанг чун ламъа ҳайрон кўзларимда, эй пари,
Жилвасин ойинаи хуршиди рахшон айламас.

Айладинг жонимға бедод устиға бедодлар,
Душманиға бу ситам ҳеч номусулмон айламас.

Ийди рухсоринг аро икки ҳилолингни кўруб,
Қандоғ одамдурки бир жонини қурбон айламас.

Бодаи лаъли лабингдин қатра нўш эткан киши,
Умр ичида ёд ҳаргиз оби ҳайвон айламас.

Маҳрам ўлмай васлингга кўз ёшим ўлди бешариқ,
Сенсиз, эй оромижон, най манча[5] афғон айламас.

Кеттинг ағёр ила Юсуф талъатим саҳро сори,
Байт ул-эҳзон йўлға мендек пири Канъон айламас.

Васл савдосиға берди Фурқатий жон нақдини,
Кўрмаса суде агарчанди, пушаймон айламас.

---

[5] Маҳрам, Бешариқ ва Найманча – Қўқон атрофидаги қишлоқ номи, лекин биз шеърнинг асли мазмунини чиқариш учун бу сўзларни кичик ҳарф билан ёздик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жаҳон боғини ахтарсам сенингдек гул узор ўлмас,
Суманбар, сарв қомат, ғунча оғизлиқ нигор ўлмас.

Йўлинг узра бўлиб гар тупроғимдин юз забон наргис,
Очилса сен учун, тонг йўқ, демаким интизор ўлмас.

Кўзинг махмуридурман сипқориб ўтган билан соқий,
Шароби ноб ортиқ, дурддин рафъи хумор ўлмас.

Нечук бедодгар, бераҳм дилбарсанки, ишқ аҳли,
Жаҳон таркин қилибон, жон бериб ҳам эътибор ўлмас.

Қулингман, ҳар на қилсанг айлагилким, ихтиёрингдур,
Инону ихтиёрим сенда, менда ихтиёр ўлмас.

Кечубдурман, сени ёр ўлса шояд деб, диёримдин,
Кетай ёр ўлмасанг эмди, диёринг ҳам диёр ўлмас.

На деб ранжида бўлдингким, бу ёзган номада дебсан:
«Қасам ичсам агар сендек киши бизларга ёр ўлмас».

Бўлиб савдозада ишқинг ҳавосидан ҳазин кўнглум,
Дами гул накҳатидин тургали Фурқат қарор ўлмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бўлса ким хилватнишин, сайри чаман лозим эмас,
Узлат этган одамига анжуман лозим эмас.

Бенаволарни кўруб, таън этманг, эй, аҳбоблар,
Ким, харобот аҳлига ҳаргиз ватан лозим эмас.

Булбул эрмас ғордин гар ошиён этмас бино,
Чуғзи ғурбат бўлмаса байт ул-ҳазан лозим эмас.

Қосир ақлинг бирла сунъи Кибриёдин урмадам,
Билмаган одамга бир нозик сухан лозим эмас.

Лайливаш бир дилбари раъноға ошиқ бўлмасанг,
Юрмағил беҳуда бул дашти миҳан лозим эмас.

Кўҳи ғамни нохуни сабрим била қаздим бу кун,
Урма дам Фарҳоддин-ул Кўҳкан лозим эмас.

Фурқато, айғил такаббур аҳлиға Машраб деди:
«Қатраи оби манийга моуман лозим эмас».

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ваҳм бирла ғаллани қиммат қилур ҳаннотлар,
Икки-уч кун тўҳтамасдин ёғса ногоҳ қор, қиш [6].

Шаҳр эли барча емак-ичмак балосиға қолур,
Кам бўлуб байъи широ, тўхтаб қолур бозор, қиш.

Уйда ўлтурсанг совуқдин қақшабон бу бир бало,
Сандали бирла ўчоғ айлар путунг нокор қиш.

Кўчаға чиқсанг тириклик боиси авқот ўлур,
Совуқидин еткурур жонингға кўб озор қиш.

Ҳар кишида бўлса икки-уч нафар аҳли аёл,
Дафъатандин уйға ун, ғўло ўтун даркор қиш.

Иссиғ уйда бўлса асбоб маишат жо бажо,
Чиқмасанг ташқориға деса бўлур: гулзор, қиш.

Боқмайин бору йўқингға сарф айлаб бўлмағай,
Ёз бўлғунча қўлингда дарҳаму динор қиш.

Камзулу пўстун била иссиғи йўқ тандурга,
Тез бўл, тайёр қил, деб пахталиғ шалвор, қиш.

На қилайким, ўлтурай деса, совуқни зўридин,
Эрта оқшомда чиқар ҳар кўчаға ночор қиш.

---

[6] Бу ғазалнинг матлаъи ва мақтаъи асл нусхада тушиб қолган. Сарлавҳа ўрнида «Фурқатни қиш ва совуқ ҳақида айтган шеърн» деган жумла мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бошладим аввал ба номи холиқи Акбар баёз,
Бўлмағай деб то қиёмат даҳр аро абтар баёз.

Қодиреким қудратидин айлабон лайлу наҳор,
Нуру зулматдин яратти ҳар савод-у, ҳар баёз.

Ҳамд ҳарфидин ўзига зеблар пайдо қилиб,
Топти наъти Саййиди кавнайнидин зевар баёз.

Фахри олам, афзали одам, Расули коинот,
Шаръидин бўлди жаҳон зулматлари яксар, баёз.

Ҳазрати Бубакр сидқидину адли нуридин,
Айлади олам саводи ҳазрати Уммар баёз.

Берди динга ҳилму тамкини била Усмон ривож,
Куфр зулмотин қилиб самсомидин Ҳайдар баёз.

Бўлди ҳар мавжи ғазал бирла сафобахши жаҳон,
Зоҳир айлаб мисраенинг тийғидин жавҳар баёз.

Топти оройиш ғазаллардинки, ҳар бир мисраъе,
Қомати баржастан бир шўхи симинбар баёз.

Ҳар саводи нуқтаю хатти эрур мушки Хито,
Ҳар баёзи байни сатри қитъаи анбар баёз.

Жонфизо мазмунларидин тийрадилларни қилиб,
.....[7] Искандар баёз.

Ҳар қачонким очти табъим боғидин бир тоза гул,
Боғладим гулдаста, Фурқат, айладим дафтар, баёз.

---

[7] Кўпнуқта ўрнидаги ёзув йиртилиб йўқолган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шеваи меҳру вафо дилдорлардиндур ғалат,
Зулфи сунбул орази гулнорлардиндур ғалат.

Айламас ҳаргиз мурувват ошнолар, ёрлар,
Айламоқ гашти вафо аҳёрлардиндур ғалат.

Ҳар нафас юз минг жафога мубтало айлар кўзи,
Истамок хурсандлик хунхорлардиндур ғалат.

Лабларидан нуши дору айламанг уммидким,
Орзу этмок даво беморлардиндур ғалат.

Кеча-кундуз жон узар бечоралар бир пул учун,
Айламоқ чашми карам тужжорлардиндур ғалат.

Тошбағирлардин мурувват истамоғликдур хато,
Шишага раҳм айламоқ сангхорлардиндур ғалат.

Фисқ аҳлидин хато уммиди эҳсону сахо,
Зуҳду тақво истамоқ фужжорлардиндур ғалат.

Фурқат, абнои замондин шиква қилмоқлик на суд,
Чунки уммиди вафо ғаддорлардиндур ғалат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ул пари ҳажрида чеккан нолау зоримға боқ,
Осмонға ўрлади, оҳи шарарборимға боқ.

Гулжабину ғунчалабнинг ҳасратида қон ютуб,
Сарғарибдурман, хазондек жисми беморимға боқ.

Заъфарон юз узра қонлиғ ёш тўкарман, эй, рафиқ,
Қилмадинг бовар агар бу ранги рухсоримға боқ.

Умрлардур бўйла бир бетараҳҳум ёр учун,
Дўсту душмандин эшитган таъна-озоримға боқ.

Таън қилғунча мени, бедардлар, кўзум ўюб,
Ол, кўзинг ўрниға солғил, сўнгра дилдоримға боқ.

Ишқ савдосидин ўлдум гарчи кўб ошуфтаҳол,
Эй, жунунни шаклидин бўйнумда тумморимға боқ.

Эй, муҳаббат аҳли, рамзи ишқ фаҳм айлай десанг,
Ёзилан хуни жигардин, Фурқат, ашъоримға боқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнгул қўймоқ хатодур, ҳусн аҳлининг вафоси йўқ,
Хинонинг рангли янглиғдур, кетар бир кун, бақоси йўқ.

Ўшал маҳвашки олам халқи анга мубталодурлар,
Ва лекин ман каби онлар ичинда мубталоси йўқ.

Ишонманглар, мусулмонлар, вафога ваъдалар қилса,
Булар ялғончилардур, аҳдининг ҳаргиз вафоси йўқ.

Ғаразгў, шум рақибларнинг юрар арқосидин истаб,
Қочар андинки, ишқдин ўзга дилда муддаоси йўқ.

Фалотун бўлса баъзи, мақтама, ул бехирад бўлғай,
Жаҳон раъноларининг қай бирининг норасоси йўқ.

Тағофул бирла оҳиста кетар ҳар сў, қарор этмай,
Замоне ўлтурурга ошиқ олдида ризоси йўқ.

Замона хўбрўсидин ўзингни қил, бадар, Фурқат,
Агар юз йил бу янглиғ умр кўрсанг, ҳеч бақоси йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жаннатнинг гулларидин гулзорингиз чиройлик,
Ҳуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик.

Кўрганда қоматингиз бўлғой хижил сановбар,
Товуснинг жилвасидин рафторингиз чиройлик.

Ҳар қанча айласангиз келмас малол ҳаргиз,
Яхши эрур жафонгиз, озорингиз чиройлик.

Ҳар бир-биридин аҳсан афъолу хислатингиз,
Кирдорингиз ярашган, атворингиз чиройлик.

Олма қизил юзингиз, бодом эрур кўзингиз,
Таърифи анжирингиз, анорингиз чиройлик.

Фурқат, кўриб кўнгуллар бўлмас нечук паришон?
Белларда кокулингиз, тумморингиз чиройлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чаман саҳнида дерлар сарв бирла ёсуман нозик,
Ғалатдур, қоматинг олдида гулдан пираҳан нозик.

Қачон ул Юсуфи Мисрийда бу ҳусну малоҳат бор?
Фасоҳатда, сабоҳатда, ҳама тўғрида сан нозик.

Фалакни даврида кўп давр кечти, даҳр золидин,
Вужуда келмади асло сенингдек оқ бадан нозик.

Каломингдин ҳаловат топмоғи жонларни ондинким,
Даҳон нозик, забон нозик, ки лаб нозик, сухан нозик.

Қошинг саркашлик айлаб, қон тўкарга ўлтириб эрди,
Нечук бўлдики, бош чекмиш кўзинга ул чафан нозик.

Муносибдур сенингдек андалиби жаннатий, йўқса,130
Қачон бўлди жаҳон боғида ҳар зоғу заған нозик.

Қулинг Фурқат, дилим дардини кўп ифшо қилолмасмен,
Кўтармас табъи мавзунинг, анинг фикрича, сан нозик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Келинг Мулло Раҳим, ёр ахтарайлук,
Кўнгул марғуби дилдор ахтарайлук.

Агарчи топмасак бир яхши дилбар,
Ёмондур, гар ситамкор, ахтарайлук.

Йўлуқтурди фалак якбора ғамни,
Демасдук ранжу озор ахтарайлук.

Юракда дарди йўқларни нетармиз?
Ўзимиздек дилафгор ахтарайлук.

Жаҳон боғини маҳзун булбулимиз,
Гулеки бўлса бехор, ахтарайлук.

Вафолик ёрни аҳволи шулму?
Қўйинг эмди, жафокор ахтарайлук.

Бўлуб ҳайрон бу ерда турмасак хўб,
Кезиб элни чи миқдор ахтарайлук.

Неча кундур иковлан Фурқатиймиз,
Висолини бўлуб зор ахтарайлук.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишқ аро ошиқ ҳамиша волаи мажнун керак,
Оҳи сўзон, сина бирён, кўзлари пурхун керак.

Ғунча янглиғ ҳар саҳар хунобаи ҳасрат ютуб,
Ашки хунолуду пурхун жомаси гулгун керак.

Кори ҳар номард эмасдур ишққа қўймоқ қадам,
Рустами достон керак ё марди Афлотун керак.

Эл аро йиртиб яқосин, дод этиб, йиғлаб юруб,
Кўксига нохун уруб, нолон, кўзи Жайҳун керак.

Фурқато, ишқ аҳлини ноласи афғониким,
Булбули шўридадек ҳар рўзи шаб афзун керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лола ранг,[8]
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Заъфароний кўйлак узра арғувоний камзиҳур,
Рўймол оғушидин пешонани аҳволи танг.

Бори нозик панжалар олтун узукдин зебнок,
Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.

Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баногўшида банд,
Кўринур зулфи тунида субҳи содиқдек аранг.

Ғамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,
Турфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу сатанг.

Ақл, ҳуш элтар агар турса паридек силкиниб,
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурму шўх-шанг?

Йўқ қутулмоқлиғ менга, ул офати жон дастидин,
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар ҳаданг.

Ул париваш ишқидинки, телбадурмен, гоҳ соғ,
Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу, гоҳи жанг.

Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожў айлади,
Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонға фаранг.

---

[8] Фурқат бу мисрани Фузулийга тазмин қилган.

Қаранг: Фузулий. Асарлар, икки жилдлик биринчи жилд. Девон. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, –Тошкент: 1968, 338-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Не балолиғ эрди, эй шўхи дилоро, суратинг,
Ақлими лол этти қилғунча тамошо суратинг.

Кетти бир кўргач ани сабру қарорим шеваси,
Айлади тоқат нечук чекканда тарсо, суратинг?

Ёки Гуландом эрурсан, боз келдинг дар вужуд,
Айлади Баҳромдек бизларни шайдо суратинг.

Сарвқадлар суратин чекканда нақкоши азал,
Бир алиф шаклида ёзмиш қадди зебо суратинг.

Нақши пойингни чеколмас эрди Чин суратгари,
Олғуси миръот ила рус аҳли қайдо суратинг?

Бу латофатлар била борса калисоға агар,
Қўймағайму бош-аёғига чалипо, суратинг?

Турфаким тасвири лаълинг мурдаларға жон берур,
Йўқ эрур, жоно, ажаб бўлса Масиҳо суратинг.

Кеча-кундуз журъат айлаб моҳу меҳр ойинаси,
Бўлмади кўрмоқ ила мустағни асло суратинг.

Фурқатий қошу кўзинг айни тасаввур айлагач,
Солди ғорат кўнглига, жониға яғмо суратинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нигори дилнавозим, доғи ҳижрон айладинг кетдинг,
Фироқинг ўтиға бағримни сўзон айладинг кетдинг.

Қадингни жилвапиро қилдинг эрса ҳури жаннатдек,
Ҳамани қумридек ҳасратда нолон айладинг кетдинг.

Асири ишқ бўлғонлар ҳамамиз йиғлашиб қолдик,
Мунингдек ҳасрату ғам ичра нолон айладинг кетдинг.

Табассум айладинг гулдек, такаллум айлабон ул кун,
Мисоли ғунчадек бағрим тўла қон айладинг кетдинг.

Сафар қилдинг, шаҳаншоҳим, шукуҳу салтанат бирла,
Қулинг Фурқатни бу ғурбатда нодон айладинг кетдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мунча золим бўлмиш ул хунрез тарсо кўзларинг –
Ким, солур ислом элиға онча яғмо кўзларинг.

Ҳалқаи зулфинг кўнгулларни саросар банд этиб,
Қатлима тортар қошингдин тиғи бурро кўзларинг.

Кеткил ул ён, деб ишорат қилса ҳар гаҳ қошларинг,
Кел бери, деб айлашур оҳиста иймо кўзларинг.

Майдин эрмас ул киши, жоно, сияҳ маст ўлмоғи,
Кўрди бир ғамза ҳарифи нашъа паймо кўзларинг.

Хирқаи зуҳдумни ҳуснинг панжасидин чок этиб,
Офият аҳли қошида қилди расво кўзларинг.

Айлаганда настаран кўзгусини ҳайрон юзнинг,
Интизор этмас нечук наргисни шаҳло кўзларинг?

Не учун дашту биёбонларни тинмасдин кезар,
Қилмағон бўлса агар оҳуни шайдо кўзларинг?

Қилди Фурқатни харобу хастау зору забун,
Холу хаттинг, қадду рухсоринг, на танҳо кўзларинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Май ичибким, ғамза тиғин обдор айлар кўзунг,
Ҳар нигаҳда юз кишини дилфигор айлар кўзунг.

Холинг ошуби ҳабаш иқлимиға яғмо солиб,
Фитнадин торожи мулки Зангибор айлар кўзунг.

Айламас тоқат нигоҳингга агарчи бўлса тош,
Кўзгуни сиймоб янглиғ беқарор айлар кўзунг...

Раҳна солиб даҳр аро, қилди Ҳалоку даврини,
Қўрқаман эл қонидин сув жўйбор айлар кўзунг.

Хоки ночизи дўкон ўлди жавоҳир сурмаси,
Бир назар солмай ани бу навъ хор айлар кўзунг.

Ой юзинг узра қошинг ўтрусида Миррих ўлуб,
Қавс буржида қиронлар ошкор айлар кўзунг.

Тутмаган бўлса ғазабдин Шоҳимардон шевасин,
Нега қошингдин ҳамойил зулфиқор айлар кўзунг.

Накҳати зулфинг ушотиб нофаи Чин қадрини,
Оҳуи дашти Хўтанни шармисор айлар кўзунг.

Базм аро гулранг майи сен нўш қилғилким гаҳи,
Фурқатийға бир боқиб дафъи хумор айлар кўзунг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй жаҳона сеҳрлар, жоно, аён айлар кўзунг,
Сеҳр ила, азбаски, тасҳири жаҳон айлар кўзунг.

Сийналар чок ўлмасунмиким, мижанг новаклари,
Боғлаюб қош ёсина ҳар дам нишон айлар кўзунг.

Лаъли нобинг ишқ элиға гарчи руҳафзо эрур,
Бир нигаҳ бирла ва лекин қасди жон айлар кўзунг.

Айлаб истиғно чекардин сурманинг овозасин,
Йўқ этиб, дошлар аросинда ниҳон айлар кўзунг.

Мардуми ақл ила шахси хушуми қатл этмака,
Ноздин тиғу тағофулдин синон айлар кўзунг.

Холи ўлсун лаҳзаи қайдоғ замон ошубидин,
Ғамзадин ҳар дамда ошуби замон айлар кўзунг.

Айламай найлай хаёли кипригинг охир асо,
Ким, мени ёдида доим нотавон айлар кўзунг.

Нофа бағрин қон этиб накҳатда зулфинг, ваҳшини,
Умрлар оворaи бехонумон айлар кўзунг.

Тушмагайди фитналар даврона, оё Фурқатий,
Фитна ахтар буржида меҳри қирон айлар кўзунг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг,
Лабларинг жон бахшу аммо офати жон кўзларинг.

Саҳл, агар бўлса паришон, дилбарим, қилсанг нигоҳ,
Қилди оҳуни Хўтан даштида сарсон кўзларинг.

Ногаҳон ошиқларингга тийри мужгонлар отиб,
Раҳна дил мулкиға солди номусулмон кўзларинг.

Бир ишорат бирла дер эрди боқиб бисмил қилай,
Бўлмасун ул аҳдидин, ё раб, пушаймон кўзларинг.

Эй нигоро! Сурмани қўй, қўйма, қўйсанг, чиқмағил,
Қилмағай ошуби даҳр устига тўфон кўзларинг.

Шукр, Фурқат, фурқатингда хастаю бемор эди,
Бир боқишда айлади дардиға дармон кўзларинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзу зулфинг фурқатидин, эй дилоромим менинг,
Йиғламоқлиғ бирла кечгай субҳ ила шомим менинг.

Йўқ эрур осойишим, холинг ғамидин кечалар,
Найлайин талх ўлса бу тарёкдин комим менинг?

Хоки пойини фидоси жон, ўшал қосидниким,
Еткурур бўлса жанобингга бу пайғомим менинг.

Заъфлик жисмим, рамақда жон, ўлар ҳолатдаман,
Тобакай ҳажрингда кечсун буйла айёмим менинг?

Айладинг азми сафар, қолдим агарчи телмуруб,
Сен била кетди баробар сабру оромим менинг.

Эл гумон айларки: нўшим бодаи гулранг эрур,
Йўқ, лабинг ёдида тўлмиш қон ила жомим менинг.

Нега булбулдек фиғону қумридек чекмай наво,
Сендин айру, Фурқат, эй сарви гуландомим менинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мени, эй гул руҳим, булбулдек афгор айладинг, қўйдинг,
Ишимни кеча-кундуз нолаи зор айладинг, қўйдинг.

Лабинг ширинлиғидин нуктаи пинҳон эди, сўрдим,
Табассум қилдингу бу сирни изҳор айладинг, қўйдинг.

Ўшал кун лутф этиб, васлингга еткурдинг мени осон,
Фироқинг бирла ҳолим эмди душвор айладинг, қўйдинг.

Жамолинг хирманида донаи холингни кўргуздинг,
Кўнгул мурғини зулфингга гирифтор айладинг, қўйдинг.

Қилиб ширин адолиғ, ҳар кима боқдинг кулиб, жоно,
Ўзингга ошиқ они, менга ағёр айладинг, қўйдинг.

Вилоят ичра солдинг ҳалқаи зулфингдин овоза,
Жунун аҳлини ҳолимдин хабардор айладинг, қўйдинг.

Нигоро! Хастаи Фурқатни маҳжури висол айлаб,
Кўзи кўзгусини муштоқи дийдор айладинг, қўйдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Яна жоно, мени дилхастани ҳайрон қилиб кетманг,
Фироқ андуҳидин куйган юракни қон қилиб кетманг.

Келурда меҳрибонлик бирла хуррам этдингиз жонлар,
Кетарда бори қаҳр айлаб, ишим афғон қилиб кетманг.

Маромингизга боқсам, тарки меҳр айларга ўхшарсиз,
Тақи ғамлар қўлида зору саргардон қилиб кетманг.

Кулуб зоҳирда чандон марҳаматлар ваъдасин айлаб,
Фаромуш айлабон ё аҳдингиз ёлғон қилиб кетманг.

Қўюб мундоғ уқубатга, жафонинг бобини ушлаб,
Кўзум ёшини гўё мавжуши тўфон қилиб кетманг.

Малоҳат ағниёси сиз эрур, мен ишқ мискини,
Закоти ҳуснингизни ўзгага эҳсон қилиб кетманг.

Висола қилдингиз марҳам, бу қулни сарбаланд айлаб,
Яна Фурқатни ташлаб, ер била яксон қилиб кетманг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳажр ўтида шоми ғам куймоқ менго фан айладинг,
Васл шамъи бирла сен эл базми равшан айладинг.

Лоладек бағримға қўйдунг шевадин доғ узра доғ,
Лаҳзаи дашти тағофулни нашиман айладинг.

Тиғи ҳасрат бирла қатл айлаб, аё хуршид рўй,
Чун шафақ оламни хунимдин музайян айладинг.

Новаки мужгон қошингни ёсидин пайваст этиб,
Кўксум, эй бедодгар, юз ерда равзан айладинг.

Ҳеч кофир даҳр аро қилмас мусулмон аҳлига,
Зулм ила бедодлиғларким, менга сан айладинг.

Нахли қадди нилуфарпўша, кўнгул, ўлдинг асир,
На эдуб сарв орзу, на ёди савсан айладинг.

Ишқ майдони аро, Фурқат, мушаббак кўксунги,
Шўхларни ханжари нозиға жавшан айладинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилбаро, қилди мени кўб зору саргардон қошинг,
Йиғлатиб, қилди кўзимни ёшини тўфон қошинг.

Кўзларинг икки тарафдин дам-бадам афсун қилур,
Эмди қўйғил деб ишорат айлади ёлғон қошинг.

Ҳар бири бир ханжари қотил эрур мужгонларинг,
Неча мендек бегуноҳнинг қонини тўккон қошинг.

Қурсанг, эй ғорат нигоҳ бедодгар, мужгон ўқин,
Жону дилдин ўткарур то сирғача паррон қошинг.

Ноз тахтида Азизи Мисри истиғно деди,
Келди элчи ҳинд элидин, айлади меҳмон қошинг.

Ҳасрати бирла ҳамиша ўзи янглиғ хам этиб,
Қилди таъмири қадимни оқибат вайрон қошинг.

Эй қуёш юзлик пари, ҳар ойни бошида ҳилол,
Фурқатийдек бўлди кўргоч бесару сомон қошинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилбаро, бошинг уза чун тожи султон кокулунг,
Ганжи ҳуснунгни қилур оламға эҳсон кокулунг.

Печ-печ ўлғонда жонлар ичра тушти печутоб,
Тўлғониб қилди кўнгулларни паришон кокулунг.

Мордурким чирмошибдурмиш қизил гул шохига,
Сарв қаддинг бирла ёким гули печон кокулунг.

Холи абрў бир тараф сабру қароримни олиб,
Айлади гажжак била ақлимни ҳайрон кокулунг.

Очти торидин гиреҳ, оё, сабо машшотаси,
Мушкбор этти жаҳонни анбарафшон кокулунг.

Кўзларинг яғмосидин оламға тушти фитналар,
Неча одамларни қилди хонавайрон кокулунг.

Бош қўюб аждар каби ётур жаҳонға ўт сочиб,
Айлагандек ганжи ҳуснунг мунда пинҳон кокулунг.

Шонадин заҳмат етар очсам гиреҳ мужгон ила,
Гул каби нозик эрур мушк ила бу кон кокулунг.

Кўзларинг наргис, юзинг гул, қуфли райҳондур хатинг,
Мисли сунбул ҳар тарафга бўлди ларзон кокулунг.

Йиғлатиб ғам даштида бул Фурқатий девонани,
Оқибат бағриға солди доғи ҳижрон кокулунг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Лабларинг остидаги холингдин айлансун қулунг,
Лоладек гул-гул рухи олингдин айлансун қулунг.

Телба ошиқларга занжир икки ҳайдар кокулунг,
Дом этган сунбули долингдин айлансун қулунг.

Тонг насимидин дамодам ҳар тарафга хам бўлур,
Шохи гулдек қадди беҳолингдин айлансун қулунг.

Мақсадинг – ошиқни васла еткуруб шод айламоқ,
Бу ҳавас йўлида омолингдин айлансун қулунг.

Дарж қилғон донаи ёқут уза олмосдек,
Лаъл лаб устида табхолингдин айлансун қулунг.

Тори зулфингдин чиқиб бизларга тумори жунун,
Пойи сар фархунда бу холингдин айлансун қулунг.

Фурқатийни айладинг тасхир бу иқлим аро,
Саъд буржи узра иқболингдин айлансун қулунг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фироқинг бирла, эй золим, неча бағримни қон қилдинг,
Ғаминг бирла яна кўз йўлларин оби равон қилдинг.

Вафо кўз тутмагил ҳаргизки, жуз ғаддорлиқ йўқдур,
Фалакни умрлардур, эй кўнгул, кўп имтиҳон қилдинг.

Кўзимнинг мактабидин тинмайин, эй тифл, ашк оқар,
Сабаб на эрди, ҳайрат дарсини мунча равон қилдинг?

Рафиқо, не эди мақсад жаҳона келмагингдинким,
Кетарда на аён моҳиятингни, на ниҳон қилдинг.

Тириклик ҳосили шулдур, бузулмас деб гумон этма,
Ажал торожидан, оқил, ҳавасдин хонумон қилдинг.

Дегил бўлмас агар доим муродинг муғбача ҳусни,
Нечун дайр ичра Фурқат, хизмати пири муғон қилдинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй, хароби чашми шўхи нимхобинг мен сенинг,
Қил назар ҳолимғаким, бўйла харобинг мен сенинг.

Айладим бўса талаб, лаб очмадинг сўз арзаға,
Етти, аммо, интизори бир жавобинг мен сенинг.

Айласам бир лаҳза васлингдин фароғат, айб эмас,
Умрлардур ҳажр аро тортган азобинг мен сенинг.

Лайли-ю Ширинға Мажнун бирла Фарҳод ўлса боб,
Англаким, ҳар бобдин ишқ ичра бобинг мен сенинг.

Лабларинг ёқутиким, маҳзун кўнгулни қутидур,
Кел бериким, ташнаи ёқути нобинг мен сенинг.

Куйдирурсен тобакай жоним итобу қаҳр ила,
Фурқатинг ўтида худ бағри кабобинг мен сенинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Руҳи мажруҳа ватандур хамлари ҳар кокулинг,
Раҳм қилғил, ёзма, эй шўхи суманбар, кокулинг.

Шоҳи ҳинд шайдойидурким мулки ҳуснинг фатҳиға,
Ҳар соридин даста-даста йиғди лашкар кокулинг.

Ё малоҳат мулки шоҳисан, шарофат нуридин,
Бир ҳумо эрди бошингға ёзди шаҳпар кокулинг.

Дафтари ҳуснинг азал котиблари ёзмоқ учун,
Сафҳаи рухсоринг узра қилди мистар қокулинг.

Хотирим айлаб паришон, қилди бахтимни қаро,
Бошима ҳар дам солиб савдойи маҳшар кокулинг.

Эй, назокат гулшанида қоматинг сарви равон,
Наргиси шаҳло кўзингдур, сунбули тар кокулинг.

Нега топсун Фурқатий нозик белингким, толғуси –
Ким, кўтарган чоғда бори бор гавҳар кокулинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Куюб дардингда, йиғларман, аё дилдор, куйдурдинг,
Етолмасман, нетай, эй навраси гулзор, куйдурдинг.

Қачонким ошиқинг бўлдум, куярман, оҳ, ишқингда,
Манго кўрсатмайин рўйингни, беозор, куйдурдинг.

Яқомни чок этиб ҳам оҳу воҳ деб халқ аро юрсам,
Санго бу ор эмасму? Эй қизи беор, куйдурдинг.

Уруб сийнамга ханжар, айласам нобуд дастингдин,
Халойиқ таъна қилғай, раҳм қилмай, зор куйдурдинг.

Юрубман халқ аро бир телба итдек оҳу воҳ айлаб,
Манинг уйқумни олдинг ҳам қилиб бедор, куйдурдинг.

Бу ишқинг кўчасида оҳ уруб борсам маҳаллангга,
Қавоғингни солиб, чиқмай бериб озор, куйдурдинг.

Дамодам ваъда айлаб, келмадинг, кўп интизор эттинг,
Гуноҳ эрмасму?! Ноҳақ хун тўкуб, хунхор, куйдурдинг.

Тирик борман бу олам ичра, ошиқ бўлғоним бўлғон,
Агар ўлғонда руҳим ҳам санго хушдор, куйдурдинг.

Санго ошиқ бўлуб, йиғлаб жигарлар қонга айланди,
Ёриб кўрсанг, билурсан, эй парирухсор, куйдурдинг.

Лабинг ширинлиги қанду асалнинг шаънини бузди,
Қулингга журъае бер, эй кўзи хумхор, куйдурдинг.

Баданнинг мевасидин бермадинг бир олма ё анжир,
Қўлунгни бўйнима солдурмадинг зинҳор, куйдурдинг.

Бу Фурқат ошиқи зоринг санго додини арз этти,
Тараҳҳум айлагил деб байт аро изҳор, куйдурдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ман ғарибни куйдуруб, қилди адо ғулғулларинг,
Бу тариқа зор этиб, қилдинг тамошо қулларинг.

Ҳажрдек ғавғо солиб мунглуғ бошимга, эй уко,
Даста-даста ҳар тараф айлаб риёҳ кокулларинг.

Маст этиб беихтиёр, олдинг бу ҳушим сийнадин,
Ҳар даме силкинтириб ушбу сиёҳ сунбулларинг.

Донаи холинг ярашган лоладек рухсорингга,
Ушбу сочинг домани райҳонму ё жанбулларинг?

Оразинг боғида очилгай тутошиб дам-бадам,
Ғунчаи хандоналар, айлаб таманно гулларинг.

Тутмагай лутф отини, доим иши жавру жафо,
Хорадек қаттиғ экандур беибо кўнгулларинг.

Ором олгай жон, анинг тегса агар шаббодаси,
Елфиниб устингдаги кийган қабо гул-гулларинг.

Хастадурман фурқатингда, йўқ мадорим заррача,
Бир бориб кўргаймуман, эй, маҳлиқо, манзилларинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилбаро, қилди мени кўб зору саргардон қошинг,
Йиғлатиб қилди кўзимни ёшини тўфон қошинг.

Кўзларинг икки тарафдин дам-бадам афсун қилур,
Эмди қўйғил деб ишорат айлади ёлғон қошинг.

Ҳар бири бир ханжари қотил эрур мужгонларинг,
Неча мендек бегуноҳнинг қонини тўккон қошинг.

Қурсанг, эй ғорат нигоҳ бедодгар, мужгон ўқин,
Жону дилдин ўткарур то сирғача паррон қошинг.

Ноз тахтида Азизи Мисри истиғно дедиг,
Келди элчи ҳинд элидин, айлади меҳмон қошинг.

Ҳасрати бирла ҳамиша ўзи янглиғ хам этиб,
Қилди таъмири қадимни оқибат вайрон қошинг.

Эй, қуёш юзлик пари, ҳар ойни бошида ҳилол,
Фурқатийдек бўлди кўргач бесару сомон қошинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзларингдин шарм этиб гулшанда, эй рухсор гул,
Кўринур ҳар йил баҳор айёмида бир бор гул.

Ваҳки, солмиш ўзини йўлингга пойандоз этиб,
Қўй қадам, гар жону дилдан бўлса миннатдор гул.

Лаб – гул, ораз – гул, бадан – гул, жабҳа – гул, бир нахлдин,
Эй, вужудинг гулшанида бор бу миқдор гул.

Даҳр гулзорида кўп гулларни кўрди эл, вале,
Кўрмади сендек латифу, нозику бехор гул.

Ўлмоғонмуди хижолатлар чекиб ўтган баҳор,
Боз бош чекмиш, уятмасдин ажаб беор гул.

Шул эди бу журмиға лойиқ жазоким, боғбон,
Боғлаб айлантурди чандон кўчау бозор гул.

Хилъатингдин бўлса озурда нетонг нозик танинг,
Топқусидур, қарағил, ўз баргидан озор гул!

Этмади қатъи назар эл оразингдин, гарчиким,
Ояти ҳубб ғунчасидин топти юз туммор гул.

Нега боқсун гул юзига, гул юзингсиз Фурқатий,
Чунки бордур ул тиканча, бўлса юз гулзор гул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чаманда ғунчадин бўйнингга тоқмишсан жарас, булбул,
Магарким ўзга гулшан раҳлатин қилдинг ҳавас, булбул.

Магар бўлдинг бараҳман, жомаи азрақ кийибдурсен,
Белингга боғла энди гулни торидин марас, булбул.

Баҳори, сунъи ҳақ файзи эрур гул ранг ила жавшан,
Вагарна бўлғусидур бир хазондин хору хас булбул.

Фиғон беҳуда, жондин кечмагунча ошиқ ўлмассен,
Ўзини ўхшатиб парвона бўлмас ҳар магас булбул!

Урарсен ишқ лофин, шеваи одоб билмайсен,
Қилибсен олғоли ором гул шохин чакас, булбул.

Бу исён лаззатидурким, жудо бўлғон гулистондин,
Асири дом бўлдинг ҳам гирифтори қафас, булбул.

Сабоқ олиб ўқуғул «Матлаъ ул-анвор» Фурқатдин,
Бурунги файзи йўқ алҳонларингни, айла бас, булбул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёқма жоним ўтлара, эй шўх, зорингдур ўшал,
Мубтало кўнглум низор этма, фигорингдур ўшал.

Гул тароват топмоғи акси руҳингдандур баҳор,
Бу сабабдин мисли наргис интизорингдур ўшал.

«Сабзаларким чашмаи ҳайвон уза недур?» деди,
Мен дедим: «Лаб узра хатти мушкборингдур ўшал».

Дедиким: «Найлай, бир ой бошида бир умри тавил»,
Мен дедим: «Юз узра зулфи тобдорингдур ўшал».

«Бел, оғиздин очма лаб, сомони сабринг тут», деди,
Мен дедим: «Борим йўқ этган йўқу борингдур ўшал».

Деди: «Билдингму тағофул этмоғим моҳиятин?»,
Мен дедим: «Бормоқ учун берган қарорингдур ўшал».

Деди: «Юз минг ошиқим, аммо бири муштоқроқ».
Мен дедим: «Фурқат деган бир беқарорингдур ўшал».

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўргулай бошингдин, эй оромижон, бир кеча кел,
Қумридек дар нола мен, сарви равон, бир кеча кел.

Кўйингга доим борурмен, нега бир йўл келмадинг?
Келмасанг жоним борур, руҳи равон, бир кеча кел.

Мунча зулм айлаб, ситам ўтиға куйдурдинг мени?
Эмдиликда лутф этиб, элдин ниҳон бир кеча кел.

Кўб эрур қасдингда юрган кўзи шум ағёрлар,
Илкинга ханжар олиб, айлаб қирон бир кеча кел.

Бир неча бахти қаро кундуз маломат қилсалар,
Пардаи исматни юзга ёпибон бир кеча кел.

Мотамим бўлди зиёда, то ғаминг ҳаддин ошиб,
Мунча айларсен дебон оҳу фиғон бир кеча кел.

Доду фарёдиға еткил Фурқатий бечорани,
Йўқлабон бу қулни, жоним, сен ҳамон бир кеча кел.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қилмая касби назокат лабларингдин барги гул,
Они боғи эътибора оди асло гул дагул.

Май алингда акси рухсоринг-ла юзу гул мавж ура,
Лаълинга еткоч лаби, бинг ғунча очди жоми мул.

Рост деб сарвини дутмай, поси одоби қадинг,
Бир ялон сўзила душди қумрини бўйниға ғул.

Енгил андоминг суман баргидин оғирдур магар –
Ким, десам пироҳанинг гул, бўласен оғир-енгил.

Хайр қилсанг, боға кир, бир сарвни озод қил,
Сайр эданда бир куни рафторинга ўлмишди қул.

Этса гул наззора кўз, сенсиз, кўнгул айлаб ҳавас,
Кўз ўйилсун бир назарда ўда ёнилсун кўнгул.

Ниша гўстармоқ қамуя чархи васлингда фароғ,
Фурқатий дилхастая кечдура айёми узул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Лабинг ғунча, юзинг икки қизил гул,
Қадинг сарву сочинг гўёки сунбул.

Висолингга, нигоро, маҳрам эрдим,
Фироқингга нечук айлай таҳаммул?

Чу шавқим хомаси таҳрири лаълинг,
Қилиб доим ёзар хатти тасалсул.

Гулистондур жамолинг, эй, париваш,
Мен они ишқида шўрида булбул.

Чу Юсуф ҳуснунга барча харидор,
Зулайҳодек тушуб кўнглиға ғулғул.

Чиқарга етти жон, жоно, ғамингда,
Бу ғамдин ёна жисмим ҳам тазоюл.

Гадо Фурқатни ҳолиға карам қил,
Эрурсен подшоҳи ботаҳаммул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оч кўзунг хоби гарондин, ғофило, бедор бўл,
Мастлиғ ғафлат майидин тобакай, ҳушёр бўл!

Нолаю зори қил-у, масжид сарига қўй қадам,
Тавбани вирд айлабон, машғули истиғфор бўл.

Бир нафас ҳам бўлмагил бедардларга ҳамнишин,
Қайда бир аҳли муҳаббат бўлса, анга ёр бўл.

Юрмагил мисли баҳойим, бўлсанг инсон наслидин,
Кечаю кундуз муҳаббат дардидин бемор бўл.

Қилдилар азми сафар бир-бир ҳама ҳамроҳлар,
Эмди етгай санга навбат, кетгали тайёр бўл.

Истасанг бўлмоқ саройи охиратда сарбаланд,
Ўзни кам тут, кеч бу дунё иззатидин, хор бўл.

Қўй қадам оҳиста, помол ўлмасун мўри заиф,
Пайрави аҳли тариқат шулки, беозор бўл.

Зоҳироро бўлмагил, умр ўткариб ғафлат била,
Қил сафойи қалб ҳосил, воқифи асрор бўл.

Банд-бандингдин садойи нола чиқсун най каби,
Ишқ дарди бирла Фурқат, сийнаси афгор бўл.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оразинг шуоъидин бўлди офтоб хижил,
Сунбулинг саводидин ёна мушки ноб хижил.

Сайр учун хиром айлаб гулшан ичра юз очсанг,
Мунфаил гулу шамшод, булбул ул хароб хижил.

Нўш этар эдинг бода базм аро, бўлур эрди,
Лабларинг сафосидин согари шароб хижил.

Офтоби жаҳон неча дилбари парирўлар,
Бўлдилар кўруб ҳуснунг беҳаду ҳисоб хижил.

Итларинг келур эрса сўрғали менинг ҳолим,
Йўқ эди бизоат ҳеч, юз юрак кабоб, хижил.

Наргисингни мает этма, ханжари мижанг урма,
Қилмасун халойиқни ногаҳон хароб, хижил.

Қилмагон эди Лайли бўйла жавр Мажнунга,
Чекти Фурқатий маҳзун мунда минг азоб, хижил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Асири зулфум эрсанг, кокулингга мубтало ман ҳам,
Хароби ҳолим эрсанг, ҳолинга бағри адо ман ҳам.

Узорингдур гули жаннат, нигоро, қоматинг тўбо,
Фиғон булбул каби айлар ҳама, тортиб наво ман ҳам.

Зуҳур этти аноринг жилва бирла камзуҳурингдин,
Кимиким кўрди, бўлди ақлу ҳушидин жудо, ман ҳам.

Малоҳат санда беҳаддур, назокат беадад манда,
Вафо қилсанг манго, эй гул, қилай санго вафо ман ҳам.

Хами абрўларинг зуҳд аҳлини гур сажда қилдурса,
Бу қомат бирла қилғон сарвқадларни дуто ман ҳам.

Агар Юсуфжамол ўлсанг, ва-гар Лайлимисол ўлсам,
Ҳинонинг рангидекдур, оразингга иктифо ман ҳам.

Намоён этгали номингни, Фурқат, жумла шоирлар,
Қилибдур назмини бир ҳарф бирла ибтидо, ман ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фиғонкім ул бути сиймин заҳандин айрилиб қолдим,
Малоҳат боғида сарви чамандин айрилиб қолдим.

Димоғ ошуфтау хотир паришону кўнгул ғамгин,
Хату хол, кокули мушки Хўтандин айрилиб қолдим.

Мени ҳолимга ҳардам, эй малоҳат аҳли, кулманглар,
Бу ҳола тушмайинму, гулбадандин айрилиб қолдим.

Гиреҳлар риштаси жонимга тушти, не илож айлай?
Очилмас эмди, зулфи пуршикандин айрилиб қолдим.

Жунуним қўзғоди, эл ичра Мажнундин батар бўлдим,
Нигорим, Лайли рухсоримки, андин айрилиб қолдим.

Ичиб заҳробаи ҳижрон ажойиб талхком ўлдум,
Такаллум чоғида ширин сухандин айрилиб қолдим.

Наво булбул каби чексам, фиғон қумридек, айб эрмас,
Юзи гул, қомати сарви чамандин айрилиб қолдим.

Қуюндек пўя айларман биёбонда, қарорим йўқ,
Ўшал дилбар учун Фурқат, ватандин айрилиб қолдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оҳким, йўқтур мени табъимга лойиқ улфатим,
Анга изҳор айласам кўнглимда доғи ҳасратим.

Бўлмадим бир лаҳза фориғ бу жаҳон ташвишидин,
Найлайин қон йиғламай, ортор дамодам меҳнатим.

Мен нечук кўргум бу дунёда дами хурсандлик?
Дарду ғам бўлғон эса рўзи азалда қисматим.

Ўтти умрум кеча-кундуз юз туман андишада,
Дам-бадам ойинадек ортиб ўзумга ҳайратим.

Нуқталарким мендадур андин киши олим эмас,
Фош ўлур ақсомдин ночор ҳарфи иллатим.

Йиғласам айб этмангиз, эй дўстлар, қадримғаким,
Ошнолар олдида бир пулча йўқтур қийматим.

Кўб жадал қилдим, биродарлар, кўнгул топмоқ учун,
Ҳеч мақома етмади қилғон тамоми ғайратим.

Ҳол агар ушбу эрур, бўйла тирикликдин на суд?
Бўлмаса бир қатла, асҳобим, жаҳонға ҳурматим.

Кимға урдум ошнолиқ лофини ихлос ила,
Бўлдилар бегона, Фурқат, берди охир зиллатим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оҳким ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам,
Ёзғали шарҳи ғамимни ғамгусор айлай десам.

Ваҳшатим элдин буким, ваҳшидин ўлғаймен малул,
Ваҳшийлардек гар мақомим кўҳсор айлай десам.

Ихтиёрим буки, эл қўймас ғариб аҳволима,
Ўтлуғ оҳим кечалар шамъи мазор айлай десам.

Боғ ила саҳро кўнгулдин айламас ғам рафъини,
Сайри гул, ёр ила сайри лолазор айлай десам.

Ёрсиз тарки диёр айлаб эдим, аҳбоблар,
Бор диёру, ёр йўқ, азми диёр айлай десам.

Ваҳки, бир мушкулписанд ишқиға бўлмишман асир,
Бўлмағай манзури жон нақдин нисор айлай десам.

Ул париваш зулфининг савдосидин девонаман,
Тургали бир ерда имкон йўқ, қарор айлай десам.

Кеча элга нолаи беихтиёримдин малул,
Таркиға йўқ ихтиёрим, ихтиёр айлай десам.

Дилдаги доғимни Фурқат лоладек ифшо қилур,
Қатра-қатра қон ёшим жўши баҳор айлай десам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аламлик қумриман, бир гул бадандин айрилиб қолдим,
Назокатда қади сарви чамандин айрилиб қолдим.

Қафас байтул-ҳазан, Яъқубдек қон йиғласам арзир,
Ўшандоғ Юсуфи гул пираҳандин айрилиб қолдим.

Хати райҳон, сочи сунбул, лаби ғунча, кўзи наргис,
Қабо гул, кўйлаги барги сумандин айрилиб қолдим.

Агар ҳижрон қаронғусида йиғлаб ётсам, айб эрмас,
Жамоли нури шамъи анжумандин айрилиб қолдим.

Қаро тошлар уруб кўксимга, фарёд айласам камдур,
Тиши дурру лаби лаъли Ямандин айрилиб қолдим.

Мисоли зар агар сорғорса рухсорим, ажаб қилманг –
Ки, ул донишу айёр сиймтандин айрилиб қолдим.

Менга юз қўйди эмди ҳасратида талхком ўлмоқ,
Ҳаловат сўзлари, шаккаршикандин айрилиб қолдим.

Пару болим тўкилди, масканим охир қафас бўлди,
Муҳаббат йўлида Фурқат, ватандин айрилиб қолдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қумридек бу боғ аро сарви сановбар топмишам,
Ёки булбулдек гули навбарги аҳмар топмишам.

Лайлат ул-қадре йўлуқти, ё менга Хизри замон,
Ҳажр зулмотида бир моҳи мунаввар топмишам.

Неча муддатдин бери айлар эдим кўб орзу,
Шукрилиллоҳким, бу соат ушбу гавҳар топмишам.

Доимо ғаввосдек баҳри муҳаббатга чўмиб,
Лой ичидин ногаҳон бир тоза гавҳар топмишам.

Рағбатим ҳаддин ошиб, урдум ўзум жондин кечиб,
Гўиё муфлис каби бир хирмани зар топмишам.

Хизматида қул бўлуб шому саҳар турсаммукин?
Бу кўнгул тахтиға эмди бир Сикандар топмишам.

Эй кўнгул, бетоқат ўлма, неча кун сабр айлагил,
Жаври кўб, зулми фузун шўхи ситамгар топмишам.

Нотавон эрдим фироқ андуҳидин ҳам талхком,
Васл дармони етиб чун лаъли шаккар топмишам.

Ҳар ғазал бошиға номинг ҳарфини дарж айламиш,
Жамъ қилдим они Фурқатдек қаландар топмишам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен агар кўйингдин афғонсиз ўтолмайман, бегим,
Тонг эмаским ақлу ҳуш ўзда тутолмайман, бегим.

Қон ютарман ушбу ғамдинким, фиғонлар тортибон,
Бахтим оғир уйқусидин уйғотолмайман, бегим.

Лола янглиғ қат-бақат қонлиғ жигарда доғлар,
Ҳайфким, кўксумни ёриб кўрсатолмайман, бегим.

Ғойибона юз сўзум бордур, ва лекин, оҳким,
Лол ўлуб кўрганда бир сўз ҳам қотолмайман, бегим.

Тоқатим йўқ тургали жаврингдин, аммо шунчаким,
Бир тараф кўнгул узуб сендин кетолмайман, бегим.

Ҳасратингдин ҳар тарафга тўлғониб тонг отғуча,
Раҳм қилким, кечалар йиғлаб ётолмайман, бегим.

Роҳати васлингга хў этмиш кўнгулни Фурқатий,
Меҳнати ҳажрингга ҳаргиз ўрготолмайман, бегим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзинг гулдин мусаффодур, лабинг ранги ҳинодин ҳам,
Ҳатинг хушбўй чаман райҳонидин, мушки Хитодин ҳам.

Вафо бўйи эдиким эсди холи анбарингдин ким,
Бу янглиғ накҳати хуш варна келгайму сабодин ҳам.

Сиҳий бирла санобар шармгиндур ҳам хижолатрез,
Қадинг шамшоддин раъно эрур сарви расодин ҳам.

Фасоҳат тўтиндурсан каломингким шакар омиз,
Лабингни шаҳди кавсардин сучук оби баҳодин ҳам.

Жамоли бокамолингни қачон кўрдум кўнгул қўйдум,
Фалон хуршид талъатдин, фалони маҳлиқодин ҳам.

Ўтарсен қўл солиб, ҳар ён боқиб, ҳар сў хиром айлаб,
Кетар ҳушу фаросат фақр элидин, ағниёдин ҳам.

Ниҳон эттим, нигоро, номи ҳарфингни ғазал ичра,
Қилиб бегона кўздин рашк, Фурқат, ошнодин ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир ўт пайдо бўлубтур кўнглим ичра ғам била ҳамдам,
Мабодо бўлмағай оҳим била ғўққиз фалак барҳам.

Кўзум ёшин сочиб, анга берурмен дам-бадам таскин,
Йўқ эрса куйдурур дунё юзини, қолмағай одам.

Бу ишқни олдида Намруд ўти кул бўлғони йўқтур,
Тамуғ ўти эрур ишқ олдида бир сўнгучи шабнам.

Балоу ғам менга «наҳну қасамно»да улуш бўлғон,
Билолмамким, нечук одам бу дунёда юрур беғам.

Аларким, ёд этар доим қабортиш қорнини уйдек,
Баҳойим наслидандур ул агарчи сурати одам.

Жамолинг чун ани айши, хаёли, йўқ ани суди,
Тасаддуқ ғам бўлай, икки жаҳонда ғам бўлур ҳамдам.

Етиб бўлмас, аё Фурқат, ишингки, ётмағил ғофил,
Риёзатсиз кишилар бўлмағай ғам хайлига ҳамдам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фалакка етти оҳи субҳгоҳим,
Сенга етмасму, эй, рухсори моҳим?

Жудо сендин, ёмон ҳолатга туштум,
Тараҳҳум қил, кўруб ҳоли табоҳим.

Инонмассен агар ошиқлигимга,
Рухи зард, ашки олимдур гувоҳим.

Қулунгмен, гўш тут арзимға бир дам,
Эрурсен ҳусн иқлимида шоҳим.

Қилиб мен тавба ёлғуз бошинг ҳаққи,
Карам айлаб кечургайсен гуноҳим.

Нигорим, хўблиғда номдорим,
Азизим, аржумандим, каж кулоҳим.

Гуноҳимни мабодо қилмасанг афв,
Ўшал кундур мени рўзи сиёҳим.

Сипоҳи ғам кўнгул мулкини торож,
Этар, гар бўлмасанг пушти паноҳим.

Муяссар ўлса ўпмак остонинг,
Ўшалдур бахту давлат иззу жоҳим.

Тараққий қилсун иқболинг ҳамиша,
Зиёда айласун фазлинг илоҳим.

Етар эрди бошим авжи самога,
Десанг: Фурқат ғуломи хайрихоҳим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тиғи ҳажрингда равому бағрим афгор айласам,
Жони зоримга ўзим ҳар лаҳза озор айласам?

Раҳминг асло келмади ишқингда, жоно, гарчиким,
Дилни сўзон, ўзин гирён, кўзни хунбор айласам.

Дарди ҳажринг торта-торта ончунон бўлдим наҳиф,
Танда дармон қолмадиким, нолаи зор айласам.

Гул юзингни ёдида қон йиғламоқ бўлди ишим,
Кўз ёшимдин, тонг эмас, оламни гулзор айласам.

Тоқат этмай, мунча тамкин бирла куйгай тоғлар,
Ўтлуғ ишқимдин агар бир шуъла изҳор айласам.

Ошиқи содиқлиғимға бовар айларсанму, ёр,
Қози муҳрин бостириб, хат бирла иқрор айласам?

Кўр бўлсун кўзларимким, ўзгаға солсам назар,
Жонга ўт тушсун агар сендин бўлак ёр айласам.

Ҳам кўнгул юз пора бўлсун, майл қилса ўзгаға,
Тил кесилсун ўзгаға бир ҳарф гуфтор айласам.

Жондин айрилсун тану ё бир йўли синсун аёғ,
Ғайр кўйин бир қадам ҳар сори рафтор айласам.

Истарам ким, эй пари, ҳар эрта аврод ўрниға,
Исми аъзамдек отинг пайваста такрор айласам.

Эй, пари, бўлғай қачон бир тори зулфингдин етар,
То жунун дафъи учун бўйнимға туммор айласам.

Фурқатинг даштида мен лабташна мундоғ, оҳким,
Демадинг ҳаргиз, ани шодоби дийдор айласам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жаҳонни кездиму офоқни сар-басар кўрдум,
Вафодин аҳли жаҳон жумла беасар кўрдум.

Умиди нафъ жаҳондин не навъ узмайким,
Мизожи аҳли жаҳонни ҳама зарар кўрдум.

Кима фалакдин этай шиква-у шикоятким,
Ҳамани ўздин они даврида батар кўрдум.

Кимеки чарб забон ўлди даҳр маҳфилида,
Бас они шамъ ҳамиша бурида сар кўрдум.

Қачон мусофир ўлуб келдим ушбу оламга,
Замона хонида осуда моҳазар кўрдум.

Шажар каби агар эттим бу ерда кажравлиғ,
Баҳор ўтмадиким, бош уза табар кўрдум.

Агар мисоли раги даст рост ўлтурдум,
Элидин аҳли жаҳон ниш-ништар кўрдум.

Ҳамиша дун элидин шамъи базм равшандур,
Чироғи аҳли маонийни бешарар кўрдум.

Дилим қути бағир қони кўрмоғой эрдим,
Ҳамоқатеки ани туъмасин шакар кўрдум.

Ишорати сухан айлаб жаҳонда кимсағаким,
Ҳамани кўзини кўру қулоғи кар кўрдум.

Чу шер модари табъи чекоридур қонин,
Кўз очдим ибрат ила .....[9] кўрдум.

Йўқ эътибори, зари йўқ агарчи бўлса малак,
Эл ичра дев, зари бўлса мўътабар кўрдум.

---

[9] Ёзилмай қолган сўзлар асл нусхада ўчиб кетган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳонни кулфатида булбул ўрниға, афсус,
Либоси бахмалу кимхоб ҳанги хар кўрдум.

Малоҳат аҳликим ҳар доим гадои лутф эди,
Аларни охирул-амр гадои дар кўрдум.

Замона аҳлиға айбин демоқни мардумни,
Неча иборат ила гўё ҳунар кўрдум.

На кўрдинг айла баёнинки гардундин,
Наким кўрубман, аё ёр, мухтасар кўрдум.

Тамом сайр қилиб рўзгор боғини,
Мурод нахлини топдиму бесамар кўрдум.

Ғариби шоми ғаму интизори субҳи висол,
Фироқ кечасини оҳи бесаҳар кўрдум.

Бориси ҳеч экан, ваҳки роҳату меҳнат,
Баробар охир агар кўрмадим ва гар кўрдум.

Муҳаббат ичра юз алвон балолор ўтказдим,
Балойи ҳажр вале шевасин дигар кўрдум.

Фалак ажузасидин меҳр тутма, кўр, Фурқат,
Ки одам ўғлиға мудом кинавар кўрдум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишқингда куюб, жоно, хоки таҳи по бўлдум,
Совурди ғаминг боди алқисса фано бўлдум.

Ҳар кеча талаб айлаб даргоҳи илоҳийдин,
Офтоби камолингни, машғули дуо бўлдум.

Юз жаҳду жадал бирла васлингга етушганда,
Минг коҳиши ғам бирлан найлайки жудо бўлдум.

Ҳасратки, фалак кажрав комимни раво этмас,
Топмай чу илож анга ҳасрат била то бўлдум.

Сендин даме, эй, дилбар, айрилгани тоқат йўқ,
Гардунни жафосидур бу ғамда адо бўлдум.

Жону дилим айтурлар бир-бирга видоъини,
Сен бирла кўнгул қолди, жон кетса ризо бўлдум.

Мақсуда етиб эрдим, не ҳодиса рў берди?
Ҳайрат била якбора андин гузаро бўлдум.

Ҳижронда кўярмусен ошиқни хароб айлаб?
Васлингга қарийб этгил, кўб бағри адо бўлдум.

Фурқатни қулумсен деб бости кўзима муҳрин,
Ўзга юза боқмоқдин бил-кулли сиво бўлдум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Азми гулшан айласанг юз ноз ила, эй, хуш хиром,
Сарв жойидин туруб қаддин букуб айлар салом.

Нозу истиғно била боқиб табассум айласанг,
Ғунчалар кулмоқни ўзга айлагай қатъан ҳаром.

Пойбўсингни тақозосида туфроқ ўлмишам,
Тушмади ҳаргиз гузоринг термулармен субҳу шом.

Жилва қил, эй, гул бадан, айни малоҳат чоғидур,
Фурсати ҳусн айламас сенга муяссарлик мудом.

Роҳи ишқингда муҳаббат аҳлини сархайли мен,
Вомиқу Фарҳоду Мажнундин менга қилма калом.

Нопадид ўлди букун даъвойи ҳусн этган ҳама,
Токи сендин мунташир бўлди жаҳонга нек ном.

Сен каби шаҳни латофат мулкида кўргач нигор,
Жону дил бирла камина Фурқатий бўлди ғулом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Одам эрмас ҳар киши гар айламас ёд Андижон,
Чун мусофир хотирин айлаб турар шод Андижон.

Ақл чашми бирла боқсун зи басорат ўлсаким,
Балдан маҳруси Хўқанд ичра обод Андижон.

Шомдин то Рум ўз маҳрўйин айлаб жилвагар,
Мисрға еткурди бу маънида ирод Андижон.

Оташин кишти-ла мулки Русия сайр айлагач,
Оҳи дардолуд ила дер эрди: Шаҳзод Андижон!

Дўна-дўна ҳамраҳина дер бу ишда ҳақ тонуқ,
Этти ҳасратға бани албатта, муътод Андижон.

Тарк ўлмаз соқийи гулчеҳра бирла бодаси,
Откуча то субҳи маҳшар базм ижод Андижон.

Умри кечсун дашт аро Мажнун каби ҳар кимсае,
Қадрина етмай эдар ўлса ёмон од Андижон.

Ўзга мулк одамлари ҳаргиз таарруз этмангиз,
Банди имдодидин эрмас ул худодод Андижон.

Баски бир Юсуф каби Ширин адони ишқида,
Гўстарур Фурқат сенингдек неча Фарҳод Андижон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Андалиби ҳайронлар ўлдилар бу доғлардан,
Бўлмади даме холи гулшанинг булоғлардан.

Ҳажр шоми юзлансанг ой каби юзинг очиб,
Кулбами қилур равшан машъалу чароғлардан.

Кокулунг фироқида реш-решдур кўнглум,
Чок-чок ҳам кўксум кам эмас тароғлардан.

Гўш этиб рақиб сўзин, қувлама эшикингдин,
Қуллуғ ҳалқасин олма, ўргулай, қулоғлардан.

Соқиё, бошинг ҳаққи, бир қадаҳ карам қилғил,
Мен эдим асири ғам зори бедимоғлардан.

Ғам ели хазон айлаб етти жон машомиға,
Етмади насим ҳаргиз гулшани фароғлардан.

Эй эрам паризоди, топмадим нишонингни,
Лабга жон етиб келди оқибат сўроғлардан.

Бўса бермайин бир йўл, минг йўли итоб айлар,
Айлама умид ҳаргиз бўсау қучоғлардан.

Зулфи анбарингни торидур кўнгул доми,
Чиқмагай бу қуш эмди, ажрамас тузоғлардан.

Телбалик билан шона кокулингга қўл урди,
Беадаблик этмасди, хўб эди бу соғлардан.

Еткуруб висолингга шод қил ҳазин кўнглум,
Тобакай юрай йиғлаб, Фурқатий, йироғлардан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ғариби бу вилоят, хонумонидин адашганман,
Басони мурғи вахший ошёнидин адашганман.

Чекиб булбул каби афғон, саҳарлар йиғласам йўқ айб,
Баҳор айёми ўтти, бўстонидин адашганман.

Азизим, муршидим, ҳам раҳбарим, тожи сарим – бошим,
Ўшал соҳибкарамлик хонадонидин адашганман.

Кезиб дашти муҳаббатни, сўроғи дўстни топмай,
Адам анқосидек ному нишонидин адашганман.

Қолиб саргашталик саҳросида ҳайрону саргардон,
Улуғ даргоҳларни остонидин адашганман.

Тирикман эл кўзиға, шунчалик руҳи равоним бор,
Вагарна ҳоли сурат, танда жонидин адашганман.

Бошимға тушти ғурбат офтоби, найлайин, Фурқат,
Фалакни гардишидин соябонидин адашганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Не жафолар чекмадим бир бевафо дилдор учун,
Не балолар кўрмадим аҳди бузуғ бир ёр учун.

Кўчаларда зор йиғлаб уйла Мажнун дилфигор,
Эл аро афсона бўлдум ул пари рухсор учун.

Хаста булбул боғ аро беҳуда афғон чекмади,
Балки чекти кеча-кундуз гулга ҳамдам ёр учун.

Шул умидим ул санамдин: бор бўлмоқдин на суд?
Қайрилиб бир боқмаса мен хастан афкор учун.

Пойбўсин ахтариб монанди туфроқ ўлмишам,
Хор бўлмоқ шунчалардур бир гули бехор учун.

Ёрдин шиква на ҳожат? Лаҳза-лаҳза бошима,
Буйла савдоларни солди бир гули бехор учун.

Келмади ҳолин сўраб бул Фурқатий беморини,
Ул парини кўнглида бир муддаоси бор учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бошимни тоша урсам ҳам, менга бедод фандурсан,
Бу ортиқ: ўзгага ҳар кеча шамъи анжумандурсан.

Томар шаҳду ҳаловат лабларингдин, эй парипайкар,
Фасоҳат борасида тўтидин шаккар сухандурсан.

Дағалдур барги гулни хилъатингга айласам ташбиҳ,
Назокатда ажабки, бу қадар нозик бадандурсан.

Ижозат берки, то жони киромимни нисор айлай,
Чи ҳожат сийм, ўзинг азбаски, жоно, сиймтандурсан.

Зарифу ринду озода агарчандики, кўп борсан,
Дариғоки, тағофулпешае, паймоншикандурсан.

Келур кулбамға охир деб, ўшал муштоқ мандурман,
Дариғи бир қадам этган ҳамон дилдор сандурсан.

Итоб этмас сенга беҳуда ул зебо санам, Фурқат,
Тафаккур қил, анга бир беадаблик айлагандурсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оҳким ул шўхни мундоғ жафоси бор экан,
Ўзгаларга лутф ила меҳру вафоси бор экан.

Ҳар замон изҳор этар бегоналиғ атворини,
Эмди билдимки, ниҳона ошноси бор экан.

Мубтало дарду балосиға ўзум танҳо десам,
Неча минг мендек балокаш мубталоси бор экан.

Эй кўнгул, юзланмағил минбаъд жонон кўйиға,
Пурхатарлик йўлки, минг тўсқуч балоси бор экан.

Бегунаҳларга берурлар ҳажрнинг тасбиҳини,
Ишқ шаръини ажаб дорулқазоси бор экан.

Ғам ҳужуми айлади бемор, келмас сўрғоли,
Ул пари кўнглида қандоғ муддаоси бор экан.

Жоми ғамда топти Фурқат бодасин жону кўнгул,
Заҳри қотилдин ани аччиғ мазоси бор экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кетур ташрифким, манзилгаҳинг, жоно, фароғ ўлсун,
Қудумингни ғуборидин музайян бу равоғ ўлсун!

Бўлиб саргашта, эй ширин забоним, Лайли рухсорим,
Чу Қайсу Кўҳкан токай мақомим дашту тоғ ўлсун?

Хиром эт, кабкни кўнглида қолсун юз минг армонлар,
Табассум қил, юз очиб, ғунчау гул бедимоғ ўлсун!

Юзингдин парда олиб, лолаға арзи жамол этким,
Хижолатдин қизориб, пайкари доғ узра доғ ўлсун!

Кўнгулким телбараб қолган эса савдойи зулфингдин,
Ани то тори занжир ўлмаса не навъ соғ ўлсун!

Таарруз айласа шамшод қаддинг нахлиға, ё раб,
Кесилсун аррада боши, ҳама жисми тароғ ўлсун.

Баҳор айёми, эй ёрим, тилар Фурқат сенинг бирла,
Лаби жў, зери савсан, саҳни суффа, кунжи боғ ўлсун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ғамзанг ўқини отким, жоним нишона ўлсун,
Пайконидин ичиб сув бу ташна қона ўлсун!

Мавзун қадингга шамшод қилса чаманда даъво,
Жисми ҳамма тилинсун, зулфингга шона ўлсун!

Лаълинг ғамида йиғлаб ашк ўрниға, нигоро,
Токай ики кўзимдин қонлар равона ўлсун?

Аҳёрким, висолинг боғида шукр қилмас,
Ё раб, ўшал фироқинг ўтида ёна ўлсун!

Ортиқча даврдин май тортайки, саргаронлик,
Бош қўйғоли тизингга токим баҳона ўлсун.

Номингга бир мувашшаҳ қилди бу Фурқат иншо,
Шаҳр ичра шуҳрат олсун, шўри замона ўлсун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй сени, жоно, фалакпаймолиғингдин доғман,
Боққали бўлмас, қуёш сиймолиғингдин доғман.

Кўзу қошингдин солиб юз фитна-ю ошублар
Даҳра аввал, сўнгра бепарволиғингдин доғман.

Шамъдек мен бунда йиғлаб, ғайр ила ҳар қайдасен,
Кеча тонг отқунча базморлиғингдин доғман.

Мутлоқо фарёду афғонларға солмайсан қулоқ,
Эй ситампарвар, бо истиғнолиғингдин доғман.

Он ҳама ёдингда чеҳрам сориғ, ашким ол эрур,
Охир, эй сийминбадан, раънолиғингдин доғман.

Пастфитратлар ҳарими васлинга маҳрам бўлиб,
Фурқатий маҳрум, ажаб, донолиғингдин доғман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўтмай нишот ул пари ўтру келармукин?
Жон чекти кўб бу ғуссада қайғу, келармукин?

Ҳасратда жон фигор, кўнгулдур чўх интизор,
Ғоратнигоҳу ғамзаси жоду келармукин?

Мужда кетурди келмоғидин субҳидам сабо,
Хилъат бинафша, хатти суманбў келармукин?

Деманг мени фароғат ила ётти деб кеча,
Онсиз кўзумга зарраи уйқу келармукин?

Хун тутти даштларни кўзумнинг сиришкидин,
Ҳолим сўрарга кўзлари жоду келармукин?

Ойдек юзи фироқида мен йиғлабон кеча,
Олам кўзумга бўлди қаронғу, келармукин?

Нолам унинг қулоғига еткурса гар насим,
Деб: «Кулбасида Фурқатий борму?», келармукин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Муқим ўлмай фалакким то қиёмат, ёр, айлансун,
Жамолингдин қилиб шамсу қамар рафтор айлансун.

Лабингдин дам урубон ғунча оғзин қон тўла айлаб,
Жазоси шул: паришон этса ким гуфтор айлансун.

Қилур бўлса юзунга гул таарруз боғбонларни,
Тушиб илкига, маҳкам боғланиб бозор айлансун.

Муанбар кокулинг торини сунбул садқаси ўлсун,
Исидин мунфаилдур нофаи тотор айлансун.

Итобу қаҳр тиғидин рақиблар шикваси бирла,
Қилурсен бағрими токайғача афгор айлансун.

Висолингга етолмай нотавон ошиқларинг, жоно,
Ҳамиша ҳажринг илкида асиру зор айлансун.

Дилим қон ила тўлди, охир ушбу ғуссадин ўлуб,
Қилолмай сенга ишқим сиррини изҳор айлансун.

Агарчи жавру зулмнинг Фурқатийға ошкор эттинг,
Ниҳоний лутф ҳам қил, билмасун ағёр айлансун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ой каби чиқдинг қизориб, дилбарим, ҳаммомдин,
Тобдин айлаб араклар орази гулфомдин.

Ҳайрат абрўсида хам бўлди ўшал тоқи сароб,
Илгидин тушгач чиқиб савти надомат жомдин.

Маст жавлон жомидин, ёраб, жаҳон майдонида,
Кўрмасин саркашлик ҳаргиз тавсани айёмидин.

Қатра-қатра терлар оқиб муаттар айлади,
Ҳар тараф ҳаммом ичин ул гул каби андомдин.

Жомаи заррин кийиб, кун чашмадин чиққон каби,
Зоҳир ўлди ул қуёшим гўшаи ҳаммомдин.

Этти тоби гармхона кўзлари андоқ сузук,
Дам уролмайдур киши наргис била бодомдин.

Нарм ўлиб зери заҳан, оҳ, амрикон собунидин,
... ҳам кўрмишки Фурқат сабр ила оромдин[10].

---

[10] Асли нусхада ўчган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўлдум эмди нигор аччиғидин,
Ул жафопеша ёр аччиғидин.

Синдуруб жоми шишани ул шўх,
Базм ичра хумор аччиғидин.

Ўтлуғ ораз узраму кокул,
Тўлғонур ёки ёр аччиғидин.

Сакратиб рахш, қатлима чекти,
Қошидин зулфиқор аччиғидин.

Ўтти чобуку термулуб қолдим,
Қилмади бир гузор аччиғидин.

Гулга етганда шод эмас булбул,
Йиғлади захми хор аччиғидин.

Мисли паргор қилди саргашта,
Чархи каж, нобакор аччиғидин.

Бўлса ҳар ким жаҳонда ширинком,
Тотгай охир бирор аччиғидин.

Фурқато, чок этиб гирибонинг,
Йиғлама рўзгор аччиғидин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менки ўлдим нотавон ул наргиси шаҳлосидин,
Бир такаллумда тирилдим лаъли руҳафзосидин.

Қадду рухсорини кўрса дафъатан ризвон агар,
Тўбидин кўнгул узар, ҳам жаннатул-маъвосидин.

Сабру сомонимдин айрилдим белу оғзин кўриб,
Йўқу борим қолмади пинҳон ила пайдосидин.

Васл учун ҳажрида жон бердим, вале бўлмас писанд,
Ўлдум ул мушкилписанд зебони истиғносидин.

Дийдаи олам ёрур зулфи тунида олса гар –
Еттидин бир парда рухсори қамар сиймосидин.

Жисми ўлди шона-шона оқибат шамшоднинг,
Ул санам қаддиға қилғон даъвии бежосидин.

Айладинг таъриф, зоҳид, ҳури жаннат, воқиъан,
Яхши дединг, қолмасун ҳар кимса ўз раъносидин.

Не қаро кунлар бошимға тушмади, аҳбоблар,
Холу хатти, ҳасрати бирла сочи савдосидин.

Бир кўрингач, телба айлаб ҳуснига, Фурқат яна,
Юз ёшурмиш ул пари ўз волаи шайдосидин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Лоладек юз бирла сайри боғингизга доғман,
Ғунчалар бағриға қўйган доғингизга доғман.

Булбули дилхасталар оворои бехонумон,
Маскан этган гулшан ичра зоғингизга доғман.

Раддим айлар кўйингизни итларин ҳайрониман,
Шум рақибга йўл берур бўсоғангизга доғман.

Бахмали мушкин ичида илкингиздур лола ранг,
Хуни ошиқ ё хино тирноғингизга доғман.

Ўлтурарсиз бехирадлар базмида ўйнаб-кулуб,
Бизга қолганда дили ночоғингизга доғман.

Аввал-аввал лутфингиз ҳаддин зиёд эрди менга,
Эмди-эмди марҳамат камроғингизга доғман.

Куйдириб Фурқат ўтида, васлдин маҳрум этиб,
Элга андоғу менга мундоғингизга доғман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аксиму, жоно, лабингни бодан ноб ичра мен,
Қолмишам ҳайратда оташни кўруб, об ичра мен.

Саждаға майл этмаям бош индуруб масжид аро,
Кўрмасам то жилваи қошингни меҳроб ичра мен.

Қоматинг ёдида гарчи сарвдек озод мен,
Ҳалқаи зулфинг хаёли бирла қуллоб ичра мен.

Нечаким уйқуларим келмаски ҳижрон оқшоми,
Шодким, васлингни бир кўрсам деюб хоб ичра мен.

Соҳили васлингға еткур, эмдиким бўлмай ҳалок,
Муддатидур баҳри ҳижронингда гирдоб ичра мен.

Қонлиғ ашким он қадар бузмиш бузуғ кулбамниким,
Нуқтаи нундек ўзум танҳо бу хуноб ичра мен.

Хуш тариқи ишқ, Фурқат, ёр кўйинда... (қолиб)[11],
Бир аёғ бирла алифдек охир одоб ичра мен.

---

[11] Ёзилмай қолган сўз асл нусхада ҳам йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Май ичиб, кўзларни сенму номусулмон айлаган,
Кишвари исломни торожу вайрон айлаган?

Ҳуққаи лаълингмудур зоҳир қилиб гавҳар тишинг,
Шармдин дурни садаф оғзида пинҳон айлаган?

Мавжи маржонму лабингда ё табассум жавҳари,
Ё тишинг акси анинг рангини алвон айлаган?

Дона-дона терму рухсоринг уза май тобидин,
Гулда шабнам қатрасини маҳву ҳайрон айлаган?

Хатму жонпарвар лабингда ёки эъжози Масиҳ,
Хизрму ё элга бахшиш оби ҳайвон айлаган?

Эгма қошингму камон, мижгонму ё новак анга,
Бир ўқ отмай ишқ элин жонини қурбон айлаган?

Нахли қаддингму назокат жилва, кўргузгач хиром,
Сарвларни боғ аро ер бирла яксон айлаган?

Менму собит, Фурқатий, бир аҳду бир паймон ила,
Сенму ҳар соатда нуқси аҳду паймон айлаган?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Илоҳо, турфа бир нодон қулунгман,
Шарорат лойига ботгон қулунгман.

Тамом умрум ўтуб ғафлатда зойеъ,
Асири нафс, саргардон қулунгман.

Солиб ўздин яна тақво либосин,
Ки, исён баҳриға чўмгон қулунгман.

Дединг: «Лотақнату мин раҳматуллоҳ»,
Умид айлаб, анго боқгон қулунгман.

Нишони одамият манда йўқтир,
Чу инсон суврати, ҳайвон қулунгман.

Чиқар дарёйи офатдин саломат,
Бало гирдобида қолгон қулунгман.

Илоҳо, ташлама Фурқатни ўтга,
Муриди ҳазрати Жилон қулуни ман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қулунг ўргулсун, эй, султони хўбон,
Фидо ўлсун йўлингда, бўлса минг жон.

Лабинг ғунча, юзинг мисли қизил гул,
Чекарман бул сабаб булбулдек афғон.

Нигоро, йўхлагил дилхасталарни,
Кўйингда бўлдилар кўп зору ҳайрон.

Давоми умр йиғлаб ҳасратингда,
Кўзимда қолмади очмоққа имкон.

Рухингни кўрсатиб девона қилдинг,
Бу боисдин чиқиб кездим биёбон.

Хумори бодаи лаъли лабингдин,
Кўнгул маҳзун эрур, ҳолим паришон.

Ўзим мунда, санинг олдингда жоним,
Халойиқ кўзиға ман навъе инсон.

На ҳожат ўртамоқ ҳижрон ўтиға,
Эдим бир мушти хок аввалда куйгон.

Ғазалга ҳарфи номинг бирла зийнат,
Берубдур Фурқатий, дилдору жонон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Субҳ ила дўш чиқтики бир маҳлиқо чафан,
Айлаб жаҳонни акси ила пурзиё чафан.

Ул кун ўқутти ноз муҳаббат муаллими,
Лавҳи ёзмади магар ҳарфи вафо, чафан.

Лойиқ жафою жаврға, қилмас вафою меҳр,
Найлай, ани қилибдур азалда Худо чафан.

Афсус, нишоту айшими барбод этиб, яна,
Қилди ғаму алам била умрим адо чафан.

Жисмимни мушт айлади, етти итоб илан,
Ё раб, нечук ситамгар ўшал дилрабо чафан.

Элга таарруз этмангиз, чун этсангиз, яна,
Олифталиғ раёсатида бўлғон расо чафан.

Номи чафан жаҳондаки, Фурқат, агарчи кўп,
Лекин ўшал париваши раъно жудо чафан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ойинаи жамолинг фасли баҳор эмасму?
Гулшанда сарв қаддинг бир жилвазор эмасму?

Чоғлаб камони абрў мижгон ўқини боғлаб,
Чиқсанг миниб самандинг, яхши шикор эмасму?

Зулфи сиёҳинг, эй гул, сунбул ақида айлар,
Дерлар ғалат халойиқ: мушки татор эмасму?

Шаҳди висолинг андоқ кавсар суйидин оқроқ,
Заҳри фироқинг аммо оғуйи мор эмасму?

Жонимга ҳар жафо қил, кетма даме назардин,
Сенсиз фарохи олам кўзимга тор эмасму?

Айни саҳарда чеккан оҳимдан иҳтироз эт,
Ўртангай аҳли олам, ўтлуғ шарор эмасму?

Жавринг ўқидин ўлди бағрим ҳазор пора,
Ҳар пораси ҳазорон андар ҳазор эмасму?

Қайда кетай бош олиб дарду аламларингдин,
Балойи ғам, нигоро, ҳар ерда бор эмасму?

Кўрсат ниқобинг очиб рухсори аҳмарингни,
Ойинавор, Фурқат кўб интизор эмасму?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Асири чашминг оҳуи биёбон ўлди, бир менму?
Кўруб ойина ҳам ҳуснингни ҳайрон ўлди, бир менму?

Ҳазар қилма сари кўйингда мен ҳам айласам маскан,
Хатинг Хизри муқими обиҳайвон ўлди, бир менму?

Мазоқи лаъли нобинг ҳасратида ғунча бечора,
Гулистон ичра бағри таҳ-батаҳ қон ўлди, бир менму?

Агар турмасдур ашким, таъна қилманг, ёр базмида,
Бу оқшом шамъ ҳам маҳфилда гирён ўлди, бир менму?

Дамодам қадду рухсоринг ғамида булбулу қумри,
Гулу сарв узра, кўрким, зору нолон ўлди, бир менму?

Нигоро, қўйма миннат жонима васл ичра деб Фурқат,
Жамиъи ошиқинг мамнуни эҳсон ўлди, бир менму?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишқинг ўтида, жоно, жонлар кабоб эмасму?
Қилмас эсанг тараҳҳум, ҳолим хароб эмасму?

Зулминг шарорасидин дўзах зуҳур айлаб,
Жаврингни шўришидин рўзи ҳисоб эмасму?

Дерлар арақ юзингда кўрганда баъзи оқил:
«Ул сув ҳаё гулидин битган гулоб эмасму?»

Бағрим эзилса тонг йўқ, тушганда бир нигоҳинг,
Ҳуснунгни бир кўрубон ойина об эмасму?

Ойинаи жамолинг таъбири маҳв бўлса,
Лаълинг саволиға жон бермоқ савоб эмасму?

Жону жаҳонға раҳм эт, йиғлатма кўб мени зор,
Оламға кўз ёшимдин оби азоб эмасму?

Ноз ила ўлдурурсен васл ичра гар, ризомен,
Бўйнумға тори зулфунг мушкин таноб эмасму?

Рахши вафо минибон дил кишварини сайр эт,
Бир неча кун ғанимат аҳли шабоб эмасму?

Гар келса қўлдин, эй ёр, берма чибинға озор,
Беш-олти кун бу фурсат ўтгой шитоб эмасму?

Султони мулки хўбий сенсен, нигор, гоҳи,
Фурқат фақир ҳолин сўрсанг савоб эмасму?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эл ичра ишқ доғин ишфо қилиб бўлурму?
Монанди лола ўзни расво қилиб бўлурму?

Бозори ишқа кирса рахти висол ҳаргиз,
Жон нақди қўлға олмай савдо қилиб бўлурму?

Етмиш ики маротиб бу йўлда ўзини сотмай,
Ишқини Боязиддек даъво қилиб бўлурму?

Чилтан шаробин ичмай, бош ўйнамай чу Мансур,
Дор узра деб «Аналҳақ» ғавғо қилиб бўлурму?

Сўюб терингни осмай ошиқ Насимий янглиғ,
Жонсиз жасадни бетил гўё қилиб бўлурму?

Ғофилни суҳбатидин жон борича қочинглар,
Дўзах аро чунончи маъво қилиб бўлурму?

Эй булҳавас, қўй эмди, беҳуда чекма заҳмат,
Тақлид ичинда таҳқиқ асло қилиб бўлурму?

То дарди ишқ тегмай, йиғлаб жигарни эзмай,
Фурқат каби сиришким дарё қилиб бўлурму?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзу қаддинг кўриб, жоно, чаманда,
Асиринг бўлди гул, шамшод банда.

Сочинг саргаштаси мушки Хитодур,
Кўзунг овораси оҳу Хўтанда.

Малоҳатким, сени юзингда кўрдум,
На бордур гулда бу, на ёсуманда.

Лабингни ёдида қонлар ютубон,
Ётиб мен бир ғариб байтулҳазанда.

На хуштур бир туни, эй дилнавозим,
Иков бўлсак эди бир пираҳанда.

Нигорим, кўрмадим сендек париваш,
Худо ҳақи, қаламрави Хўқандда.

Мени кокулларинг савдойи қилди,
Нечук турғум келур эмди ватанда.

Тишинг дурри жаҳон баҳрида бўлмас,
Лабингдек лаъл йўқ мулки Яманда.

Юрибмен ҳасратингда мунда йиғлаб,
Кезарсен айш ила ишратда анда.

Қуюндек Фурқатий, кездим жаҳонни,
Ажаб саргаштамен дашти Хўтанда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жоним олурға келдингиз, мунча шитобингиз нима?
Ман бўлайин тасаддуқинг, қаҳру итобингиз нима?

Ғамза ўқи билан отинг, мен ўлайин ўшал замон,
Кунда мани юз ўлтуруб, мунча азобингиз нима?

Боғласанг осгали мани риштаи кокулинг билан,
Розиман, эй пари анго, ўзга танобингиз нима?

Бегунаҳ ўлтуруб мани, қонима қолдингиз букун,
Тонгла яқонгдин ушласам, анда жавобингиз нима?

Аввал ўзингни суйдуруб, жонимни ўтға куйдуруб,
Восил бўлурда васлинга неча ҳижобингиз нима?

Жавру жафони қилмангиз, ишқинг ила бўлуб эди,
Адо, тамом Фурқатий, эмди хитобингиз нима?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тушуб бошимға кулфат лаҳза-лаҳза,
Чекармен ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай, бермас амон даврон жафоси,
Магар ғам бўлди қисмат лаҳза-лаҳза.

Бало дайрида ҳижрон соқисидин,
Ичармен жомн ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай, жавридин ўлса рўзи равшан,
Кўзимга буйла зулмат лаҳза-лаҳза.

Сиришким ўрнидин эзгон жигарлар,
Оқар соат-басоат лаҳза-лаҳза.

Ғами ҳижрон ҳужум айлаб дамо-дам,
Чекар тиғи балият лаҳза-лаҳза.

Мақомим бўлди саҳро, лола янглиғ,
Юракда доғи Фурқат лаҳза-лаҳза.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бенгзар нечун рухингга саҳро юзида лола,
Қолғон қазо чўлида бир қон юқи пиёла.

Тўбига этти ташбиҳ, жоно, қаддингни восиф,
Билмай бу боғ сарвин бенгзартти эски тола.

Чиқти фалакка, нечун санга етишмас, эй моҳ,
Ҳажрингдаким, чекармен ҳар кун фиғону нола.

Ўлдим десам ғамингдин, олмай ўза, этарсан,
Маҳзи тағофил айлаб бир ўзгаға ҳавола.

Ёд ул замонки эрдим: васлингда шоду масрур,
Айёми ҳажри аммо келмас эди хаёла.

Билгач ўзина лозим ўлмоқни поймолинг,
Кирдинг, чаманда гуллар тутди ёра уёла.

Тушганму мадрасаға оғзу белинг ҳадиси,
Ҳар ҳужрадин чиқодир овози қийлу қола.

Раҳм айлагил, нигорим, минбаъд тоқатим йўқ,
Туштим бу ҳола дардим кўнглумға сола-сола.

Онжақ наҳиф ўлдим ман хаста фурқатингда,
Тутғил алим, карам эт, еткур даме висола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Келмади ҳолим сўраб ул шўхи жонон бу кеча,
Шавқ ила мен ўртаниб чун шамъи сўзон бу кеча.

Оҳким, мен хаста сори қилмади ҳаргиз гузор,
Кўрмайин ул шўхни ҳолим паришон бу кеча.

Ўзга бирла май ичар ҳар қайда, онинг рашкидин,
Ютмишам тонг отқуча зардоб ила қон бу кеча.

Бу на ҳолатдур сенго, деб кулманг, эй аҳбоблар,
Йиғлай-йиғлай кунда чексам оҳу афғон бу кеча.

Чун қуюн пўя қилиб, бир ерда турмсн ун чекиб,
Шуълаи оҳимга тўлди кўб биёбон бу кеча.

Чиқди нолам най каби тўққиз фалакка, оҳ-оҳ,
Ҳасратидин банд-бандимдур найистон бу кеча.

Бир куни васлиға етмакни ҳавосида бўлуб,
Фурқатида бўлмишам мен зору ҳайрон бу кеча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўтти кўздин жилва айлаб турфа жонон бу кеча,
Қош отиб, кўз ўйнотиб масту хиромон бу кеча.

Ногаҳон кетдим ўзимдин, қолмади бир зарра ҳуш,
Ўқубон қилди батар келгон парихон бу кеча.

Кўргали келмиш нигорим раҳм этиб беморни,
Эй фалак, анжум ила қилғил чароғон бу кеча.

Завқ-шавқимни кўриб, олғач юзидин пардани,
Бўлмишам ойинадек ҳуснига ҳайрон бу кеча.

Хуни дилдин моҳазар айлаб эдинг, келтур, кўнгул,
Бўлди ул оромижон бизларга меҳмон бу кеча.

Айлабон тарки вафо ул шўхлар, бебоклар,
Чеклилар ҳарфи жафодин тиғи урён бу кеча.

Фурқатий қой йиғлабон ётиб эди ғам шомида,
Қай тарафдин чиқти, ё раб, моҳитобон бу кеча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Билмадинг аҳволим ишқим ошкор ўлгон кеча,
Ҳар замон ўздин кетиб беихтиёр ўлгон кеча.

Ҳоли зоримни кўруб сўрганда ҳам аҳбоблар,
Демадингму мен учун кўб интизор ўлгон кеча.

Кўкка оҳим еткуруб тонг отқуча мен йиғладим,
Ул рақиби рўсияҳ сен бирла ёр ўлгон кеча.

Сўзи ҳажринг бу эрур, лекин букун андин батар,
Негаким, жисмим куюб андоқ шарор ўлгон кеча.

Масти бехуд бўлдум, эй аҳбоблар, май базмида,
Мисли соғарким насибим лаъли ёр ўлгон кеча.

Шамъ янглиғ ўртониб ёндим жамолинг шавқида,
Мисли парвона сенинг ҳуснингга зор ўлгон кеча.

Кунжи лаб бирла табассум айладинг бир йўл боқиб,
Мастликдин Фурқатнйга шармисор ўлгон кеча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ой юзин кўрмай кўнгул айлайдур афғон бул кеча,
Йиғлар эмди кўзларим то бўлғуси қон бул кеча.

Соқиё, қул бўлғаймен, бир коса май берсанг менго,
Чунки вақти базмдур ҳам васли жонон бул кеча.

Ҳаддин афзун эрди дардим, устіна фурқат недур?
Айламоғ жабру ситам, ҳам доғи ҳижрон бул кеча.

Эй лабинг васфин таманносида ўлтурғон чоғим,
Ичмоғум оғзимға қуйса обиҳайвон бул кеча.

Қош учи бирла кулуб боқса нигорим ҳар тараф,
Менго ҳам солмоқ назар ҳеч борму имкон бул кеча?

Чиқса уйдин маҳвашим юз ноз бирла, вах, нетонг,
Чиқса истиқболина журъат била жон бул кеча?

Иҳтизор этсанг магар келмоқда сен ағёрдин,
Ошкоро қилма лутфунг, айла пинҳон бул кеча.

Неча кундур мен ётурмен остонинг ястониб,
На эмиш ҳам айласанг бир лутфу эҳсон бул кеча.

Фурқатий ҳажринг туни васлингни истаб йиғлади,
Сендин ўзга ким қилур дардимға дармон бул кеча?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нигоро, хасталик кўб эрди манда,
Нетайким, йўқ эрур бир раҳм санда.

Кўнгул қон боғлади монанди булбул,
Аё, эй ғунча лаб, қилсанг-чи ханда.

Тишингга ўхшамас Уммонни дурри,
Лабингдек лаъл йўқ мулки Яманда.

Ўшал кун бир кўруб раъно юзингни,
Қарори қолмади жонимни танда.

Жамолинг васфини ёзиб, нигоро,
Ўқурман ўлтуруб ҳар анжуманда.

Сўроғинг айлабон бўлдум қаландар,
Кулаҳ бошимда-у, эгнимда жанда.

Ақиққа ўрнатилғон дур мисоли,
На хушдур тишларинг дуржи даҳанда.

Жунун саҳросида мажнун бўлурди,
Ғамим бўлса эди гар Кўҳканда.

Кел эмди, Фурқатий, кўб чекма афғон,
Нигоринг наздида бўлдунг писанда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дўстлар, аҳбоблар, бориб эдим майхонаға,
Ногаҳон тушти кўзум бир маҳлиқо жононаға.

Жона еткон эрдим, аммо кўб хуморим заъфидин,
Тутти бир соғар карам айлаб мени девонаға.

Айб қилманг ҳар кишига ошнолик қилмасам,
Берса бўлғайму кўнгулни ҳар нечук бегонаға?

Чархи кажрав не балоларга гирифтор этмади,
Дўстлар, бир дам қулоқ солинг шубу[12] афсонаға.

Икки ҳайдар кокулин келди хаёли кўнглима,
Тушти гўё икки аждар кулбаи вайронаға.

Соқиё, ўлдум хуморингдин, бошинг ҳаққи учун,
Тўлдуруб берсанг агар, жоним берай паймонаға.

Тонг эмас куйса жамол оташгаҳида Фурқатий,
Шамъни кўрса нечук тоқат қолур парвонаға.

---

[12] Шубу – ушбу.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Излаб висолинг, эй маҳи тобон, қачонғача,
Тортай фироқ кечаси афғон қачонғача?

Сарви қаддинг хаёлида қумрийи зордек
Йиғлай, нигор, бо дили сўзон қачонғача?

Ҳижрон ўтида куйдуросен йиғлатиб мени,
Айғил, аё ситамгари жонон қачонғача?

Мен дилфигора бедимоғ, чун ғунча тангдил,
Бўлғунг рақиба гул каби хандон қачонғача?

Сен ичкарида ғайр била нўш этиб шароб,
Мен ташқарида зор, ичай қон қачонғача?

Кўнгли жафоға мойилу кўб бағри тошсен,
Бераҳмлик қилурсан тағи, эй жон, қачонғача?

Холу хату кўзингни фироқида йиғласун,
Фурқат харобу, хаставу ҳайрон қачонғача?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Туруб ҳар эрта, жононим, йўлингда,
Оқарди чашми ҳайроним йўлингда.

Фалак узра малакларга етушти,
Сенга етмасму афғоним йўлингда?

Муродинг қатлим эрса келмагингдин,
Фидодур бир қошиқ қоним йўлингда.

Ғубори тавсанингдин топти ором,
Чиқарди йўқ эса жоним йўлингда.

Маломат тошидин бўлди мунаққаш,
Чу Мажнун жисми урёним йўлингда.

Кел, эй Юсуф, Зулайҳо козасидек,
Қуруғлиқ байт ул-эҳзоним йўлингда.

Гар ўлсам интизоринг бирла Фурқат,
Ётар жисмим мени, жоним, йўлингда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шуълаи шамъи рухинг моҳи мунаввардаккина,
Ёндурур парвонадек жонларни ахгардаккина.

Хизр осо хатларинг ҳар дам тутар оби ҳаёт,
Элга лаълинг жон берур Исо пайамбардаккина.

Ғунчаи боғи ҳаё – оғзинг, юзинг – гул барги тар,
Қоматингни нахли шамшоду санобардаккина.

Қошларинг қавси қузаҳдур, боғласанг тири мижанг,
Сончилур, отсанг агар бағримға наштардаккина.

Ҳар тароват оразинда онқадар бордур сафо,
Партави кўз кўзгусиға жилса гўстардаккина.

Қил такаллум, жон ҳаловат топсун, эй ширин забон,
Лабларинг дил тўтисин комиға шаккардаккина.

Бодаи нози тағофилдин кўзинг маст этмаким,
Ўлдурур бежурм дин аҳлини кофардаккина.

Остонанг гўшаси Жамшид тахтидаккина,
Мақдаминг туфроғидур тожи Сикандардаккина.

То фалак айвонининг тоқида равшандур қуёш,
Кўрмади даврон аносин моҳи пайкардаккина.

Кўрсатиб сен моҳни яксар паришон этти чарх,
Жамъ эрди сабру ақлу хуш ахтардаккина.

Неча муддатлар эрур Фурқат хаёлингдин йироқ,
Иштиёқинг ўтиға куйдум самандардаккина.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўз учидин қил нигаҳ, эй шўхи танноз, озгина,
Ҳусн шоҳисен, гадони эт сарафроз озгина.

Ҳарзагў ағёралар сўзиға бовар қилмаким,
Дилсиёлиғ келтурур ўртода ғаммоз озгина.

Онча солдинг бошима жавру жафолар кўб-кўб,
Эмди қилсанг на бўлур меҳру вафо оз-озгина?

Ул куни боқтинг кулуб, мақсудима еттим тамом,
Ўтгай эрдим гар назар солсанг эди боз озгина.

Кўб эмас лутфунг агарчандики, хуштур хотирим,
Шод ўлур фақр аҳли гўё бўлса мумтоз озгина.

Кимдин ўргандинг бу янглиғ жавр ила бедодни,
Раҳмдиллик яхши, эй шўхи дағобоз, озгина.

Кўб жадал қилдим, ва лекин топмадим базмингга йўл,
Кошки бўлсам эди сен бирла дамсоз озгина.

Фурқатий дилхастани гаҳ ўлтуруб, гаҳ тиргузур,
Лаъли жон бахшингдин ўлса бўйла иъжоз озгина.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тортиб ўлмай интизоринг доғи гул бозорида,
Эй ҳаётим гулшани, келғил ҳаётим борида.

Ўқурам булбул каби юз бирла оғзинг васфини,
Боғ аро гул дафтарида ғунчанинг тумморида.

Шармдин бошиға чекти чодирин товуси боғ,
Жилваи тарзи хироминг кўрмай ўз рафторида.

Кечти кўб йиллар, фалак даврида ҳаргиз кўрмадим,
Оразинг сиймосини меҳру қамар рухсорида.

Нури рухсорингдин ислом аҳли кўнглида сафо,
Тоби зулфингдин гирех куфр элининг зуннорида.

Диққат айлаб, бўса мазмунин тасарруф айладим,
Бир-икки мисраъ узоринг хаттини такрорида.

Хаттинг ул Хизр элга берса ҳар қачон ҳайвон суйи,
Нутқинг ул жонбахшлиқ бўлса Масиҳ гуфторида.

Оҳуи Чин наргисингдинким эрур овворалар,
Сунбулингни бўйи нетсун нофаи тоторида.

Номинг ўлгач ҳарф ила ҳар байт уза зийнат физо,
Эл аро кўб қадри ошти Фурқатий ашъорида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тангри берди ногаҳондин бир нигори ёшгина,
Қомати нозиккина, кўб эркаю авбошгина.

Неча муддат гўшаи ғамда ажаб танҳо эдим,
Эмди жоним пардасида асрайин йўлдошгина.

Ишқ дардини баён айлар эдим оз-озгина,
Ёшлигидин қилди охир сирларимни фошгина.

Зулфининг шомида ул маҳнинг жамоли шамъига,
Айланурга жон қуши парвонадек хаффошгина.

Йиғларимни шиддатидин оқти ашк ўрнига қон,
Раҳм ила парвоси йўқ жонон юроги тошгина.

Оқибат даврон жафоси қилди саргардон мени,
Топмадим бир мунисеким, бўлса хуш кенгошгина.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба қилган бўлса ҳам майдин,
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан бўлса.

Булут қатра фишону руҳафзо сабзалар хандон,
Ариғларнинг лабида сабзакорий бир чаман бўлса.

Ҳаво ҳам мўътадил, ҳавзи мусаффо, суффаи дилкаш,
Оқар сув ғалт уриб, себарга узра мавжзан бўлса.

Сабуи лаъл бирлан шишаи байзоу олтун жом,
Ўшал мажлисда соқий бир нигори сиймтан бўлса.

Гул узра андалибу, сарвнинг бошида қумрилар,
Юзу қад ҳасратидин оҳу фарёд айлаган бўлса.

Гулистон саҳни .....
Муаттар доим ул-авқот чун мушки Хўтан бўлса[13].

Киши тўбию кавсар, жаннату ризвонни не қилсун?
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.

Суруру шодликни даҳр боғида нечук кўргай?
Камина Фурқатийнинг маскани байт ул-ҳазан бўлса.

---

[13] Ёзилмай қолган сўз асл нусхада ўчиб кетган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Умр хуш ўтмас, баҳор айёми саҳро бўлмаса,
Лолазор ичра бисоти айш барпо бўлмаса.

Ҳосил ўлмас бодау жом ила мийнодин мурод,
Жилвагар то соқийи гулчеҳра андо бўлмаса.

Базм аҳли бўлсалар майхоралар анда зариф –
Дарди йўқ ағёр ўшал мажлисда асло бўлмаса.

Даҳр гулзорида хушдир яхши таъмири бисот,
Гар хазондин гарди ҳодис анда пайдо бўлмаса.

Обиҳайвон бирла умри жовидонни не қилай,
Бир хати Хизру лаби лаъли Масиҳо бўлмаса.

Хок бўлсун ул танеким, ишқ ўтида куймаса,
Зерипо бўлсун сареким, анда савдо бўлмаса.

Фурқат айлар орзу бу анжуманни ҳар баҳор,
Одам эрмас ҳам кишида бу таманно бўлмаса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Вафо айлаб йироқдин ошкор оҳиста-оҳиста,
Бир ишқим айладинг, жоно, ҳазор оҳиста-оҳиста.

На яхши марҳаматлар айламишсан номада изҳор:
«Муҳаббат расми қилғил» деб шиор оҳиста-оҳиста.

Жадал бирла киши мақсудиға етган эмас, оре,
Бўлур вақти билан ҳар навъ кор оҳиста-оҳиста.

Нечук тоқат қилайким, бора-бора зўр этиб ишқинг,
Кўнгулдин олди сабр ила қарор оҳиста-оҳиста.

Бериб таскин кўнгулға: васлига бир кун етарман деб,
Ўзимни ўргатай ҳажрингга, ёр, оҳиста-оҳиста.

Паришон ўлмайин то хотирингни жамъи қил, жоно,
Сўраб ҳолимни хат бирлан бирор оҳиста-оҳиста.

Нечук осойиш айлай, эй кўнгул оромиким, сенсиз,
Бўлуб борур жаҳон кўзимға тор оҳиста-оҳиста.

Ўшал кун бир кўриб қолганда қилган новаки ғамзанг,
Ҳануз айлаб келур кўксим фигор оҳиста-оҳиста.

Висолинг бодасидин қилмасанг шодоб Фурқатни,
Хабар айлар ани ҳажру хумор оҳиста-оҳиста.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Терму тоби бодадин рухсори аҳмар устида?
Қатра-қатра ёки шабнамдур гули тар устида?

Ўсмалиқ қошларму ё шамшир қондин занглиқ,
Ёки пистоқи тўкулмиш ранги аҳзар устида?

Юза уза кокулмидур ҳар сори печутоб ила,
Ганжи ҳуснингму ётур ё икки аждар устида?

Чеҳра очтингму бу тадбир-ла чаманда, толдилар,
Хаста булбул гул уза, қумри сановбар устида?

Хоки пойингни талошур кўзга эл сурмоқ учун,
Оре, ҳар ерда ҳужум айлар гадо зар устида.

Икки жоду наргисинг солғай жаҳонға фитналар,
Бўлмаса урён қошингдин икки ханжар устида.

Нозанин, сен ташла истиғнони, худ бори гарон,
Ноз дебоси назокат хулқ пайкар устида.

Фурқатий қошу кўзингдин фитналар кўрди бале!
Шўриш ўлмоқ расмдур ой туғса ахтар устида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Зарра-зарра зар сочар бошиға ҳар кун офтоб,
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи иксирда.

Бир кўриб чоҳи зақан Ҳорут ила Морут иков,
Чоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда.

Ламъаи қийғоч кўзидин анинг барқи нигоҳ,
Тезлик жавҳарлари гар бўлса ҳар шамширда.

Қоши узра холининг асроридин бир нуқтадур,
Сураи Нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда.

Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,
Зулфига дилбасталиғ ҳар бир жувону пирда.

Айдим: «Эй, жон офати, зулфингга бўлмишман асир!»
Айди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нуқта лаб устида бежодур», дедим, айди кулиб:
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда».

Айди: «Эй бечора, қилдинг на учун тарки ватан?»
Ман дедим: «Ғурбатда Фурқат бор экан тақдирда!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оразнинг қачон кўрди меҳр ховарон ичра,
Борди шоми ғурбатға, бўлди ғарқ қон ичра,

Боға кирдинг, эй ёрим, пардани олиб юздин,
Гул ёшунди хижлатдин ғўшаи хазон ичра.

Диққат айлабон ҳаргиз оғзингу белинг рамзин,
Топмади мудаққиқлар, қолди кўп гумон ичра.

Қоматингки дилжўдир, бўйла сарв ила шамшод,
Бош қўяр аёғингга кўрса бўстон ичра.

Эй, фидо санго жоним, кўрма ғам юзин асло,
Шодлиқ била ўтғил умри жовидон ичра.

Давлати висолингга шукр этмаса ҳар ким,
Мубталойи ҳажр ўлсун арсаи жаҳон ичра.

Рутбаи улув топғил, ет камол, эй дилбар,
Сокин ўл алиф янглиғ доимо амон ичра.

Холи анбарингниким ёд этиб, лабинг узра,
Қолди шаккаристонда тўти достон ичра.

Истарам дилоромим, топсам жаҳон янглиғ ,
Жон каби ниҳон этсам жисми нотавон ичра.

Яхшилар аро Фурқат, сен учун ёмон бўлдим,
Музтариб қилиб қўйма яхшию ёмон ичра!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ул паривашким паришон этти кокул боғда,
Рашкидин бўлди димоғ ошуфта сунбул боғда.

Оразидин бўлди саҳроларда лола мунфаил,
Хаттидин хижлат чекиб райҳону жанбул боғда.

Берди васли ваъдасин ёлғондин ул чиний санам,
Кеча чинний боғда, ё бир куни гул боғда.

Ёр қадду оразиға сарву гул ҳеч ўхшамас,
Қилма, эй қумрию булбул, кўп ғалоғул боғда.

Ул малоҳат мулкининг султониға махсусдур,
Қурмасун ўлдуқча гул тахти тажаммул боғда.

Қадди рухсориға даъви айлар эрди сарв зу гул,
Кўрди чекти-ю хижолат, бўлди бир пул боғда.

Ваҳ на хуш файзи саҳардурким, бўлиб шабнам била,
Лолалар япроғи бўлди соғари мўл боғда.

Булбулу қумри гулу сарв узра йиғлаб турсалар,
Ёрсиз ошиқ қилур қайдоғ таҳаммул боғда.

Ҳар замон бир назми дилкаш бирла чекмакка наво,
Фурқато, шогирд кирсун санга булбул боғда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кечалар эмас фалакни ёруғ айлаган ситора,
Чиқар оҳим оташидин бўлунуб неча шарора.

Аламингда зор йиғлаб, туну кун наво қилурмен,
Асар айламас, нигоро, юракингму санги хора?

Кўраменму деб тушимда сенинг ой каби жамолинг,
Кечалар мудом қилмоқ менга ишдур истихора.

Кеча-кечадур ҳар эрта, кўзум ашкидин ювуб юз,
Жигарим эзиб қилурмен қора қон ила ғарора.

Тута олмайин муҳаббат равишида поси-номус,
Карам айла кўб хижилман, мени зори шармсора.

Агар ўзгани юзиға назар айласам кўз очиб,
Бу орада ҳақ тонуқдур, келу қил юзумни қора.

Ғаминг ила лабға жоним етушуб, қурушди қоним,
Гаҳи айласанг на бўлғай, кўз учи била назора.

Мени гар навозиш айлаб итинг ўлса меҳмоним,
Есун улки моҳазардур жигарим ҳазор пора.

Ғами меҳнатимға чора йўқ эса на чора, Фурқат,
Йўқ эрур гар айта берсам аламимға ҳеч шумора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳар кеча ишқингда, жоно, кўзларим қон йиғлади,
Лола қон ютти-ю, оҳуйи биёбон йиғлади.

Кечалар анжум эмас ерга тўкилган онқадар,
Раҳм этиб, ҳолим кўруб, гардуни гардон йиғлади.

Абри борон эрмас эрди ул баҳор айёмида,
Рўзгорим сангдил бахтимга чандон йиғлади.

Юз ила кўзинг ғами овора қилди нечаким,
Сўзишимдин ўртаниб, шамъи шабистон йиғлади.

Келди қосид, кўрди сарғорғон узорим ҳажридин,
Номани бермасдин аввал тортиб афғон йиғлади.

Ёзди, ҳар лафзин ўқурда қон бўлуб оқти жигар,
Кўнглум ўртанди, бағир эзди, ҳамон жон йиғлади.

Сочрагон саҳни фалакка ҳар тараф эрмас шафақ,
Фурқатингда қон сочиб, шоми ғарибон йиғлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

То сўзга лаб уюрдинг, жоно, шакар тўкилди,
Ҳам айладинг табассум, мавжи гуҳар тўкилди.

Ойинаи жамолинг қандоғ сафолиғ эрди –
Ким, анга бир боқишда ерга назар тўкилди.

Шоҳона сайр қилдинг рафтор ила чаманда,
Гуллар шукуфасидин бошингга зар тўкилди.

Келмоққа ваъда бердинг, қон қилди интизоринг,
Еттим яқин ўларга, келким, жигар тўкилди.

Нозик белингдин оғуш этмоққа не ҳадим бор?
Густоҳ агарчи қучмай, банди камар тўкилди.

Дод илкидин фироқнинг васлин, юзин кўролмай,
Йиғлаб сиришки қолмай, нури басар тўкилди.

Хуни дил ила ёзган номамни ҳар кабутар
Болиға боғлаган чоғ куйди-ю, пар тўкилди.

Ол этти оразингни май тоби бўстонда,
Андоғки настаранга гул барги тар тўкилди.

Нашъа хумори ғамдин йўқ ўзга Фурқат, оё,
Майхонаи азалдин жоми қадар тўкилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жоно, жамолингиз гул рухсор мунча яхши,
Нозик қадингга, ҳай-ҳай, рафтор мунча яхши.

Танбурни қўлга олиб чертгандаги наволар,
Савти тараннум ила гулёр мунча яхши.

Хатм ўлди бу жаҳонда сиз бирла нуктадонлиқ,
Овози хуш, ажойиб гуфтор мунча яхши.

Гул барра румий кўйлак беҳад яраштн сизга,
Ҳам шоҳий тўнда гул-гул зангор мунча яхши.

Жамъи либос зебо кўрунди бир-биридин,
Бош устида кумушлик туммор мунча яхши.

Ошиқ йироққа тушса кўнгли мушавваш ўлғой,
Ҳар кун кўруб турорга дийдор мунча яхши.

Эй нозанин паризод, бир йўл табассум айла,
Фурқат санга бўлубдур хуштор, мунча яхши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Элга келди то баҳор айёми гар бўстон иси,
Ёр кўйидин келур менга гули ризвон иси.

Гул исин истаб ҳамиша бормоғум, аҳбоблар,
Еткурур ҳар дам машомимға сабо жонон иси.

Ул санам қайда юз очиб хат намоён айласа,
То қиёмат келгай ул ердин гулу райҳон иси.

Гул хазон этмоққа келса боғ аро боди самум,
Булбули дил хастаға андин келур ҳижрон иси.

Ул ситамгар дарди ишқи бағрим эзди ончаким,
Йиғларимдин ер юзини тутди охир қон иси.

Кимга берса моҳрўйим муждасин ҳижрон туни,
Сонурам андоқки, ул берди ўликка жон иси.

Ғуссадин қон ютмайин найлай, жаҳон гулзоридин,
Топмасам шўрида Фурқат, бир гули хандон иси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Келса кулбамга ўшал бераҳм зор ўлтургуси,
Келмаса, келгунча, дарди интизор ўлтургуси.

Давлати дийдор гар гоҳе муяссар бўлмаса,
Меҳнату жавру жафойи рўзгор ўлтургуси.

Эйки, дерсан: ўлғосен кўйида охир, эй рафиқ!
Розимен, биллаҳ, агар билсамки, ёр ўлтургуси.

Ўзни ўлтурсам, агар мен бирла ўлтурмас даме,
Доимо ағёр ила, келсам, нигор ўлтургуси.

Бўлди корим бори ғам остида жон урмоқ мудом,
Ваҳки, ҳар кун меҳнату бу кору бор ўлтургуси.

Мастмен бу кеча, соқий, лутф ила ўлтур мени,
Варна қўйсанг тонглага ранжи хумор ўлтургуси.

Бир кеча борғум деюб, ҳар кечалар тонг отқуча,
Фурқатийни айлабон уммидвор ўлтургуси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўлдум соғиниб, эй кўзи хуммор, кесанг-чи,
Бир лутфу карам айлаюб, эй ёр, кесанг-чи.

Жавру ситаминг токай эрур жонима келмай,
Эй золиму бераҳму жафокор, кесанг-чи.

Точанд бўлай мунтазир, эй ёр, йўлингда,
Оқарди боқиб дийдаи хунбор, кесанг-чи.

Шаҳло кўзингни ёдида бемор бўлубман,
Сўрмоққа мани ҳолими бир бор кесанг-чи.

Васлингга етиб, бир дили хушнуд бўлолмай,
Фурқатни эрур сийнаси афгор, кесанг-чи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишқ оташи қачонким, ман бемажола душти,
Савдойи дарди ҳижрон бошимға сола душти.

Авроқи дилда, жоно, жон орасинда эрди,
Қаддинг алиф мисоли ёзилди вола душти.

Дилдўз тийри мижгон отганда ё қошингдин,
Ёзди бағирни, аммо жонга қадола душти.

Лозим билиб ўзина ўлмоқни поймолинг,
Кирдинг чаманга, гуллар ерга уёла душти.

Хизр ичмай оби ҳайвон тарк этти орзусин,
Кўзи қачон хатинг-ла оби зулола душти.

Устоди ишқ ёзди ҳар дилрабоға сархат,
Иншойи нуктадонлиқ сан хушмақола душти.

Ногаҳ саманди нозинг жавлон веруб ҳамиша,
Фурқат кўзини андин гард иктиҳола душти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Анбар хатинг на танҳо шавқи хаёла душти,
Дашти Хўтанда балким мушкин ғизола душти.

Эттим фидо дилу жон, асраб туролмадим ҳеч,
Кўз хонақаҳда ул кун рухсори ола душти.

Даврон элина қисмат қилғонда бодаи васл,
Бан толиъи забунға холи пиёла душти.

Лол андалибу қумри қадду юзингни кўргач,
Сарве ҳижолат ичра, гул инфиола душти.

Халқеки хурдадондур, оғзу белинг нишонин,
Бир нуктасин тополмай кўб қилу қола душти.

Этди қадим хамида золим фалакни жаври,
Боис ўшал юз узра фикрим ҳилола душти.

Номам етурса қосид, ул лаҳза ҳазратингдин,
Бемори ҳажри Фурқат, кел, назъи ҳола душти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юз очиб, қилсанг агар сайри гулистон, айланай,
Ўзни пойандоз этар гул бирла райҳон, айланай.

Лутфу эҳсон айлагил, йўқлаб дуогў қулларинг,
Ҳусн иқлимида сен давлатли султон, айланай.

Еткуруб васлингга эмди шодком этсанг нетар?
Ўртади жону дилимни доғи ҳижрон, айланай.

Икки ҳиндудур кўзинг қилғонда ханжарбозлик,
Ҳеч бири топмас омон, гар бўлса минг жон, айланай.

Тун ичида кулбама юзлансанг, эй гул, бениқоб,
Бўлмагайму музмаҳил ул моҳи тобон, айланай.

Сунбулингни тор-торидин сабо илки саҳар,
Кўнглум аврокини кўб қилди паришон, айланай.

Ҳасрати лаълинг қилибдур ғунчадек бағримни қон,
Йиғламоқдин бўлди кўз монанди уммон, айланай.

Кўзларимни мақдаминг тупроғидин тўлдирмадинг,
Фурқатинг кўнглида қолди мунча армон, айланай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сен каби, эй шўх, бир жон офати жонон қани?
Ишвада ошуби даҳру фитнаи даврон қани?

Истасам оғзинг каби бир ғунчами гулшанда бор?
Кўзларингдек наргису хаттинг каби райҳон қани?

Жўши ҳуснингдек назоратлик эрур қайси чаман,
Қоматингдин сарв бўлган гулшани имкон қани?

Белу оғзинг ҳасратида бўлди маскан тангу тор,
Тургали бу ерда менга сабр ила сомон қани?

Деб эдинг: ўлганда ҳам руҳингга айларман вафо,
Войким, бузданг тирикликда, ўшал паймон қани?

Сўргали ғамдийда ҳолим нотавон кўнглум учун,
Байт ул-эҳзонимга бир кун бўлганинг меҳмон қани?

Рўзгори тийра ҳам телба сочинг савдосидин,
Фурқатий ошуфтадек бир умр саргардон қани?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оҳким, раҳм айламас ҳолимга жононим мени,
Куйди бу ҳасрат ўтида куймаган жоним мени.

Йиғламайму гўшаи зулмат аро тонг отқуча,
Сўрмаса бир тун келиб шамъи шабистоним мени.

Бошима савдо тушиб, ошуфта ҳол ўлмай нетай,
Жилвагар бўлса ўшал кокул паришоним мени.

Орази гул, сунбул, кўйлаги барги суман,
Хилъати раъно, бўйи зебо гулистоним мени.

Гарчи ўлдим ишқида, бир зарра парво айламас,
Ул тағофулпеша, истиғночи ҳоқоним мени.

Эй мусулмонлар, икки кофир кўзи бедодидин,
Қолмади жону кўнгулда сабру сомоним мени.

Қувлоғондин кўйида ўлтурғой эрди, кошки –
Остониға тўкилса бир қошиқ қоним мени.

Дардима бечоралиғдин чорае қилмасмуди,
Бўлса эрди Тошкандда бир қадрдоним мени?

Фурқат, ул маҳваш фироқида етар гардун сари,
Кечадин то субҳ чеккан оҳу афғоним мени.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ошиқа чўх айладинг зулм ила бедод, айланай,
Жавр этарга олдинг ўхшар хатти иршод, айланай.

Бора-бора бемурувватликлар айлаб ошкор,
Бир йўли бердинг вафо расмини барбод, айланай.

Сендин ўргансун бугун Лайли-ю Ширин нозни,
Ишқни мендин яна Мажнун Фарҳод, айланай.

Донаи холинг сочиб, дом этти зулфинг торини,
Мурғи дилни туткали ул ҳусни сайёд айланай.

Бир қўлида ҳанжару бир қўлда тийғи обдор,
Кўзларинг қатлим учун монанди жаллод, айланай.

Бу камолу, бу малоҳат ғайр имдоди эмас,
Ғозага муҳтож эмас ҳусни худодод, айланай.

Гул юзингдин, ғунча оғзингдин чаманда мунфаил,
Қоматинг шармандаси сарв ила шамшод, айланай.

Ҳар кеча базмингда айру ташқарида чун зубоб,
Қилмишам тонг откуча афғону фарёд, айланай.

Умрлардур етмайин васлингга, Фурқат, қон ютиб,
Ҳасратингда бўлмишам, мағмуми иошод, айланай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мусаффо оразингдин меҳр, эй дилбар, сафо топди,
Тулуъ этти жаҳон андин, кейин бўйла зиё топди.

Юрар эрда Хўтан даштида мушкин зор ҳолингни,
Кўруб тоқат қилолмасдин кийик нофиға жо топди.

Риёзи васлатингми умр айлабдур сўроғингни,
На мен топдим, ва на булбул, ва на боди сабо топди.

Эдуб ташбиҳ ғамзанг, қаддингга қумри сановбарни,
Душуб ғул бўйнина бу беадаблиғдин жазо топди.

Жамолу хатингга қилсам назора қилма айбимким,
Масалдур ҳусни хўбу, хатти хушдин кўз жило топди.

Ўшал кунким, пиёда юз очиб сайри чаман қилдинг,
На толеъ, пой бўсинг давлатин анда хино топди.

Зиҳи саҳройи ишқингким, чиқиб минг шавқ ила лола,
Шаҳиди тиғ ғамзангдин, чу бир қонлиғ қабо топди.

Нигоро, ҳарфи исминг ҳар хату узра айлагач туғро,
Қулинг Фурқатни шеъри озгина нашъу намо топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнгулдин олди оромимни боққоч бир дилороми,
Жафожў, тундхў, бебок масти, шўхи худкоми.

Юзу зулфиға этса бир назора кофиру муслим,
Саломат қолмағай ҳар иккисининг куфру исломи.

Сабо кош эрди сўз келтурса менга ул шаккар лабдин,
Олурдим коми ширин гарчи бўлса талх пайғоми.

Кимеки орзуйи зулфу хаёли бирла ўтмайдур,
Паришонлиқда ўтсун, ё раб, онинг субҳ ила шоми.

Тағофул бирла истиғно қилиб ўлтурди, бу етмай,
Кўнгулни синдурур доғи рақиб олдида дашноми.

Ғаму андуҳдин кўб элға май бирла амон бердинг,
Кел, эй қошу кўзингдин менга ҳам лутф айла бир жоми.

Висоли рўзи ўлса ул паривашни ажаб йўқким,
Кими то субҳ ҳақға нола қилса Фурқат оқшоми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир-икки созандалар бул кеча илҳон айлади,
Ончунон, соз айладиким, дилни вайрон айлади.

Кошғарлик Эмин охунд дўсти Арслонхон билан,
Лаҳни Довудий билан дийдамни гирён айлади.

Ул бири чолуб рубоб-у, бул бири олуб дутор,
Осмонда Муштарию Зуҳра рақсон айлади.

Нағмаси таъсиридин шўриш тушуб афлок аро,
То саҳар айлаб наволар, шўру афғон айлади.

Жумлаи хушхону мутриб, базм аро созандалар,
Бўлдилар беҳуш-у масту маҳву ҳайрон айлади.

Офарин шундоғ муғаннийларгаким, таъсиридин,
Хастадил ушшоқлар дардига дармон айлади.

Завқу ошубу масаррат ончунон юзландиким,
Базмни чун жаннат айлаб, боғи ризвон айлади.

Кўрган одамларни қолмай заррае кўнглида ғам,
Базм аҳлин жазм айлаб, шоду хандон айлади.

Кўрмаганларни таассуф бирла ҳасратда қўюб,
Оташи ҳасрат билан юзини сўзон айлади.

Айлади Фурқатсифат созандаларни, шул сабаб
«Назм айланг!» деб, анга маҳбуби фармон айлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёна бир келғум дебон чўх интизор эттинг мени,
Кокулунг янглиғ паришон рўзгор эттинг мени.

Кўрсатиб раъно юзинг олдинг қарору сабрими,
Оқибат кўздин солиб беихтиёр эттинг мени.

Бевафолиғ расмини, эй шўх, бунёд айладинг,
Ул рақибим олдида кўб шармсор эттинг мени.

Ним нигоҳе айлабон қилдинг ғуборимни баланд,
Кўчаларда йиғлатиб Мажнуншиор эттинг мени.

Эй пари пайкар, менга жавру жафому қилмадинг?
Кулфату дарду балоларга дучор эттинг мени.

Водийи фурқатда қолдим бесару сомон бўлуб,
Кўчаи ҳайратга солиб дилфигор эттинг мени.

Ташналаб қолгач талаб даштида, Фурқат, зорман,
Ҳаддин оша, войким, ранжи хумор эттинг мени.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Гул бара кўйлакка кийдинг камзиҳури қирмизи,
Иккисин зеболиғи ўтлара ёндирди бизи.

Васл аро ҳолимни сўрсанг, шул эрур мақсуди дил,
Деб эдим: жон топширай гар текса бошимға тизи.

Сен каби шаҳға на ҳаддим борки, бўлмоғ рўбарў,
Қулларингга арзи ҳол айтай агар келса кези.

Мунтазирликдин оқарди, бўлди нобино кўзум,
Равшан этсун, айланай, лутф эт, аёғингнинг изи.

Зор кўнгулдин жамолингни хаёли кетмасун,
Зиндалик менга маҳол ўлғай вагарна онсизи.

Шеваи нозу тағофул бирла Фурқат ўтиға,
Куйдуруб, хокистарим совурдинг эй қози қизи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қилмағайдим сенга ул кун ошнолик кошки,
Ёна кўнглум қилмоғойди мубталолик кошки.

Ошиқ ўлдум билмайин мен дилфигори нотавон,
Бори билдим қилмасайдинг бевафолик кошки.

Бевафолик айлабон охир жудолиқ айладинг,
Сен жудо бўлғунча қилса жон жудолиқ кошки.

Кетти қўлдин домани васлинг нега қон йиғламай?
Тушмагайди бошга бул мотамсаролик кошки.

Ўлтуруб мен зорни, ул шум рақибни тиргузур,
Қилмаса лаълинг бу янглиғ жон физолик кошки.

Сочларинг савдосидин кўб рўзгорим тийрадур,
Тегса эрди ой юзингдин рўшнолик кошки.

Қолди Фурқат фурқатинг даштида саргардон бўлуб,
Хизри васлинг қилса эрди раҳнамолик кошки.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Малоҳат гулшанини оразинг гул барги сероби,
Оқар шавқингда булбулдек кўзимни ашки хуноби.

Висолинг соҳилиға раҳм этиб тезроқ етургилким,
Ҳалок айлар яқин дарёйи ҳижронингни гирдоби.

Мени масжидга таклиф айлама тоат учун, зоҳид,
Бош индурмам кириб, то бўлмаса қошини меҳроби.

Хаёла келтурурға қадди мавзунингни, эй, дилбар,
Ҳамиша изтироб айлар кўнгул андоғки, симоби.

Кўтармай сарв бошин, ғунчаи гулким ҳаё айлаб,
Тутарлар, қомату оғзу юзингни поси одоби.

Мени айб этма кўргач зарра янглиғ изтироб этсам,
Қуёшқа боқғали бўлғайму ҳеч ким тоқату тоби.

Биравни тиғи ҳажридин кўнгулким захмнок эрди,
Тарашшуҳ айлади, Фурқат, кўзумдин энди зардоби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ақлими олди, ҳайратга солди бир турфа жонон,
султони хўбон,
Ул бир табассум, айлаб такаллум, чун моҳи тобон,
бўлди намоён.
Соқибе эрмиш, жонимға кирмиш, қонимни термиш
пайкони тийри.
Мадди нигоҳи, жавшан сиёҳи, икки сипоҳи
тан этти вайрон.
Монандаи гул, чун шоҳи сунбул, айлаб тазалзул
келди нигорим,
Очиб юзини, ташлаб ўзини, қошу кўзини
жавлон берибон;
Аҳволи зорим, сориғ узорим, лутф айла, ёрим,
айлаб тамошо;
Билдию сўрди, бу навъи кўрди, бир лаҳза турди
менга боқибон.
Нозу фироқи, васл иштиёқи, бир зарра боқий
қўймай вужудим –
Куйдурди жоним, ҳам хонумоним, ному нишоним
бир лаҳза, бир он.
Жонимда тоқат, на танда ҳолат, на дилда роҳат,
кўб нотавонман,
Йўқса нетармен, қаён кетармен, нечук этармен,
мажруҳу ҳайрон.
Айлай аёни, ғамни баёни, бир дам замони
тутқил қулоғинг,
Бағрим ситибон, таҳрир этибон, ўздин кетибон,
бўлмай паришон.
Насли парийдур, лаб шаккаридур, кабки даридур
ул жилва рафтор,
Ё ҳуру ғилмон, билмон, нечук жон, то'вуси бўстон,
сарви хиромон.
Айлаб яқо чок, маҳжуру ғамнок, Фурқат аламнок
қилиб надомат,
То бари доман, монанди савсан, чун жони бетан
мотамда қолғон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дейин сўз илмни хосиятидин,
Баён айлаб, анинг моҳиятидин.

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,
Ўзида ҳуши бор одам эшитсун!

Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,
Кўрунг ўтган замондин бу замонда.

Сикандарким жаҳонға шоҳ эрди,
Сипаҳ анжум, фалак хиргоҳ эрди.

Наким офоқ ародур баҳр ила бар,
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар.

Юруб барча ани ҳукми йўлиға,
Низоми мамлакат олди қўлиға.

Аниким, лашкари оламға тўлди,
Низоми забт ҳикмат бирла тўлди.

Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат,
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.

Алар ҳар қайси монанди Арасту,
Хирадда балки Афлотунға қаршу.

Алар ичра эди лекин Фалотун,
Жами илму ҳикмат бирла афзун.

Қилиб бир неча ҳикмат ошкоро,
Ажалга қилғудек бўлди мадоро.

Неча илму неча фан, андин ижод,
Ўлуб хосиятидин олам обод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сикандар амри бирла ҳикмат ойин,
Қилиб ойина андоғким жаҳонбин.

Жаҳонда хоҳ баҳру хоҳ бардур,
Ўшал ойина ичра жилвагардур.

Агар қилса жаҳонбинлиқ таманно,
Боқиб андин қилур эрди тамошо.

Кўрар эрди қилиб анга назора,
Вале йўқ эрди сўзлашмоққа чора.

Иложин аҳли ҳикмат қилмади ҳеч,
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.

Эрур шаҳларга лозим давлатидин,
Ўлур воқиф раият ҳолатидин.

Хабардор бўлса доим мамлакатдин,
Бериб нома, олиб сўз ҳар жиҳатдин.

Йироқ ерларга ёзмоқ бўлса мактуб,
Бориб келгунча ўтмишди замон кўп.

Қолиб шаҳлик иши таъхир андин,
Бўлур эрди басе дилгир андин.

Зиҳи даврони фархўнда нишони,
Замон ўлди ўрусия замони.

Тараққий қилди кундан-кунга давлат,
Бўлуб қонун ила расми ҳукумат.

Топарға илмни айлар жадаллар,
Топиб, айлаб анинг бирла амаллар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўлиб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,
Фатонат, аҳли донишманд ададсиз.

Улуму фанда Афлотундан афзал,
Камоли ақлу дониш бирла акмал.

Неча иш илм ила бунёд қилди,
Хусусан телегром ижод қилди.

Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар,
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар.

Агар мағрибда бўлса кимса сокин,
Ани билмоқ эрур бир кунда мумкин.

Низом ўлди сипоҳилик ишиға,
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишиға.

Хусусан нархиға аҳли тижорат,
Йироқ ердин берур анга башорат.

Масалким, Тошканддин олсалар мол,
Билиш лозимки, Масковда на минвол.

Юбориб ё бориб беҳуда топса,
Бу савдосида яъни суд топса:

Бўлурлар телегром ила хабардор,
Билурлар нафъ ёинки зарар бор.

Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин,
Бўлубдур илмни хосиятидин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сикандар давлатида аҳли Юнон,
Фалотун ҳам Арасту бирла Луқмон.

Фунуни телегроми билмадилар,
Магар илмини ҳосил қилмадилар.

Керак одамга қилғой илм ҳосил,
Жаҳондин ўтмагай то маҳзи жоҳил.

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилни муроди илм бирла.

Кўнгулларни сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,
Ўзимни жаҳл зиндониға солдим.

Тошканд шаҳридаги виставка хусусида

Учунчи кун яна қилдим тамошо,
Наким виставкада бордур саропо.

Бўлуб раҳбар менга ўз ихтиёрим,
Баногаҳ бир тараф тушди гузорим.

Бухоро халқини эркан макони,
Туруб қилдим назора бир замони.

Сипоҳийгарчилик асбобидин кўб,
Алардур бир-биридин дилға марғуб.

Дубулға бирла гурзию камарлар,
Совут чоройнаю яхши сипарлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиличлар барча ўткур исфаҳоний,
Ики дамлик пичоқлар ардавоний.

Ипаклик иш ҳам нафтию атлас,
Чунончи беқасаб, шоҳию адрас.

Яна духоба бирла тосу кимхоб,
Ҳама зардўзию заррину зартоб.

Жаноби олийнинг навкарларидин,
Келиб ҳам ўн адад аскарларидин.

Яна Урганч элидин беадад мол,
Келибдур абришимлик иш била шол.

Гилему чекману мўйин калоба,
Таги от-аслаҳа бирла ароба.

Олачабоф ила оҳангар усто,
Турубдур ишлашиб анда ҳамоно.

Кўринди бир тарафда теваю от,
Баси қилмоққа арзийди мубоҳот.

Турубдур бир ярим газ қадди тоти,
Ани сўрсам, деди: қашқарнинг оти.

Юз эллик сўм баҳо қилмишлар онинг,
Деюрлар: боз, кам қўймиш баҳонинг.

Яна бир ерда кўб одам турарлар,
Арода катта майдон от кўрарлар.

Зовутда тарқаган Иванов оти,
Ҳама този нажод онларни зоти.

Ададни қилмадим, лекин шумора,
Ғунон эркан, бариси ранги қора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алардек яхши от камдур жаҳонда,
Бухоро, Хева бирла Туркмонда.

Яна мундин бўлак ҳам яхши кўб от,
Бўлак рангу, бўлак аслу, бўлак зот.

Чиқориб ўрта ерда кўрсатурлар,
Харидори агар бўлса сотурлар.

Яна кўрдим баҳойим жинси бисёр,
Ўлук баъзи, тирикдин баъзиси бор.

Тирикдин: тева, тоти, от ила хар,
Кийик бирла ҳўкиз ҳар қайси пар-пар.

Ўлуклардин палангу, хирсу тўнғуз,
Буғи боши бутоғлиқ анда мунгуз.

Яна тулку, бўлак неча баҳойим –
Вужудидур тирик ҳайъатда қойим.

Бу янглиғ кўб экан даррандалардин,
Ўлук, баъзи тирик паррандалардин.

Товуқ, кабку ҳулар, ҳам ғоз, ўрдак,
Тазарву турна, лайлак бирла чуррак.

Яна тўтию қумрилар қафасда,
Турубдур овчи қушлар ҳам чакасда.

Чунончи баҳри лочин барча солгу,
Неча туйғуну бургут ҳам итолгу.

Қулоғи бир қаришлик този итлар,
Эрур воқиф анга овчи йигитлар.

Яна бир неча този бўйни боғлиқ,
Юрушда барчаси оҳу аёғлиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шикор асбоби алқисса, мукаммал,
Баёнин қилмадим, лекин муфассал.

Эрур оқилға бу мужмал кифоя,
Сухан тафсили варна бениҳоя.

Забони хомани сўз қилса тақрир,
Газетда айларам минбаъд таҳрир.

Тошканд шаҳридаги виставка хусусида

Тамошойи учинчини баёни,
Қилур тақрир килкимни забони.

Ажойибларға кўп қилдук назора,
Йўқ эрди ҳеч бирисига шумора.

Ани юздин бирин кўз кўрмагандур,
Қулоқ ҳам отини эшитмагандур...

Чунончи олти милтиқлиқ жилов тўп,
Отилса тушгай оламға талотўп.

Бир от бирла бўлур эрмиш хироми,
Экан ул тўпни метролиза номи.

Чиқармиш бир минутда тўрт юз ўқ,
Деди бир тўра: «Балким андин ортуқ».

Анга ўхшаш яна бир тўп дигар,
Вале мошинаси ғайри мукаррар.

Эрур ўн милалик айланса ҳар бор,
Баробар чиққуси ўн ўқ баякбор.

Чиқармиш бир минутда олти юз ўқ,
Хатоси бўлмаса мундин ками йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтуб андин бир айвон сори юрдим,
Бориб ул ерда бир милтиқча кўрдим.

Қалам янглиғ эрур қадди саросар,
Яна катта-кичикликда баробар.

Келур тахминан ўттиз-қирқ мисқол,
Кўруб кўз бўлди ҳайрону хирад лол.

Баҳосин айламиш хат бирла маълум,
Ким олмоқ бўлса олсун тўрт юз сўм.

Ўрусидур бу санъат хоҳ фаранги,
Учар нозикшунос одамни ҳанги.

Бу янглиғ кўп тағи нодир ҳунарлар,
Баҳосиға етишмас симу зарлар.

Чунончи икки фонус, аҳли ҳикмат,
Ясабдурлар қилиб изҳор санъат.

Ёнар бефилта, бегугурт, беёғ,
Анга бир сим ишорат айлаган чоғ.

Йўқ аммо лампа янглиғ анда соя,
Шуои боғ аро айлар кифоя.

Эмасдур шамъ, ранги шуъласи оқ,
Латофатда яна андин маҳинроқ.

Тамошо айлаган они халойиқ,
Дедилар: ҳар на ўз ақлиға лойиқ.

Дедилар баъзиким: «Бир мисға дору
Сурубдур, ул ёнар бўлса қаронғу».

Дедилар баъзиким: «Пулскадин тос,
Анга банд айламиш бир дона олмос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўшал олмос шом ўлганда бирдан,
Бериб шуъла қилур кўб ерни равшан».

Мани фаҳмимда, барқи телегром ул,
Ёнар дору билан бўлганда шом ул.

Нечунким сим боғлаб бир-бириға,
Тутун қўймишлар онинг ҳар ериға.

Ишорат айласа симни учидин,
Келур барқ анда дорунинг кучидин.

Кўруб санъат бу янглиғ ҳайратойин,
Қўлин тишлаб халойиқ қилди таҳсин.

Ажаб санъатки, бу дунёда камдур,
Вужуди келса ҳам ижода камдур.

Қаёнда жамъ бўлса тўрт одам,
Ваё икки киши бир ерда боҳам.

Туруб виставка сўзин сўзлашурлар,
Яна кўрмакни бориб кўзлашурлар.

Деюрларким: «Ажойиб бир тамошо,
Зерикмас кимса кўрган бирла асло».

Ажойибдин на шайким тоғ аро бор,
Аларнинг бориси бу боғ аро бор.

Анинг минбаъди тафсилин ҳикоят
Қилурман гар худо қилса иноят...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Виставка хусусида

Мингу саккиз юзу тўқсон эди йил,
Иккинчи сентябрь ойи яна бил.

Кириб виставкани қилдик тамошо,
Ҳама ашё экан анда муҳайё.

Ажаб боғики, руҳафзо ҳавоси,
Эрам рашки насими жон физоси.

Оқиб ҳар соридин оби равонлар,
Эди андоғким ул жисм ичра жонлар.

Муаттар боғ саҳни очилиб гул,
Тамошобинлар эрди анда булбул.

Иморатлар ҳама зебою олий,
Десам бўлғай жаҳонда йўқ мисоли.

Мунингдек хуш ҳаво, хуш тарҳ боғи,
Кими кўрмас қолур кўксида доғи.

Қаю шаҳридаким бўлса ҳунарманд,
Ҳама келди, йироқ эрди агарчанд.

Жаҳонда кўрмаган асбоблардин,
Ажойиб нодиру ноёблардин.

Самарқанду Бухородин матои,
Кетурдилар ҳама ўз ихтирои.

Ҳама ўз ихтиёри бирла келди,
Бу ерда нафъ кўрмоғини билди.

Бу нафъиким бўлур кўп ерга машҳур,
Некўлиғ васф ила ҳар тилда мазкур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Газетлар ичра бўлғач номи марқум,
Улуғлар ичра бўлғай боз маълум.

Ҳунарким, васфи бўлса ҳар забонда,
Қилур кўп қадрлар пайдо жаҳонда.

Ҳунарварға етар кўп нафъ андин,
Бўлур сўнгра мақоми рафъ андин.

Келиб анда ҳунар комил қилурлар,
Кўруб кўб илмни ҳосил қилурлар.

Нечунким, мунда мустаҳсан ҳунар кўб,
Ҳунар ойинида диққат асар кўб.

Кимиким бўлса донишманду оқил,
Ўла илму ҳунарға кўнгли мойил.

Қилур кўп илмни ҳосил, кўрубон,
Кириб оҳиста-оҳиста юрубон.

Ипак мошинаси бирла тегирмон,
Кўр, анда айлади оламни ҳайрон.

Яна мошинаи оташ ароба,
Турур ҳикмат тилисмоти масоба.

Ўн ики оғзи бир мошиналик тўп,
Ажойиб тўп яна андин бўлак кўб.

Ажаб буким, яна бир занг кўрдук,
Бир одамдин анинг вазнини сўрдук.

Деди: «Пут беш юз олтмиш бирдур они,
Зиёд ўн беш қадоқ вазни гарони.

Садоси неча чақирим ерға кетгай,
Йироқ андин кишилар ҳам эшитгай».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна нажжор ишин осон қилурға,
Бўлуб мошиналар тахта тилурға.

Бир одамдин бўлак одам керакмас,
Қилурға арра, уста ҳам керакмас.

Тилур кўб тахталарни соат ўтмай,
Нечук соат, дейинким, фурсат ўтмай.

Мусулмон айлаган мошиналар ҳам,
Бор эрди гарчи кўп йўқдир, агар кам.

Чиқиб дегрезлар асбоби бирла,
Қуюб чўян қозонлар тоби бирла.

Эл ичра ўзларин манзур қилди,
Баҳар ҳоли ҳунар машҳур қилди.

Яна мундин бўлак соҳиб ҳунарлар,
Тариқи илму фандин бохабарлар.

Келиб виставка ичра бўлдилар жамъ,
Бўлуб ҳар қайси гўё жамъ аро шамъ.

Қилубон ихтирои шайлар, аммо,
Шабиҳи йўқ эди бир-бирға асло.

Кўруб Русиялар аҳсан дедилар,
Мусулмондин ажаб бир фан дедилар.

Гимназия

Қилиб таклиф бир зоти киромий,
Кириб гимназия кўрдук тамомий.[14]

Дема, гимназияким, бир гулистон,
Эрур ҳар ёна гулчинлар хироми.

---

[14] Бу шеър қасида шаклида ёзилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳон илми гулининг накҳатидин,
Муаттар анда ўғлонлар машоми.

Ки таҳсили улуму фан қилурға
Кўп ўлса: шод саъю эҳтимоми.

Биринчи дарсхона илми юнон,
Икинчида ўқур лотин каломи.

Учинчи Русия қонун илми,
Ўқурлар ихтитому эътисоми.

Олиб тўртинчида таълими немис,
Ўқур бир жамъият анда мудоми.

Яна ўхшаш анча кўп дарсхона,
Фаромуш ўлди кўнглумдан асоми.

Маҳалким ўлур ўн икки соат,
Расад-ла тўп отиб, кунни қиёми.

Чиқарлар барча ўғлонлар ошарға,
Эрур тайёр ўшал ерда таоми.

Мударрислар ягона илму фанда,
Этар мансух Афлотунни номи.

Даҳойиқ арсасида барқ паймо,
Борисин тавсани фикри хироми.

Алар илмидин ижод ўлса тонг йўқ,
Сикандар кўзгуси, Жамшиди жоми.

Кириб алқисса, ҳикматхона ичра,
Ҳама илмини кўрдук телегроми.

Биллури софдин бир чарх кўрдук,
Чиқар, айланса, мисдин барқфоми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тамошодин хирад кўзи қамошур,
Ҳама ашёйи ҳикмат издиҳоми.

Тилидин соири асбоби ҳикмат,
Эшитмоқ мумкин Афлотун паёми.

Қолиб ҳайратда қилдук офаринлар,
Бўлур мундоғ шаҳларни низоми.

Эсизким, бизни ўтмиш хону беклар,
Кечиб ишратда зойиъ субҳу шоми.

Кетурмай ёнига бир аҳли дониш,
Ўзига хос этиб неча авоми.

Чу илму фазл элини тутмадилар,
Қилибон тарбиятда эҳтироми.

Халал етгач қачон давлатларига,
Қилур торож молин ўз ғуломи.

Чу илм аҳлиға парво қилса эрди,
Бўлур эрмасмуди давлатга ҳомий.

Далили равшан ушбудурки, дермиз
Ҳукумат қушга ўхшар, илм -доми.

Бас эмди, ўлмасун воқеъ малолат,
Агар кўпдур, қилай сўз ихтитоми.

Ўлуб гулчини ибрат, Фурқатийнинг,
Бу гулшан сайрида шод ўлди коми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Акт мажлиси хусусида

Рақам бу сафҳаға қилган нигориш,
Каломини қилур буйла гузориш.

Суруб гимназия васфида хома,
Халойиққа ёзар бир тарз нома.

Бўлуб вақтики, акт мажлиси соз,
Қилурға имтиҳон расмини оғоз.

Ўшал гимназиянинг катта золи,
Музайян бўлди бир гулшан мисоли.

Гиёҳи сабз ила зийнат берибон,
Яна ҳар гўшаға гуллар терибон.

Қўюб ул саҳн аро сандал ададсиз,
Ададлиғ бўлса ҳам бор эрди ҳадсиз.

Гиёҳи аксидин сарпўш сандал,
Эди гўё зумуррад ранги бахмал.

Қилиб атр ила хушбўй болаларму,
Гулоб эрдиму, ёким бўйи гулму?

Ҳама шогирд болаларнинг отоси,
Келиб ул ерға ҳам мушфиқ оноси.

Яна меҳмонлар эркак бирла хотун,
Ҳама донишда андоғким Фалотун.

Улуғлар бор эрди ҳам анда ҳар хил,
Баёнга бўлмади фурсат батафсил.

Алар сандалда ўлтурди батадриж,
Бўлуб сомиъ, такаллум айламай ҳеч.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қилиб шогирдлар бир ерда тамкин,
Фалак саҳнида гўё иқди Парвин.

Мударрислар тавозуълар қилибон,
Ҳама давр олиб ўлтурди келибон.

Кетурди бир мударрис чун мақола,
Ўзи тасниф қилғон бир рисола.

Ки ҳар тилда таворих номалардин,
Олиб сўз воқеъий ҳангомалардин.

Ҳикоя қайси тилдаким деди ул,
Сикандарни хусусида эди ул.

Сикандарким, бу Туркистонға келди,
Нечук келди, қаён борди, на қилди?

Тугатгач бу мударрис ўз китобин,
Иккинчи бошлади илми ҳисобин.

Қаю шогирд саъй айлаб фаровон,
Ўқуғон бўлса, бўлди анга эҳсон.

Бериб яъни анга таърифнома,
Сурулган офарин ҳарфида хома.

Шаҳодатнома ўн тўққузга онинг,
Бу деб хатмонада олган нишонинг.

Ики бўлғон учун бор шуд мулло,
Ёзилди номиға медоли тилло.

Чолинди анда ҳар хил музиконлар,
Топиб андин ғизо руҳи равонлар.

Кўнгуллар савти бирла бўлди хуррам,
Фараҳлар етти чун айёми байрам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алар эрди агарчандики бола,
Буюк манзилға илм этти ҳавола.

Ўшал мажлис аро ёшу қаридин,
Чиқиб овози аҳсан ҳар саридин.

Мусулмон халқимиздан толибул-илм,
Бор эрда неча анда соҳиби ҳилм.

Туруб бир ерда қилдилар тамошо,
Демай таҳсиндин ўзга сўзни асло.

Бу услуб ила қонун турфа ишдур,
Тариқи илм аро зебо равишдур.

Зиҳи расму зиҳи ойини қонун,
Бўлур толибни саъйи андин афзун.

Бу сўзларни демоқдин шул муродим,
Кўп ўлди илм ўқурға эътиқодим.

Эмиш ҳар элға қадри илм боло,
Ўла олим мақоми баски аъло.

Кишиким илму фандин бохабардур,
Халойиққа бақадру мўътабардур.

Тирикликда кишики қилса ҳар кор,
Ани осонлиғина илм даркор.

Жаҳон равшан зиёйи илмдандур,
Кўнгул софи сафойи илмдандур.

Чироғ ўлса агар ҳар ким қўлида,
Хатар бўлмас қаронғуда йўлида.

Илоҳи, равшан этгил Фурқатийға,
Чироғи илм кўнглин зулматиға.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида

Хирад гўшин қилинг, аҳбоблар, боз,
Қилур килким найи бир нағма оғоз.

Етуруб бир паёми нағма сизга,
Баён айлай мақоми нағма сизга.

На ерда нағмалик бўлса тамошо,
Қилур манзума бирла они иншо.

Тамошоларки, аввал неча ёздим,
Газет бирла ани сизга чиқоздим.

Хусус, икки тамошо: аввал, охир,
Бири нағма, бири эрди театр.

Яна неча тамошоларни этдим,
Ажойиб нағмаларни кўб эшитдим.

Экандур нағмаи Русия дигар,
Ани асбоби ҳам ғайри мукаррар.

Муғанний айласа гар нағма оғоз,
Чиқар ҳар қайсидин бир бошқа овоз.

Эшитмоққа ҳама хомуш ўлурлар,
Баси лаззат топиб беҳуш ўлурлар.

Мусулмон ичра лекин нағма кўп бор,
Чунончи ғижжаку танбуру сетор.

Дутору арғанун, қонун ила руд,
Рубобу доира, чангу найу уд.

Вагарна кўб эрур нағма мақоми,
Эрур матлаъда мазкур они номи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

На суд, аммоки йўқ устоди комил,
Эмас таълими ҳам онинг таомил.

Агар бўлса расо нағма камоли,
Учар қушлар тушар бор эҳтимоли.

Насим оҳиста тўхтаб гўш тутқай,
Чаман сайрини билкулли унутқай.

Эшитса боғ аро қумри-ю булбул,
Иков кўнглиға тушкай шўру ғулғул.

Мисоли булдур андоғ нағмаларни,
Кумушлик сувларидек чашмаларни.

Тагини майда тош тутганга ўхшар,
Ўшал тошдин секин ўтганга ўхшар.

Ва ё дарёни бир мавжи латифи,
Ҳаво бирла бўлур чунким радифи.

Ўшал дарёни мавжидур табассум,
Қатиқ кулгуси қилғонда талотум.

Анингдек нағмалар ҳам жўш айлар,
Табассумдек гаҳи хомуш айлар.

Муғанний нағма бирлан қилу қолин,
Хусусан билдирур ҳар навъи ҳолин.

Бирор одам агар ғамбода бўлса,
Ва ё ғам қайдидин озода бўлса.

Ва ё бўлса ўшал кулфат кашида,
Тирикликдин сами меҳнат чашида.

Ва ё бад толиъидин бўлса ғамнок,
Ва ё иқболи пастидин аламнок.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва ё бўлса дилида шўри мотам,
Бўлуб ул шўр ила ранжури мотам.

Ва ёким бўлса анда шодмонлиқ,
Фалак даврида топиб комронлиқ.

Ва ё бир дилрабоға ошиқ ўлса,
Анга на сўз дегони лойиқ ўлса.

Ўшал аҳволни айлаб баён ул,
Қилур мажлисдагиларға аён ул.

Дилида ҳарна сўз ўлса ниҳоний,
Дегай нағма забони бирла они.

Эшитганлар ани ҳолин билурлар,
Бағоят нашъалар ҳосил қилурлар.

Ўзимга тушди бир кун ушбу аҳвол,
Бор эркан нағма, онинг оти раёл.

Эшиттим, бир қиз анда бахри ҳожот,
Қилур нағма тили бирла муножот.

Ҳазин овоз ила йиғлаб Худоға:
«Карам қил», дер, мени бағри адоға.

Мақомини қилур ҳар навъ бунёд,
Гаҳи қаттиқ фиғон, гаҳ нарми фарёд.

Гаҳи найдек чекар оҳиста нола,
Кетурур гоҳ наво машқин хаёла.

Менга ул нағма андоқ қилди таъсир,
Жигардин ўтти гўё тез пар тийр.

Ўшал дам бўлди ҳолотим дигар гун,
Тўлуб-тошти юрак монанди Жайҳун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнгул эрди агарчи санги хора,
Эриб кўздин сиришк урди фавора.

Менга муставли ўлди гиря ул дам,
Гирибон ўлди кўз ёшим била нам.

Мен анда билдим ул кўнгулни ҳолин,
Ғаму шодию уммиду маолин.

Тилар кўнглум, тағи ул ерга етсам,
Ўшал қизнинг муножотин эшитсам.

Етиб ул нағмадин жонимға роҳат,
Замони ўлтуруб топсам фароғат.

Ки, онинг нағмаси жисмимда жондек,
Юрур таъсири ҳам раг ичра қондек.

Бас эмди, Фурқатий, нағма баёни,
Ажал берса агар хатти амони.

Юқорида деган икки тамошо,
Газетда айлайин минбаъд иншо.

Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида

Ёзай нуктае шоир аҳволидин,
Баён айлабон қийл ила қолидин.

На хуш кўрса оламда таъриф этар,
Ани яхши сўз бирла тавсиф этар.

Агар бўлса ҳар ерда бир яхши жой,
Музайян иморат ва ёким сарой.

Ва ё ўлса бир боғи олий мақом,
Киши бўлса хурсанд анда мудом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва ё ўлса саҳройи доман васиъ,
Кўруб, бўлса ҳар кимнинг кўнгли рафиъ.

Ва ё фазл аҳлики, топган камол,
Ва ё одаме бўлса соҳибжамол.

Аларнинг хусусида шоир ҳамон
Демай яхши сўзни, нечук дер ёмон.

Чунончи, саёҳатда Саъдий юруб,
Китобиға ёзди кўп ишлар кўруб.

Сафар айлади неча йил даҳр аро,
Қилиб неча кун сайр ҳар шаҳр аро.

Ўшал шаҳарларда тамошо қилиб,
Туруб неча кун анда маъво қилиб.

Кўруб ҳар нечук мардум ойинини,
Алар расму қонун ила динини.

Таажжуб қилиб ёзди гаҳ наср ила,
Гаҳи назми тулу, гаҳи қаср ила.

Кими кўрмаган ишга қилса ажаб,
Бировдин ажабдур анга бесабаб.

Чунончи биз эллар мусулмон эли,
Хусусан, бир оз халқи Фарғон эли.

Бориб Русия шаҳрида турмаган,
Алар расму тартибини кўрмаган.

Кўруб қолса ногоҳ имкон ўлуб,
Таажжуб қилур, ақли ҳайрон ўлуб.

Агар шоир одам тамошо қилур,
Таажжуб кўруб, назм иншо қилур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балоғат эрур шеър оройиши,
Агар бўлса бир нуқта кунжойиши.

Чунончи, мусулмония шоирлари,
Ки шеър илмиға яхши моҳирлари.

Эди Ҳофизу Саъдий, Фирдавсий ҳам,
Учов оти даҳр ичра бўлғон алам.

Дебон неча сўзларни ҳаддин баланд,
Сухандон кишиларга қилди писанд.

Балоғат чу бир жангу ҳангомада,
Будур деди Фирдавсий «Шаҳнома»да:

«Зи сумми стурон дарин паҳн дашт,
Замин шаш шуду осмон гашт ҳашт».

Балоғат била ушбу сўзларни дер,
Қачон осмон саккизу, олти ер?!

Ўшал байт бизларға марғуб эрур,
Латофатлар анда басе кўп эрур.

Ёзармиз, басе шод бўлса кўнгул,
Ва ё ғамга муътод бўлса кўнгул.

На ҳол ўлса анга мувофиқ қилиб,
Яна рамзу мазмунга лойиқ қилиб.

Баҳар ҳол сўз бўлса тақрир этиб,
Қилурмиз баён элга таҳрир этиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошканд шаҳрид бўлгон
нагма базми хусусида

Эй суханвар, нуктарас аҳбоблар,
Фазл баҳрида дури ноёблар!

Арсаи донишда чобук тозлар,
Илм ила фан бобида мумтозлар!

Эшитинг, афсонае тақрир этай,
Назмни силки билан таҳрир этай.

Йилға минг саккиз юзу тўқсон эди,
Июл ойининг бири бўлғон эди.

Русия шаҳрини сайр айлар эдим,
Лекин андишимни хайр айлар эдим.

Иттифоқо, ул куни топиб хабар,
Айладим ярманка сориға гузар.

Тушти бир олий иморатға нигоҳ,
Русия халқиға эркан базмгоҳ.

Билет олдим, анда ўлтурдим кириб,
Базм бунёд эттилар, кўрдим кириб.

Катта зал ичра ёқиб беҳад чироғ,
Тўрт тарафни айламишлар тархи боғ.

Яхши боқсам пардаи тасвир экан,
Парда узра нақшдин таъсир экан.

Кўп чироғдин уйни равшан қилдилар,
Чун чароғистони гулшан қилдилар.

Сандали тартиб ила барпо қилиб,
Яъни аъло авсату адно қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бор учун ул базм аро хосу авом,
Қилдилар махсус номерлик мақом.

Келдилар катта-кичик рус аҳлидин,
Немис ўлсун, ё франсуз аҳлидин...

Эркаку хотин яна кўп келдилар,
Сандалиларни нишиман қилдилар.

Жобажо ўлтурди келганлар ҳама,
Орзуйи базм қилганлар ҳама.

Бир бола, бир хотун аввал оз-оз,
Бўлдилар анда чиқибон нағмасоз.

Баъдазон қилди ашула бир киши,
Нағма эрди ёнида бир зан иши.

Сўнгра чиқди бир қуёш рухсори зан,
Эгнига кийган эди кўк пираҳан...

Талъати гўёки эрди муштарий,
Рашк этар кўрса жамолини пари.

Қўлда хат, қилди ашула ноз ила,
Ўртада танҳо, маҳин овоз ила.

Икки одам анга бўлди нағма соз,
Бири раёлу бири барбат навоз.

Нағмау овоз иков бир пардада,
Яъни савту соз иков бир пардада.

Завқ топти дил аларнинг созидин,
Шавқ топти жон мунинг овозидин.

Бўйла савту созда моҳир кўруб,
Қилди истиҳсон ҳам эл қарс уруб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Офарин овози тўлди золға,
Туштилар ҳам завқнок аҳволға.

Ёнди таъзим айлабон моҳи томом,
Гўйиё ўз буржиға қилди хиром.

Чиқди ёна халқни толиб кўруб,
Завқини овозиға ғолиб кўруб.

Хониши дилсўз бунёд айлади,
Шавқ ўтини дилға муздод айлади.

Парда сори ёнди таъзим айлабон,
Қарс уруб эл қолди таслим айлабон.

Сўнгра чиқди бир йигит бир зан билан,
Нағма қилди савти шавқ афкан билан.

Нағмау хонишни додин бердилар,
Бу иков ҳам парда ичра кирдилар.

Икки зан чиқди, бири чолди раёл,
Бириси айтиб ашула бемисол.

Турди барбатни чалиб бир бола ҳам,
Ҳар учов кеткизди дарду ранжу ғам.

Офаринға элни қойил қилдилар,
Баъд ароға парда ҳойил қилдилар.

Бўлди ўтгач лаҳзаи рафъи ҳижоб,
Ўрнидин турганлар ўлтурди шитоб.

Жамъи қизлар чиқди ўн бешдин зиёд,
Бир қари устода айлаб инқиёд.

Қилдилар хониш ҳама якбораси,
Сув бўлуб оқди жигарлар пораси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўл билан усто маҳорат кўргузуб,
Яъни хонишға ишорат кўргузуб...

Анда ул ноз офарин таннозлар
Тортишиб пасту баланд овозлар.

Чиқмай овози алар андозадин,
Айлади мафтун кўнгулни тозадин.

Онча мардумким тамошо айлади,
Борини овоз шайдо айлади.

Савт бирла ақлими лол этдилар,
Нағмадин кўнглумни беҳол этдилар.

Ҳеч ерда бўйла савт эшитмадим,
Хайриятким, анда ўздин кетмадим.

Нағмасин вофирлиғиға офарин,
Савтға моҳирлиғиға офарин.

Кирдилар ичкори ул қизлар тамом,
Базм ҳам ул дам тугалди, вассалом.

Соати ўн бирғача базм этдилар,
Сўнгра эл ўз уйиға азм этдилар.

Лек мендин кетмиш эрди ақлу ҳуш,
Лаҳза-лаҳза шавқ ўти айларди жўш.

Қайта кўрмоқ мумкин ўлсайди, дебон,
Музтариб дил сокин ўлсайди, дебон.

Алғараз ул кеча, эй, аҳбоблар,
Тонгғача ўчди кўзимдин хоблар.

Дилда бордур ҳоли ҳам бу орзу –
Ким, яна кўрмак қилурман жустижў.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Биродарлар, мани бошимға тушди бу нечук савдо?
Қарорим йўқ, қуюн янглиғ на манда манзилу маъво,
Биёбони таҳайюрда қолиб ман волаю танҳо,
На ёру ҳамдамим бордур, на қўлда ҳосили дунё,
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Ману девона кўнглум бир-бирига турфа мойилдур,
Ки, жон бўйнига тори зулфидин юз минг салосилдур,
Ажаб бебок, бераҳму ажаб хунрез қотилдур,
Тўкар қонин ибосиз ҳар киши ногаҳ муқобилдур,
Саманди ноза мингач илкида шамшири истиғно.

Ниқобин гўшасидин гул юзи андак намоёндур,
Тамошодин кўзим булбул каби сармасту нолондур,
На ҳусну, на латофатдур? Халойиқ барча ҳайрондур,
На мушкин кокул эрмиш? Турраси ҳар ён паришондур,
Муаттардур ҳамма гўё тутошиб анбари соро.

Жаҳона тушди шўриш кечалар чеккан фиғонимдин,
Ва лекин ул пари огаҳ эмас сўзи ниҳонимдин,
Мани ажзу ниёзим шул эрур ороми жонимдин:
Демаским: «Ҳеч нишон борму бу расвойи жаҳонимдин?»
Куюб кул бўлса ошиқ, айламас бир зарра ҳам парво.

Фалак бедодгар бошимға солди буйла савдони,
Бало янглиғ мусаллат айлади кўб шўру ғавғони,
Қаёндин ошно қилди менга ул шўхи раънони,
Ситамгар, пуржафо, ноошно бир моҳи анқони,
Солибдур зулмидин мискин кўнгулга ғорату яғмо.

Фалак бахти қаро, ҳасратда умрумни адо қилди,
Гирифтори фироқ айлаб, бу ғамга мубтало қилди,
Қилиб бедодгарликлар, нигоримдин жудо қилди,
Ул ой ҳажриға ташлаб, бўриларға ошно қилди,
Нечук ҳасрат, нечук кулфат мани бошимғадур барпо?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фалакдин шиква айлаб доду фарёд айласам камдур,
Юракка хуни ҳасрат тўлдию икки кўзим намдур,
Ки ман мундоғ уқубатда, рақибим шоду хуррамдур,
Рафиқим дард, ёрим меҳнату, андуҳ ҳамдамдур,
Киши йўқ сўрғудек, афтодаман: фарёду вовайло.

Фалак кажравлиғидин жому айшим ерга яксондур,
Ютуб хуноби ҳижрон таҳ-батаҳ бағрим тўла қондур,
Парилар зулфи янглиғ хотирим доим паришондур,
Кеча ул ой фироқида ишим фарёду афғондур,
На коҳиш тушмаган бўлса ғарибу хаста жонимғо.

Фалак, тоқинг бузулсун, кўб балоларга дучор эттинг,
Биров ишқида анжақ нотавону дилфигор эттинг,
Қулоқ солмай фиғонимға мани кўб бемадор эттинг,
На қилсанг қилғил эмди, ҳаддин оша интизор эттинг,
Турарга қолмади тоқат кўнгул ҳам волау шайдо.

Фалак, ҳасрат билан охир ойирдинг ул нигоримдин,
Кўнгул мулкини соҳиб давлату ул шаҳсуғ оримдин,
Кўзим оқи қаро бўлди, қаролаб интизоримдин,
Бу қайғудин агар ўлсам, унар лола мазоримдин,
Кўрарсиз, доғи ҳижрон бўлғуси ул лоладин пайдо.

Кўрар кун борму, ё раб, қайтадин ул моҳ талъатни,
Ани олдида йиғлаб бир-бир айтсам дарду ҳасратни,
Неча кун водийи ҳижронда чеккан ранжу меҳнатни,
Сўрарму ҳеч ким афтода бўлган зор Фурқатни,
Биров ишқида расволиғда ўлган борму деб мундо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дўстлар, айшу тараб, фасли баҳор истар кўнгул,
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,
Кабк рафторин кўрарға кўҳсор истар кўнгул,
Доғи хурсанд этгуси ҳар не ки бор истар кўнгул.

Гашт қилсанг аҳли дониш бир неча аҳбоб ила,
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,
Гул яқоси масканинг ўлса канори об ила,
Бодаи гулранг тортиб, ўлтуруб одоб ила,
Ғусса дардин айлабон дафъи хумор истар кўнгул.

Мутриби хуш лаҳжалар танбурини соз айласа,
Руҳпарвар байт ўқуб, хиргоҳи овоз айласа,
Гоҳи «Мискин» машқию, гоҳи «Чапандоз» айласа,
Етса анжомиға ул, ғайрини оғоз айласа,
Гоҳи қонун, гоҳи ғижжак, гаҳ дутор истар кўнгул.

Мунисинг бўлса ҳамиша бир вафогустар нигор,
Ўзга фан этган виқору айлаган тамкин шиор,
Бўлсанг онинг васли бирла комрону комкор,
Шавқинг ошиб, бўйниға қўл ташлабон беихтиёр,
Бўса лаълидин олиб, қилмоқ канор истар кўнгул.

Тортибон гаҳ ғабғабидин, гаҳ узоридин ўпуб,
Ислаб-ислаб гоҳи ул чашми хуморидин ўпуб,
Кўзни суртуб гоҳи хатти мушкборидин ўпуб,
Гаҳ гирибонин очиб, кўксида норидин ўпуб,
Бош қўюб, тизиға этмак жон нисор истар кўнгул.

Солмаса чархи фалак давронимиз ичра халал,
Айлабон боғи ҳаётимиз хазон боди ажал,
Кўргузуб юз жаҳд, айёми баҳор ўтмай жадал,
Сайр қилсак ҳар баҳор айёми саҳрою жабал,
Чун зиёрат этмак асҳоби кибор истар кўнгул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Неча кун маҳтоб тунларда олиб тарфи чаман,
Тонгғача гуллар аросида тузулса анжуман,
Ой каби қилса мунаввар боғ саҳнин настаран,
Ерға нақш ўлса саросар сояи барги суман,
Устиға қилмоқ хино бирла нигор истар кўнгул.

Гар фалак кажравлиғидин бахт ёвар бўлмаса,
Ҳамнишиним ҳар кеча бир моҳ пайкар бўлмаса,
Оразидин байт ул эҳзоним мунаввар бўлмаса,
Мунча қилғон орзулардин муяссар бўлмаса,
Фурқатий, узлат учун бир кунжи ғор истар кўнгул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир дам ўлтир, тугмаларни ечмасанг ҳам майлига,
Бир пиёла чой тутдим, ичмасанг ҳам майлига,
Мен узулмам, гарчи сан лутф этмасанг ҳам майлига,
Бандаи бечора журмин ўтмасанг ҳам майлига,
Йил ўтиб ҳаргиз отимни тутмасанг ҳам майлига.

Кеча-кундуз фикру зикрим, сен хаёлим, эй ҳабиб,
Сендин ўзга ишқ беморифа йўқ ҳозиқ табиб,
Кеч гуноҳимни карамдин соғиниб ўлдим қарийб,
Душманим бирла юрурсан тобакай мендин безиб,
Бир сени кўрсам, мени сен кўрмасанг ҳам майлига.

Эй, омон бўл, келмасанг ҳам, соғман хоҳи касал,
Заҳри ҳижронинг мазоқимга тотур қанду асал,
Йўқла, хоҳи йўқлама минбаъд вақту бемаҳал,
Сен эсон бўлсанг саломат – менга давлатдур ўшал,
Гарчи беморинг эрурман сўрмасанг ҳам майлига.

Арзи ҳол айтай сенга, эй Юсуфи гул пираҳан,
Чун Зулайҳо козасидек йўлинг устида ватан,
Шавқи дийдоринг кифоя менга то жон дар бадан,
Ҳусн мулкин шоҳисен, бўлдим гадойинг шукр ман,
Қулларингни дафтарига битмасанг ҳам майлига.

Бўлмайин дерман Хўқандда то сени кўрмай тирик,
Келмас уйқу кечалар бўйнингга қўл солмай тирик,
Топмасам васлингни то мен борибон топмай тирик,
Ур пичоқ, ўлдир уриб кўксимғаким қолмай тирик,
Кўз юмай, сўнгра кўчамдан ўтмасанг ҳам майлига.

Мубталолар тарфиға, эй маҳлиқо, зебо санам,
На бўлур: не кечди аҳволинг дебон қўйсанг қадам?
Жону тан чун мўй эрур ҳам дийдаи пурхун алам,
Чора қил гоҳе бу дарди бедавога дам-бадам,
Фурқатий бемор деб ёндошмасанг ҳам майлига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Манам шўрида булбул бўстонидин адашганман,
Юзи гул, қомати сарви равонидин адашганман,
Дилим ҳажри-ла қондур дилситонидин адашганман,
Ғариби кўйи ғурбат, хонумонидин адашганман,
Ва ё бир мурғи ваҳший ошёнидин адашганман.

Нетонгким, лаъли ёди ғунчадек бағримни қон айлар,
Хаёли наргиси андоқ наҳифу нотавон айлар,
Ниҳони куйдириб ҳажр ўти пўсту устухон айлар,
Тирикман зоҳир, аммо халқ бир одам гумон айлар,
Вагарна маҳз сурат, танда жонидин адашганман.

Бошимда ҳуш йўқ, ҳайронлиғимни боиси шулдур,
Кетиб ақлу хирад, нодонлиғимни боиси шулдур,
Етим қўзи каби нолонлиғимни боиси шулдур,
Харобу, бесару сомонлиғимни боиси шулдур,
Ки бир соҳиб каромат остонидин адашганман.

Биёбон гардиман Мажнун каби бир Лайли ёдида,
Бўлуб ошуфта занжири жунун басту кушодида,
Қилурмиш қатъ раҳ ҳар кимса охир ўз муродида,
Югурсам ҳар тарафга, айб қилманглар бу водийда,
Мисоли телба итмен корвонидин адашганман.

Маломат ўқларидин дилфигору сийна чок охир,
Йиқилди нотавонлиқ бирла жисми дарднок охир,
Худоға шукрким, кетдим анинг йўлида пок охир,
Муҳаббат ўтида куйгач, бўлуб бир тўда хок охир,
Фано боди тегиб ному нишонидин адашганман.

Қилиб ёд ўтган умримни чаман оби равонидин,
Муҳаббатномаларни ёд олиб савсан забонидин,
Тикан захмини англаб ғунчани қонлиғ даҳонидин,
Ўқуб гул дафтарини бир варақ фасли хазонидин,
Жаҳон боғида булбулдек фиғонидин адашганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саёдат чархини меҳри, асолат авжини моҳи,
Шаҳи мулки фано, курсию шамси арш хиргоҳи,
Етушмас хоки кўйиға Сикандар хашмати жоҳи,
Тариқат мулкини шоҳи, ҳақиқат сиррин огоҳи,
Ўшандоқ пири комил хонадонидин адашганман.

Кўнгулни эл диёри ичра бедоғ, ибтиҳож айлай,
Бориб кимға ғариблиқ бирла арзи эхтиёж айлай?
На суд андинки, шарҳи достоним юз қулоч айлай?
Бошимға тушти ғурбат офтоби, на илож айлай?
Фалакни гардишидин – соябонимдин адашганман.

Қадимни хам кўронлар ишқ бори меҳнати дерлар,
Танимда нотавонлиқ боиси ғам касрати дерлар,
Қаёнда бўлса бир ғурбаткашида улфати дерлар,
Замона аҳли мухлис, бу сабабдин Фурқатий дерлар,
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эрмас манга ғараз гул, гулдин нишон ўзингсан,
Марғуб эмас сановбар сарви равон ўзингсан,
Қадди сиҳи, юзи гул, ғунча даҳон ўзингсан,
Қилғои чаманда ғунча бағрини қон ўзингсан,
Зийнат физойи боғу ҳар бўстон ўзингсан.

Умре эрур, ётибман туфроқда зору ноком,
Сол соя бошим узра сарвингдин, эй гуландом,
Ҳайратда ман билолмай оғози қайси анжом,
Жону кўнгулда йўқдур сенсиз қарору ором,
Кел, эй кўнгул қарори, оромижон ўзингсан.

Зоҳир қилиб борурсан гаҳ ишва ҳар қаёнға,
Пинҳони ўт солурсан жисм ичра хаста жонға,
Гар қўзғотиб кўзингдин юз фитналар замонға,
Ғамзанг солур, нигоро, гаҳ шўрлар жаҳонға,
Сар фитнаи замон ҳам шўри жаҳон ўзингсан.

Маҳбуб йўқ сенингдек, гулчеҳра, шўхи танноз,
Нахли қади назокат боғида жилва пардоз,
Ишқингда жон берурға бориси марду жонбоз,
Ушшоқ қулларингға жойиздур айласанг ноз,
То кишвари малоҳат тахтида хон ўзингсан.

Хам бўлди қоматингдин гулшанда нахли тарлар,
Оғзинг ғамида ғунча қон айлади жигарлар,
Топмас агар-чи андин аҳли дақиқ асарлар,
Лоф урмасун белидин даҳр ичра мў камарлар,
Танҳо латиф пайкар, нозик миён ўзингсан.

Айлар абас тишингга дурлар Аданда даъвий,
Ҳам лаъли лабларингга мулки Яманда даъвий,
Шаҳло икки кўзингға оҳу Хўтанда даъвий,
Тўти шакар оғиздин сочиб суханда даъвий,
Ботил эрур тамоми, ширин забон ўзингсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ноз ила боз дерсан, эй сарви хуш хиромон,
Фурқат, не булҳавассан, ишқимда бермадинг жон,
Охир бу туҳмат ила бағримни қилмағил қон,
Бузган ерида турмай, юз йўла аҳди паймон,
Золим, жафошиору номеҳрибон ўзингсан.

* * *

Даҳр аро мен чекмаган жабру жафолардин бири,
Қолдиму, ҳам кўрмаган дарду балолардин бири,
Айласам зоҳир агар ул ибтилолардин бири,
Тоқат этмас дарди ишққа мубталолардин бири,
Шарҳи ғам қилса, қани, бағри адолардин бири.

Чархдек доим юрай ишқида саргардон бўлуб,
Арсаи оламни кездим бесару сомон бўлуб,
Ғам билан ўлдим асири ғуссаи ҳижрон бўлуб,
Кору борим кечаларда нолаю афғон бўлуб,
Сўрмади ҳоли дилимни ошнолардин бири.

Пайкаримни лашкари андуҳ помол айлади,
Риштаи жонимни ҳижрон меҳнати нол айлади,
Ғам ҳужуми касрати кўнглумни беҳол айлади,
Қоматим хам ҳасрати монандаи дол айлади,
Фикрим абрўси эрур мижгон асолардин бири.

Бир сари бечоралиғдин кечалар бедор эдим,
Бир сари эл таънасидин сийнаси афгор эдим,
Чора топмай бу иковга зор ҳам ночор эдим,
Алғараз, доим бу қайғулар ила бемор эдим,
Ҳамдамим эрди-ю рангим каҳраболардин бири.

Дер эдим: доим ўзим олам аро хуррам тутай,
Ёр ўлуб айшу тараб аҳлига тарки ғам тутай,
Даҳр аро озодалар домонини маҳкам тутай,
Ўзни боз ул дарду кулфат аҳлиға ҳамдам тутай,
Чунки ҳосил бўлмади ул муддаолардин бири.

Меҳрибонлик пеша айлаб, кимга кўргуздим вафо,
Тарки меҳр айлаб менга ҳаддин фузун қилди жафо,
Йўқ эрур мендек киши толиъ забун, бахти қаро,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Минг вафоға бир вафо ҳам кўрмадим олам аро,
Қолмамиш бўлғой магар аҳли вафолардин бири.

Ҳар тараф елдим, югурдим, ҳайфким, лайлу наҳор,
Саъй қилдим қайси навъ ўлса агар анжоми кор,
Ҳар тариқ ўлса ризоси бирла, бўлдум устувор,
Гарчи қилдим хизматида умр сарфу жон нисор,
Ҳолима бир боқмадилар ағниёлардин бири.

Муддате дунё учун елдим, югурдим ҳар тараф,
Ҳасратоким, бўлди нодонлиғ била умрим талаф,
Борадурман нақди тоатдин бўлубон холи каф,
Йўл махуф, эмди қадам қайдоқ урарман «лотахаф»,
Деб, қўлимдан тутмагунча раҳнамолардин бири.

Кечти авқотим, дариғо, бўйла нодонлиқда, ҳайф,
Бандаман деб тутмайин амрини нодонлиқда, ҳайф,
Нафсим ўлмасдин бородур номусулмонлиқда, ҳайф,
Қолғон умрим ҳам ўтар эмди пушаймонлиқда, ҳайф,
Зойил ўлмай аввалий кибру ҳаволардин бири.

Мунисим – толиъ забунлар, ёр – бахти қоралар,
Ҳамдамим – тиғи аламдин сийнаси садпоралар,
Бистарим – хоки мазаллат, такя – санги хоралар,
Ғамгусоримдур – балийят даштида овворалар,
Маҳрами розим ўлуб мотамсаролардин бири.

Ҳар киши оламда кўп чекса жафойи ишқини,
Билса роҳат жонига ранжу балойи ишқини,
Подшоҳи ҳусн чарлаб мубталойи ишқини,
Сарфароз айлар эмиш бир кун гадойи ишқини,
Шукрким, кўйида мендурман гадолардин бири.

Фурқатий бир сарвқомат ишқида бўлган асир,
Қумри янглиғ тортарам шавқида фарёду сафир,
Қош ила мужгонидин ёнимда тиғ, илкимда тийр,
Чуғздек вайрона ичра гарчи бўлдим жойгир,
Бир хабар олмас келиб пайкарҳумолардин бири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Навоий газалига мухаммас)

Кўнглум истар ўлғоли ул ҳур сиймо бирла дўст,
Яъни ул нозофарину жилвапиро бирла дўст,
Телба қилмоқ қасдида бўлганда доно бирла дўст,
Ёр бўлмоқ тонг эмас, мен зору расво бирла дўст,
Ким, пари гоҳи бўлур мажнуни шайдо бирла дўст.

Оғзидин истаб нишон бирдам тиниб ўлтурмағум,
То тирикмен, ўзга сўз бир нукта андин сўрмағум,
Айламай жондин гузар лофи муҳаббат урмағум,
Лаълини севдим, кўзини қатлидин қайғурмағум,
Не ғам ўлмакдин, киши бўлса Масиҳо бирла дўст.

Йўқ эрур кунжи харобот ичра ҳеч кимдин камим,
Хишт-хум тожим эрур, синғон қадаҳ жоми Жамим,
Мастлик, бебоклик доим рафиқу ҳамдамим,
Бодапаймо зоҳид ўлса, душман эрмасдур ғамим,
Менки бўлдим бир ҳарифи бодапаймо бирла дўст.

Гар бағир қони нишони кўз ёшинда кўп турур,
Онча ёшлар бошима отқон тошинда кўп турур,
Демангиз аҳли жунун нечун қошинда кўп турур,
Зулфи савдоси бу савдойи бошинда кўп турур,
Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст.

Юз баҳор ўлсунки, олам гулшани имконида,
Йўқ эрур бўйи тароват сунбулу райҳонида,
Ётмоқ андин хўб эмасму ҳасрати зиндонида,
Сарв қадлиғ, гул жабинлиғ дўстни ҳижронида,
Ўлғомен не гул била, не сарви раъно бирла дўст.

Меҳр банда оразиға, гарчи ул Ховар шаҳи,
Бўлди ер ўпмоқ ила чархи муалло хиргаҳи,
Чашми уммидим ёрур, фикр айлагач хоки раҳи,
Ҳижридин олам қаронғудур, вале йўқ, даргаҳи,
Жилва қилса, ул жамоли оламоро бирла дўст.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўқ менга чекмак ётиб кўйида ғамдин яхшироқ,
Хорлиқ ҳажрида бўлган муҳтарамдин яхшироқ,
Жаври онинг ўзгалар қилган карамдин яхшироқ,
Хизр юз меҳр ила тутган жоми Жамдин яхшироқ,
Тутса май дурдини юз торожу яғмо бирла дўст.

Ҳирси лойи бирла қилма доманинг олудалиқ,
Олам ичра бўлмағай мундин ёмон беҳудалиқ,
Сену ташвиши жаҳону ранжу ғам фарсудалиқ,
Бўлма дунёдўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.

Фурқато, ич заҳр аёғи келса, қонма дўстдин!
Талхком ўлдим дема! Ҳаргиз ўсомна дўстдин,
Тонимаслик қилса ҳам ҳарчанд, тонма дўстдин,
Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма дўстдин,
Чунки бўлмушдур сенга юз минг таманно бирла дўст.

* * *

(Навоий газалига мухаммас)

Кўнгулда орзуйи васли ул олий жаноб айлаб,
Ётиб эрдим фироқ андуҳи жонимга азоб айлаб,
Баногаҳ гул юзиға, сунбули зулфин ниқоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин юз уза тердин гулоб айлаб.

Қилич тортиб қинидин қон тўкарга ул жафогўстар,
Кўзини туркидин яғмо солиб оламга сар то сар,
Нигаҳ пайконин олмосин даги айлаб анго дарбар,
Қилиб мужгонни шабрўлар каби жон қасдиға ханжар,
Белиға зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Агар чанди адошиб ақлдин бўлди тилим алкан,
Кўруб шавқи била айлар эди жону дилим шеван,
Қаронғу кечани кундуз қилиб, ул шўхи жодуфан,
Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўшал оқшом менга қандоғ саодат оқшом эрди,
Ким, ул оромижон танҳо келиб эшик очиб кирди,
Дедим: меҳнат тутиб, кўзга аёғинг қўйсанг арзирди.
Кулуб ўлтурдию илким тутиб ёнида ер берди,
Такаллум айлади ҳар лафзидин дурри хушоб айлаб.

Дебон: «Ишқим йўлида содиқим менсиз нечукдурсан?
Чекиб ҳажрим висоли лойиқим менсиз нечукдурсан?
Вафода ўзгалардин фойиқим менсиз нечукдурсан –
Ки, эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечукдурсан?»
Мен ўлдум лол, сўз айтолмайин майли жавоб айлаб.

Кўруб танҳолиғим ғам гўшаси ичра, дили куйди,
Тараҳҳум бирла кўнглум овлабон шафқат қилиб суйди,
Хуморим андуҳидин жон ютмагимниму магар туйди,
Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб тутти менга юз навъ нозосо итоб айлаб.

Димоғингга насими васл тегдимуки, жўш этдинг,
Муродинг ғунчаси очдиму, булбулдек хурўш этдинг,
Сабаб на эрди, якбора доғи ўзни хамўш этдинг,
Ки, эй мажнун, пари кўрдинг магарким, тарки ҳуш этдинг?
Такаллум қил, бу соғарни ичиб рафъи ҳижоб айлаб.

Ишорат айлар эрди бўсалар юздин, гаҳи кўздин,
Оғизни олма деб лаълимдин асло, кўзни ҳам юздин,
Ўзумни тўхтатолмай бўйла лутфомизлиқ сўздин,
Ичиб фарёд этиб тушдим аёғиға кетиб ўздин,
Мени, йўқ бодаким, лутфи анинг масту хароб айлаб.

Нетарсен, кеча ёринг келса, Фурқат, уйқуни мундоқ?
Кечургил кечани бедорлиқда ҳар туни мундоқ,
Демушдур ишқ устоди: муҳаббат йўсуни мундоқ,
Аниким элтгой ноз уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Машраб газалига мухаммас)

Ошиқи дилдодадурман, дилбаримни кавлама,
Ахгар ўлди ғам ўтида, пайкаримни кавлама,
Сайр қилдим баҳру бар, хушку таримни кавлама,
Эй сабо, ғамбодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман, хокисторимни кавлама!

Чархи кажрафтордин беҳад аломатлар келур,
Бу сабаб кўздин юза ашки надоматлар келур,
Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур,
Ҳар замоне Лайлидин менга китобатлар келур,
Санки, Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама!

Ғамдин озода билур озодаларни ҳолини,
Йўқса мискин на билур шаҳзодаларни ҳолини,
Хурдадонлар билмадилар соддаларни ҳолини,
Хонавайронлар билур афтодаларни ҳолини,
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама!

Ишқ савдоси тушуб бошимға, аҳволим хароб,
Жоним айлар тан аро сиймоб янглиғ изтироб,
Таъна қилма, зоҳидо, кўнглумда ғамлар беҳисоб,
То кишиға дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама!

Неча кунлар ҳамдам ўзга ваҳшию тайр айладим,
Билмадим, бу йўлда шарр қилдим ва ё хайр айладим,
Ғам ҳужум этти, анинг-чун масканим дайр айладим,
Ломаконни шаҳрини бир « ҳу» била сайр айладим,
Жабраили ишқман, болу паримни кавлама!

Гаҳ ўзимни сувға урдум, гоҳ ўтга дам-бадам,
Бўлмади даврон сафоси лаҳзае бошимға кам,
То шариатни тутуб қўйдум тариқатга қадам,
Баҳри раҳматга кириб, қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин бехабарсен, ғавҳаримни кавлама!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чун қадам қўйдинг бу йўлға, бўлма бематлаб вале,
Фахри зиллат бўл, талашма ғурбати мансаб вале,
Фурқатий, саргашта бўлсанг, йиғлагил ҳар шаб вале,
Дурри дарёйи маоний бўлди чун Машраб вале,
Дийда бийно бўлмасанг, кўб жавҳаримни кавлама!

* * *

Яқо ушланг, аё дўстлар, замон турфа замон бўлди,
Мусулмон халқимизни феъли хуйи кўп ямон бўлди,
Адошиб тўғри йўлдин, маъсият сори равон бўлди,
Вилоят ичра номашруъ иш барча аён бўлди,
Шарорат аҳлиға Фарғонамиз дор ул-амон бўлди.

Ато бирла ўғилни ўртасида меҳру шафқат йўқ,
Ано бирла яно қиз ўртасида зарра ҳурмат йўқ,
Акосига укони ғайр аз ин буғзу адоват йўқ,
Ки, хешу ақраболарда тариқча қадру қиммат йўқ,
Бу қилмиш ишлари охир замондин бир нишон бўлди.

Қачонким қолмади хайру саховат ағниёларда,
Ки, йўқ сабру қаноат ҳам фақиру бенаволарда,
Тараҳҳум йўқтур асло бир-бириға ошноларда,
Боқиб ибрат кўзи бирла, юруб тўю азоларда,
Худо бирла расул баъзи кишига ошу нон бўлди.

Фалак кажравлиғидин кас бўлубон бир неча нокас,
Эл ичра қадр топти, дарбар айлаб жомаи адрас,
Фарангдин тортиб они ошноси ҳиндию чаркас,
Ажабким, бир эшак айлаб жулини бахмалу атлас,
Ўтуб юқорига, гар бўлса, бир мажлис, калон бўлди.

Кўпайди шаҳримизда неча йилдур, мардуми Лотий,
Ичарлар шишада ит шошасин, они арақ оти,
Мабодо етмагай деб қўрқаман онлар касофоти,
Кўрубон тавба қилмаслар қиёматни аломоти,
Неча ойлар кулуб, бир йилда торики жаҳон бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дариғо, Ҳожи Қобил бирла ул Хонпошшо эшонлар
Сафар қилдилар оламдин ўшандоғ покдомонлар,
Алар ўрнида қолди неча омий шайхи нодонлар,
Амал айлаб риёлиқ, қўл олиб устоди шайтонлар.
Халойиқ наздида оқ тўффию малла чопон бўлди.

Фиғонким, омийлар иззатда-ю, хор ўлди муллолар,
Хирадсиз бош чекиб, қолди аёқ остида донолар,
Ҳам аъло бўлди аднолaрки, адно бўлди аълолар,
Чунончи, оғзи бежо бир неча шанқийи расволар,
Эл ичра табъи дун бирла зарифу нуктадон бўлди.

Қулоқ солмас, гапурсанг баъзи одам хайриятлиғдин,
Негоким, оридур ул нанг бирла ориятлиғдин,
Чиқарман уйда турмай, йўқ иложим қабзиятлиғдин,
Ўшал одам фарзанди эмасму, маъсиятлиғдин
Туғулуб онасидин, беш яшар бўлса, жувон бўлди.

Баҳор айёми ўтти, на гулу сарву суман қолди,
Ки, булбул бирла қумри ўрниға зоғу заҳан қолди,
На жоми марг ичмай лолаи хунин кафан қолди,
Чаманлардин нишон ҳеч қолмади, илло тикан қолди.
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди.

Юмуб кўзни, қадамни мардлар сори адам қўйди,
Вафосиз даҳр аларни жониға токи алам қўйди,
Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди,
Мингу уч юз биринчига сана токим қадам қўйди?
Ҳамани эмди кўз тутгони бир соҳибқирон бўлди.

Худони амрини тутгил, агар бўлсанг қули, Фурқат,
Бўлурсан осий, тарк этсанг агарчи бир йўли, Фурқат,
Қилур парвоз тандин бир куни жон булбули, Фурқат,
Вафосиз эрмиш онча умр боғини гули, Фурқат,
Бу ҳасратдин юраклар ғунчадек қон узра қон бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Амирий газалига мухаммас)

Васфинг жаҳонни тутти, эй маҳлиқо, муборак,
Ҳуру паридин ўтти, сад марҳабо, муборак,
Жаннатга нусха этти боди сабо, муборак,
Ҳуснунг камоли етти, эй маҳлиқо, муборак,
Ойинаи жамолинг топти сафо, муборак.

Дарёйи меҳринг, эй моҳ, то кун-бакун тошурдинг,
Кокулларинг ҳавосин сарҳаддидин ошурдинг,
Ғам хирманин гулидин, эй гул, басе чош урдинг,
Хўб ўлди, оразингни ойинадин ёшурдинг,
Эй шўхи моҳталъат, шарму ҳаё муборак.

Ушшоқ қулларингдин тобора бора кечтинг,
Манман хумори васлинг, сан ғайрига етиштинг,
Кўзни қароси янглиғ эл ичра туҳфа туштинг,
Тун-кеча маст эрдинг, ким бирла бода ичтинг?
Гул жайбидин узунгган банди қабо муборак.

Эй сарви хушхиромон, зийнат бошингда ранг-ранг,
Сакрат саманди нозинг, дилғунча, бўлма дилтанг,
Дуржи даҳанда тишлар дурдона бирла ҳамранг,
То юзга ғоза чектинг, қонимни тўкти ғамзанг,
Ноз илгида, ингоро, бўлсун ҳино муборак.

Фурқат каби Умидий кезди чу тоғу саҳро,
Тавсиф қилди васфинг ҳам шоири Бухоро,
Озодалар жамолин айлаб эди тамошо,
Ул сарвқад хаёлин қилдинг, Амир, иншо,
Табъи салим бирла фикри расо муборак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Демиш хон бир куниким : давру давронлар қаён қолди?
Сарири салтанатда ҳукм-фармонлар қаён қолди?
Мунаққаш хоналар, заррин намоёнлар қаён қолди?
Равоқу пештоқу қасри кайвонлар қаён қолди?
Муқарнас, шаҳнишин заркор айвонлар қаён қолди?

Бор эрди хизматимда кеча-кундуз яхши ҳамдамлар,
Белига боғлаған тилло камар гулчеҳра маҳрамлар,
Мисоли Бу Али Сино, Фалотун табъ одамлар,
Фатонат бобида олған ҳама хатти мусалламлар,
Ўшандоғ аҳли донишлар, сухандонлар қаён қолди?

Эди олтун жилав, хизматда ҳозир доимо қуллар,
Турарди ҳар тараф саф-саф сиёсатлиқ ясовуллар,
Чиқиб сарбоз машқидин фалак узра ғало-ғуллар,
Юрардилар тақиб олдимда шотирлар жаложуллар,
Насим отлиғ ҳабаш – аркимда дарбонлар қаён қолди?

Ўшал «Афғон боғ»им эрди Эрам боғини тақлиди,
Тузар эрдим бориб ул ерда доим базми жамшиди
Менга ийд эрди ҳар кун, элни бўлса йилда бир ийди,
Бориб кўрмоқ ўшал ерларни йўқтур эмди уммиди,
Анингдек жаннатосо боғ-бўстонлар қаён қолди?

Муяссар эрди комимға ҳамиша яхши дилбарлар,
Башарнаслу малаксурат, париваш, ҳурпайкарлар,
Бинафша -зулфи, райҳон- хатти гулчеҳра суманбарлар,
Сиҳи қад, ғунча оғизлик баҳори нозпарварлар,
Назокат боғида сарви хиромонлар қаён қолди?

Югуруб ҳар тараф саркорлар юз минг шитоб айлаб,
Берурдилар хазинамға хирожини ҳисоб айлаб,
Келурдилар чиқиб ҳар йилда саҳродин таноб айлаб.
Хиёнат айламай, бир ҳарф ёзса изтироб айлаб,
Неча заррин қалам мирзои девонлар қаён қолди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фалак чекти бу манзилға ғаму андуҳ ила рахтим,
Бошимдин кетти давлат, юз ўгурди толеъу бахтим,
Ҳаводис айлади барбод охир тожу ила тахтим,
Кўрубон қилсалар ғамхорлиғ бу ҳолати сахтим,
Манинг-чун жон нисор этган қадрдонлар қаён қолди?

Кечарди офиятлиқ вартасида моҳ ила солим,
Суруру шод эдим, побастаи ғам эрди помолим,
Ўлуб фархунда кундин-кун саодат бирла аҳволим,
Ҳамиша айлар эрдилар дуойи умру иқболим,
Валоят ҳосил этган яхши эшонлар қаён қолди?

Саёҳат айлар эрдим ҳар йили атрофни чандон,
Ки аввал Марғинону Андижону сўнгра Шаҳрихон,
Насими «Шаҳработ»имдин топар эрди фароғат жон,
Чиқиб андин, шикор айлаб борурдим Чуст ила Косон,
Эсиз, ул Тўрақўрғону Намангонлар қаён қоди?

Фароз эрдим, ғарибликка тушуб, охир нишиб ўлдум,
Фароғатдин баъиду дарду меҳнатга қарийб ўлдум,
Зану фарзанду молу мулку зардин бенасиб ўлдум,
Қолиб меҳнатда танҳо, ҳам мусофир, ҳам ғариб ўлдум,
У Насриддинбек ўғлум бирла Ўрмонлар қаён қолди?

Ўшал саркардаларким, эрдилар ҳар ишда сирдошим,
Қани, мундоғ ямон кунларга туштум, бўлса йўлдошим,
Ҳаводис тошидин юз пора бўлди, тутсалар бошим,
Дилу жоним, қариндошим, жигарбандим, эмукдошим,
Атодин ёдгорим Бек Султонлар қаён қолди?

Бошингга тушса иш, биз бош берай деб лоф урганлар,
Ўзум бирла ҳама давлатни ҳам роҳатни кўрганлар,
Шукуҳу шавкатимни балки мендин яхши сурганлар,
Бузуб аҳдин, ямонлиғ кунда мандин юз ўгурганлар,
Букун ул кўрнамаклар, аҳди ялғонлар қаён қолди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Киши Жамшид янглиғ етти иқлимға амир ўлса,
Фаридунфар, Сикандар ҳашмату Хусрав сарир ўлса,
На чора, бир кишини илкида қулдек асир ўлса,
Қани, қўл олган эшонлар, бу кунда дастгир ўлса,
Ўқушган «Ҳирз дафъи»ни дуохонлар қаён қолди?

Қабул айлаб Худо бу тавба бирла оҳ-зоримни,
Яна Фарғонага бир йўл етургайму гузоримни,
Қувонса нотавон кўнглум кўруб ёру диёримни,
Дуогўйлар ичинда яхши билган эътиборимни,
Дариғо, Фурқатийдек дийда гирёнлар қаён қолди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй кўнгул ҳушёр бўл, бу кеча ёр ўйнабтулар.
Қоши ё, кифрик синон, кўзи хумор ўйнабтулар,
Зулф чин-чин маҳжабин, зебо нигор ўйнабтулар,
Аҳли мажлисдин олиб сабру қарор ўйнабтулар,
Ўзгача рафтор ила мастонавор ўйнабтулар.

Гўйиё келмиш Эрамни боғидин зебо пари,
Ё магар Кашмирдин маҳбубаи афсунгари,
Шоҳи тўн, гулбарра кўйлак, гард берди маъжари,
Бу назокат бирла ул маҳбубларни сарвари,
Шўхлиғидин усруку беихтиёр ўйнабтулар.

Ёраб, ул ой бирла бўлди бу кечаким, боданўш,
Ҳар замон майхона соридин келур жўшу хурўш,
Қолмади сабру сукун кўнглумда ҳам бошимда ҳуш,
Лаҳза-лаҳза ун чекарман, бўлғомен гоҳи хамуш,
Анда мендек хастадин айлаб гузор ўйнабтулар.

Бода тобидин қизортиб ул юзи гулфомни,
Еткурур ҳар дам кўнгулга зулмдин пайғомни,
Маст ўлуб, ҳар ён суруб дурди май ошомни,
Арбада ошиб ушотиб шиша бирла жомни,
Ҳаддин оша маҳв ўлуб беихтиёр ўйнабтулар.

Масти бепарво бўлуб сайри гулистон айламиш,
Ханда айлаб ғунчаларни бағрини қон айламиш,
Зулфини торин очиб сунбул паришон айламиш,
Қумрини зор ингратиб, булбулни нолон айламиш,
Мундайин ошуб ила ул гулузор ўйнабтулар.

Эл ичида ҳусн аро султонлиғин машҳур этиб,
Даргоҳиға бехирад аҳлини ваҳ манзур этиб,
Ишқида мендек гадони хастаи маҳжур этиб,
Маҳзи истиғио учун бас ўзни элдин дур этиб,
Азми саҳро айлабон майли шикор ўйнабтулар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гоҳ-гоҳе юз очиб хайли балони қўзғотиб,
Шаъбада оғоз этиб, гаҳ ғамза ўқини отиб,
Мастликдин гоҳе ҳар ёна самандин ўйнотиб,
Жонситон тиғини гоҳе қон тўкарга ўргатиб,
Фурқатий, майдон аро чобуксувор ўйнабтулар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Киши ҳолимни билмас меҳрибонидин адашганман,
Ватан оворадурмен, дўстонидин адашганман,
Ватансиз бенаводурмен, маконидин адашганман,
Ғариби кўйи ғурбат хонумонидин адашганман,
Ваё бир мурғи ваҳший ошёнидин адашганман.

Бошимда дам-бадам бир кулфати дигар макон айлар,
Дилимни ҳар нафас андуҳи дигар остон айлар,
Фалак пайваста тийри ғамға кўксумни нишон айлар,
Тирикман зоҳирида, халқ бир одам гумон айлар,
Валекин ҳоли сурат танда жонидин адашганман.

Ғарибу бекасу сарсонлиғимни боиси шулдур,
Ҳазину хастау гирёнлиғимни боиси шулдур,
Жаҳон оворои ҳайронлиғимни боиси шулдур,
Харобу бесару сомонлиғимни боиси шулдур,
Ки, бир соҳиб каромат остонидин адашганман.

Бўлубман ошиқи шўридаи бир нозанин дилбар,
Фироқида дилим ғамнок, бағрим чок, чашмим тар,
Танам хошокидин шуъла урар ишқ оташи яксар,
Муҳаббат ўтида куйгач, бўлуб бир тўда хокистар,
Фано боди тегиб ному нишонидин адашганман.

Кезиб дашту биёбон баҳру барлар йиғласам, тонг йўқ,
Тўкуб ёш ўрниға кўздин гуҳарлар йиғласам, тонг йўқ,
Малолат зоҳир этмонг, ҳамсафарлар, йиғласам, тонг йўқ,
Чекиб булбул каби афғон саҳарлар йиғласам, тонг йўқ –
Ки, келди фасли гул, мен гулистонидин адашганман.

Менга кор этти даврон инқилоби на илож айлай?
Насиб ўлди мазаллат хўрду хоби на илож айлай?
Қолибмен ташна, йўқ бир коса оби на илож айлай?
Бошимга тушди ғурбат офтоби на илож айлай?
Фалакни гардишидин соябонидин адашганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лақаб ҳар кимсага мардум ба қадри одатий дерлар,
Ўшал ким анжуманда ўтса умри суҳбатий дерлар,
Фано куйида кимки муътакифдур хилватий дерлар,
Замон аҳли бу боисдин тахаллус Фурқатий дерлар,
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Фузулий газалига мухаммас)

Жон аро шакли алиф раъно ниҳолинг садқаси,
Нутқиминг маъноси ул шаккар мақолинг садқаси,
Юз кўнгул бир кўнглунга кечмиш хаёлинг садқаси,
Кўз қароси ашки гулгунимда холинг садқаси,
Ашки гулгуним гули рухсори олинг садқаси.

(Ҳажр аро куйдим бутун бошдин) аёғ урён таним,
Бан жунун саҳросини Мажнуниям, урён таним,
Ишқ ўти таъсиридинму ўлгудек сўзон таним,
Дуди оҳимдин қарормиш зору саргардон таним,
Оташин рухсору мушкини ҳилолинг садқаси.

Ҳеч оташ тез эмаз ушшоқ чекмиш оҳтак,
Сўз ҳеч дилсўз эмаз бу нолаи жонкоҳтак,
Эт гадолар ҳолина лутфу тараҳҳум шоҳтак,
Шавқи васлинг ёндуруб ноқис вужудим моҳтак,
Зарра-зарра офтоби безаволинг садқаси.

Жон фидодур дардинггаким тан ани тортолмади,
Зўраюр тобора гарчи дилда тоқат қолмади,
Чархким бошимға жуз савдойи ҳажринг солмади,
Ҳажрингга жоним фидо ўлсунки, жоним олмади,
Этдим охир муждаи завқи висолинг садқаси.

Ерда оқди сув ўлуб кўзлар йўлингда термула,
Бир келиб бу интизоринг, ҳолини сўрсанг нўла,
Байтул-эҳзон айладим Яъқубтак маъво тўла,
Юсуфи гумгашта кимдурки менга монанд ўла,
Юз анга монанд ҳусни бемисолинг садқаси.

Шайхи ноқис хонақоҳина қадам қўймоқ ҳамон,
Нуқс кўнглунгға етиб жонинға айлайди зиён,
Маскан этдим, Фурқатий, майхонадур дориламон,
Афв эдар хизматда ҳар тақсиримиз пири муғон,
Эй Фузулий, жонимиз аҳли камолинг садқаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мандек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мандек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мандек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мандек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

Кес риштаниким, қилсун чаппаклар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста.
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била пайваста,
Кел, қўйма бало доми бирла они побаста,
Ҳижрон ўқидин жисми кўб ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини томом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўб ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

Саргашта бу водийда бир бошиға раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чиқмай деса жойидин, узлатда фигор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи, домеға дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бечорани зулм айлаб, қўл бўйнини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб – судраб, ўлдиргали чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот манга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан,
Ҳижрон ўқидин жисми кўб ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

Йўқ ҳуши, пари теккан девонага ўхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонага ўхшайдур,
Ғам сели билан кўнгли вайронага ўхшайдур,
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронага ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидин жисми кўб ёра экан мандек,
Куйган жигари бағри садпора экан мандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Оҳким, дай шиддатидин биргина жўш этмадим,
Синдириб заҳри ҳаво, тарёкни нўш этмадим,
Маст ўлуб ҳар лаҳза, тарки ақл ила хуш этмадим,
Ҳаргиз эски (ғам-аламларни) фаромўш этмадим,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Даҳр аро ҳаргиз фалак раъйим билан айланмади,
Додлар қилдимки кажравлиқ йўлидин ёнмади,
Даҳри дун жонимга бедод айланмоғдин қонмади,
Вой, бир бахтим оғир уйқусидин уйғонмади,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Умр ўтар, афсуским, доим асири ғам бўлуб,
Кўрмайин дунё ҳузурин соате хуррам бўлуб,
Долдек меҳнат юки остида қаддим хам бўлуб,
Бори дунёга келиб, мен лоақал одам бўлуб,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Баъзи одам умри хушдур бир пари пайкар топиб,
Меваси ишрат ҳаёти гулшанидин бар топиб,
Толеъини ҳамдаму иқболини ёвар топиб,
Ҳасрато, саъй айлабон Тошкандда бир оз зар топиб,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Ҳайфким, бир орзу бирла кечиб аҳди шабоб,
Қилмади саъйу жадал ҳеч важҳ бирла фатҳи боб,
Қилди уммидим уйин тули амал охир хароб,
Бу надомат оташидин жону дил бўлди кабоб,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умрнинг таъжилидин жонимда хирмон қат-бақат,
Ушбу ғамдин ғунчадек бағрим тўла қон қат-бақат,
Занглар андуҳдин кўксумда чандон қат-бақат,
Лоладек маҳзун кўнгулда доғи армон қат-бақат,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Ранжлар тортиб келиб бу бевафо дунёға ҳайф,
Кўз очиб, айлаб назар дунёву мофиҳоға ҳайф,
Кечти умру, етмадим бу мақсади аълоға ҳайф,
Маскан айлаб неча кун бир гўшаи танҳоға ҳайф,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Ёнди жоним шамъдек ҳар кеча даврон базмида,
Дудлар бошимға ўрлаб дийда гирён базмида,
Бош бериб ҳар лаҳза айлаб жонни қурбон базмида,
Доғман бошдин аёғ ҳаргизки имкон базмида,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

Айши оламдин мени гардун чу ноком айлади,
Субҳи иқболимни идбора билан шом айлади,
Эмди эрмас жаври, бедодини мудом айлади,
Пухта корим, Фурқатий, айлаб ҳасад хом айлади,
Мунис ўзга бир нигори жилва бардўш этмадим,
Роҳат айлаб кеча тонг отқунча оғўш этмадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Таржиъбанд – мусаддас)

Уч хароботий эрурмиз, сокини майхонамиз,
Хум бошидин чарх уруб, монанди бир парвонамиз,
Маст ўлубмиз жўшиши майдин ажаб девонамиз,
Холимиз дунё ғамидин, фориғи кошонамиз,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононамиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч аламкашмиз, ҳамиша толиби жононамиз,
Кўйиға бормоқдин аммо эл аро афсонамиз,
Нашъае пайдо қилибмиз, ақлдин бегонамиз,
На ҳароси домдурмиз, на асири донамиз,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч қаландармиз, қаландархонада ҳамхонамиз,
Ҳасрат айлармиз негоким рондаи ҳар хонамиз,
Қайда қолди, во дариғо, соғару паймонамиз,
Дайр пирини ҳузуридин ажаб журмонамиз,
Ёр бизни ёримиз. Жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч биродармиз, келинг бирдам фароғат айлалук,
Ё қаландарваш бўлуб, олам саёҳат айлалук,
Дайр пирига бориб ёким итоат айлалук,
Ҳарна зулм этса агар, сабру қаноат айлалук,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч мусофирмиз, келинг, бир-бир ҳикоят айлалук,
Ул рақиби рўсияҳлардин шикоят айлалук,
Хонақаҳ кунжиға бориб ёки тоат айлалук,
Ё бориб муғ дайри ичра истиқомат айлалук,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уч адойимиз, келинг(лар) нола оғоз айлалук,
Қайда кулфат аҳли бўлса, ўзга дамсоз айлалук,
Боқмалук дунё юзиға, то анго ноз айлалук,
Эмди булбулдек ўшал сори(ға) парвоз айлалук,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз

Уч навоиймиз, келинглар, азми гулшан айлали,
Андалибға қўшулуб ул ерни маскан айлали,
Куйдуруб гул, шоху яфроғини гулхан айлали,
Чил танини на этармиз, ўзни чор тан айлали,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч ғарибиймиз, келинг, сайри гулистон айлали,
Нола айлаб андилибни бағрини қон айлали,
Шиква айлаб сарву сунбулни паришон айлали,
Қумриларни мубталойи доғи ҳижрон айлали,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч вафойимиз, келинглар, азми гулзор айлали,
Борғали ёр олдиға ўзни сабукбор айлали,
Ёрни уйқусидин бир лаҳза бедор айлали,
Хоҳ бехуд бўлоли, хоҳ ўзни ҳушёр айлали,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч балокашмиз, кўнгул ул маҳваши хушхўдадур,
Кеча-кундуз ҳушимиз ул шўхи ширингўдадур,
Борибон кўрдикки, бистар устида уйқудадур,
Бошиға келмиш табибу ёр боши зонудадур,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч мукаддар[15] кўйиға бордук рақиблар тўдадур,
Ё сабаб жинслардин ул пари уйқудадур (?)

---

[15] Аслида «миз» бор

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кокули юзға паришон мушки анбарсудадур,
Юзлари ғарқи арақ, барча абиролудадур,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч хароботий бориб кўрдикки, ёр уйқудадур,
Ранжиши чашми била кўб ҳасрату қайғудадур,
Бистари заъф узра ётибдур, тани фарсудадур,
Войким, аҳбоблар, борғанимиз беҳудадур,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

На учун келдинг ҳаримиға, аё, нодон табиб?
Бизлара ағёрдурсан, бедарак, афғон табиб,
Бошидин турғил нари, беҳудасан, ёлғон табиб,
Оҳ тортармиз, бўларсан ер била яксон, табиб,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

На сабабдин ўлтурурсан ёр бошиға, табиб?
Бир замон кўшиш этиб андоғ маошиға, табиб,
Қўшма бул доруларингни ёрим ошиға, табиб,
Оҳ бирла куйдурурмиз, келма қошиға, табиб,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак йўқ эрур армонимиз.

На сабабдин бу кеча мунда келибсан, эй табиб?
Ҳар тарафдин сўз қилурсан ҳамчунон даъвий, табиб,
Бошидин турғил нари, беҳуда, беъмани табиб,
Фурқатийдин қил ҳазар, албатта, эй жўгий, табиб,
Ёр бизни ёримиз, жонон бизи жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак йўқ эрур армонимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ё раб, кушойиши бер бу кори басталарга,
Рў берди нахсиятлар кўп аҳли расталарга,
Мақсад гули очилмай, юз қўйди дасталарга,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Аввал заифалардин шарму ҳаё йўқолди,
Сўнгра ўғул атодин қилмоқ ибо йўқолди,
Ҳам ағниё элидин жуду сахо йўқолди,
Бир-бирга ошнодин мехру вафо йўқолди,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Афъолимизга боқсак, охир замон бўлубдур,
Аҳволи халқ кундин кунга ямон бўлубдур,
Ҳеч ким ишида йўқ суд, кони зиён бўлубдур,
Охир замон нишони беҳад аён бўлубдур,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Тобора барҳам ўлди фақр аҳлидин қаноат,
На шайхда риёзат, на сўфида ибодат,
Бўлдук бу феъли миздин шармандаи қиёмат,
Гумроҳларга йўни қилгил ўзунг иноят,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Уч йил бўлурки, қолмиш накбатга аҳли бозор,
Кўрмас тижоратидин кўб нафъ хайли тужжор,
Аҳли ҳунарда ҳам йўқ чандон равнақи кор,
Йўқтур ўзунгдин ўзга бир меҳрибону ғамхор,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доно ҳама залил-у, нодон азиз бўлду,
Топти ривожу равнақ, ким бетамиз бўлду,
Мардони вақт алҳол хунсою хез бўлди,
Олимга айлагувчи охир ситез бўлду,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Ҳасратки, кетти элни тобора феълу хуйи,
Йўқ ҳеч ул сабабдин бир ерга обрўйи,
Бўлди басе шикоят ҳар ерда гуфтугўйи,
Бидъат иши ҳамиша онларни жустужуйи,
Раҳм айлагил, худоё бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Куффор аҳли ичра ҳайрон ўлуб қолибмиз,
На ҳукм қилса, дарҳол буйруғини олибмиз,
Ўз бошимизга мундоғ ранжу бало солибмиз,
То эмдиликда олиғ-солиғ бериб толибмиз,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Зулматни гирдбоди тегди, қуюнда қолдук,
Тўфони ҳайрат, эйки, ғарқи жунунда қолдук,
Ғафлат ила ўтуб умр, кулгу ўюнда қолдук,
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, ҳасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Қозию муфти, аълам доим ҳазину маъюс,
Дин посини тутай деб зиндони ғамда махбус,
Бечоралар на қилсун, бўлса сиёсати Рус,
Қўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Афсус, яхшиларни йўқ қадру эътибори,
Бўлса ямон кимики, болодур иқтидори,
Бўлди фасоду фитна шул асрларда жорий,
Лутф этки, қулларингни бўлсун салоҳ кори,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Хар қайда сарфаёғлар қозишинос бўлди,
Барпо қилурга фитна бекаму кос бўлди,
Эл ичра қадр топти, ким хушлибос бўлди,
Зоти бек ўтмагонлар соҳибасос бўлди,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Ўз халқимиз фиъоли кўп бўлди суратоpo,
Дин аҳлиман деб, айлар куффор ила мадоро,
Пинҳоний маъсиятлар тобора ошкоро,
Исёна тўлди мундин то сархади Бухоро,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, ҳасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Дунёйи дунни ҳарчанд беэътибор кўрдук,
Фақр аҳлимиз демакни оламда ор кўрдук,
Нафс илгида ҳамиша ўзни дучор кўрдук,
Шаръи набийга боқдук, кўп хору зор кўрдук,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, ҳасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Биз бандаи умидвор, сандин нажотимиз бор,
Борий, Раҳим отингдин хатти баротимиз бор,
Ҳарчанд маъсиятдин санго уётимиз бор,
Ул шоҳи анбиёга умматлиғ отимиз бор,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Маъюсу зору ғамгин, афтодаларни ҳаққи,
Хотирҳазину ранжуру ғамбодаларни ҳаққи,
Бир умр орзудин озодаларни ҳаққи,
Уқбо ишига бўлган омодаларни ҳаққи,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўқ сандин ўзга, ё раб, дармондалар паноҳи,
Дунёю охиратда сансан умидгоҳи,
Ғафлатда умр ўтмиш, минг хайф, солу моҳи,
Лутфинг елига кўҳи журм уйла парри коҳи,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, ҳасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Биз одам ўғли бўлсак, инсон иши хатодур,
Ҳар шай аслисига рожиъ бўлуб кетодур,
Лутфу карамни сандин банда умид этодур,
Фурқат қулинг гунаҳкор, сан соҳиби атодур,
Раҳм айлагил, худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мўътабар кўз ёши Ҳақ наздида дурри нобдин,
Ҳам либоси фақр беҳтар шол ила синжобдин,
Бистари қолинда роҳат бирла кўрган хобдин,
Кунжи узлат бўрёси хўбдур ҳар бобдин,
Бор эмиш бир кун азоби, ваҳм қил Ваҳҳобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Марди Ҳақсан, чиқ алойиқ номлиқ гирдобдин,
Гарданинг хам қил ибодатга раҳи одобдин,
Қил ажал ёдини кетмасдин бурунроқ тобдин,
Оч кўзингни равзанин, ғафлатга тўлмай хобдин,
Чиқти буйла фоли неку нақши устурлобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Хотири маҳзун қачон хуш бодаи уннобдин,
Гар лаболаб бўлса ҳам олтун қадаҳ жулобдин,
Хўб эмас бош оғриганда бир қошиқ ардобдин,
Қил талаб кавсар суйин, айлар бақо таввобдин,
Билмасанг, сўрғил бориб бир хурдабин аҳбобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Бу работи кўҳнадур қолган неча арбобдин,
Зўри бозуга ишонган Рустаму Суҳробдин,
Баҳману Жамшид ила Искандару Доробдин,
Чиқмади ҳаргиз алар бу ғамкада қуллобдин,
Чиқтилар бир боби дигардин, кириб бир бобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Оқил эрсанг, ибрат олғил эмди шайху шобдин,
Истамас дунёни, чиқмас гўшаи меҳробдин,
Емиши лахти жигардин, ичмиш-хунобдин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дур эмас қилғон дуоси бу сабаб ижобдин,
Бўлғуча бир неча кунлар жумлаи шодобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Ҳар қадар дастингда бўлса гавҳари ноёбдин,
Хобгоҳинг тўда бўлса бахмалу кимхобдин,
Базминга бўлса муяссар ҳар нечук асбобдин,
Титраса қонун муғанний илгида мизробдин,
Жоми ҳасратда ютарсан оқибат зардобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Қилди саргардон фалак кўп элни лоғу лобдин,
Шуълаи кавкабни ўткаргум дебон маҳтобдин,
Қатра топмай ташналар бу кўзаи дўлобдин,
Фол айлаб, бу нечук деб Фурқатий дастлобдин,
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқимийга хат

Шукурким, Хўқанд аро соғу саломат борман,
Давлату хурсандлиғлар бирла бархурдорман.

Ёзиб эркансиз яқинда мулла Аҳмаджонга хат,
Нечадин сўнг, хайрият, хат охирида борман.

Ўқугач, ҳар нуктасидин топди кўнглум минг сурур,
Бош фалакка еттию жон бирла миннатдорман.

Сўрсангиз кайфияту ҳолот агар баъдаз паём,
Ушбу кун ҳавлидаман, Симдин келиб бекорман.

Муддати бир ой эрурким, мунда Маҳмудхон била,
Кеча-кундуз ҳамдаму ҳамроҳ ҳамрафторман...

Янгиқўрғонда бориб, гаҳ шаҳрда турдим келиб,
Ҳар кун айдим, айланай, қишлоқдин безорман.

Сўзлашурга бир дуруст одам йўқу ҳам гармдур,
Мундайин ерда туролмасман: юроги торман.

Марҳамат айлаб дедилар: неча ой турди Муқим,
Демади бир йўлки мен марди табиатдорман.

Боз айтдим: ул киши аз сидқи дил ошиқ эди,
Тоқатим йўқдур мени, мен оғзаки хушторман.

Бу тариқа гуфтгўйи, ҳазли бирла оқибат,
Шаҳрга келдим, олиб қўймасдин охир кор ман.

Мен учун хат қилсангиз айтинг дедилар кўп дуо,
Шул сабабдин мунча сўз қилдим сиза изҳор ман.

Фурқатий, васлиға етгач ул пари рухсоранинг,
Шукрулиллоҳким, ҳамиша маҳрами асрорман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фурқатнинг Муқимийга мактуби

Салом, эй менга ёру ошнолар,
Қадрдонлар, замири пурзиёлар,

Муқимий, Ҳожи Муҳйиддину Завқий,
Муҳаййир – барча закки-ю расолар.

Фасоҳат гулшанида мисли булбул,
Пурсанжу зиҳи нағмасаролар.

Биҳамдиллоҳким, мандин сўрсангиз ҳол,
Юрубдурман қилиб завқи сафолар.

Саломатдур таним, хурсанд вақтим,
Худованд айлади беҳад атолар.

Фалакнинг давридин комим раводур,
Агарчи эл кўрар андин жафолар...

Ризоман Тошканд одамларидин,
Сўрар ҳолим фақиру ағниёлар.

Мақомим мадраса – Шайхантаҳурда,
Эрур улфат неча мазмунадолар.

Ўқурмиз, беш киши «Шарҳи виқоя»,
Муҳайё неча яхши домлолар.

Ғазетхона ишиға бўлса пешин,
Борурман ҳар куни, гоҳ кун аролар.

Салом иблоғидин сўнгра, Муқимо,
Мени сўрғонлара айтинг дуолар.

Ёзинг аҳволингиздан бир рақима,
Будур сиздан умиду илтижолар.

Сўз ўлди мухтасар, зиқ эрди фурсат,
Кўп эрди йўқса, Фурқат, муддаолар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу гулшанким насими файзи Рабдур,
Гули ҳилму ҳаё бирла адабдур.

Зиҳи боғики, «Миллат боғи» дерлар,
Хўтан мушки қаро тупроғи дерлар.

Ичим қон ўлди даврон ғуссасидин,
Бу даврон ичра ҳижрон ғуссасидин.

Келибман бир димоғим чоғ этай деб,
Кўнгулни дарду ғамдин соғ этай деб.

Кўрубон ғунчадек мардумни хуррам,
Дилим чок айлади савсан каби ғам.

Алар чун айлагач сайру сафолар,
Эсимга тушди ёру ошнолар.

Менга йўқ сендин ўзга бир мувофиқ,
Нечунким, аҳли дилсан, ёри содиқ.

Жаҳонпаймосану чўқ тезравсан,
Фалак гардингга етмас барқдавсан.

Аё боди сабо, Оллоҳ учун тур,
Ўзингни Тошканд шаҳриға еткур...

Ҳаримиға ул ой топсанг агар роҳ,
Ўзингдин кетма кўрганда баноғоҳ.

Зиёрат айлагил аввал бўсоғин,
Кириб андин кейин ўпгил аёғин.

Чекиб бир оҳи ҳасрат сўздин аввал,
Чекорда оҳ қон тўк кўздин аввал.

Қилиб огоҳ бир оҳи сард бирлан,
Салом айғил дили пурдард бирлан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дегил: – Эй ҳусн мулкин подшоҳи,
Фузун ўлсун азиз умринг, илоҳи!

Бор экан Фурқат отлиқ бир ғарибинг,
Висолинг давлатидин бенасибинг.

Ўзи Хўқандий, аммо исми Зокир,
Қазоро Рум аро бўлмиш мусофир.

Маишат бобида бил-кулли масрур,
Жамолингдин ғами шулдурки: маҳжур.

Ғамингдин кеча тонг отқунча йиғлар,
Тонг отқач, доғи кун ботқунча йиғлар...

Сочингдин олмиш эркин бир - ики тор,
Кўнгул бўйниға этмиш они зуннор.

Фалак узра чиқиб оҳу фиғони,
Деюрким: – Оҳ фалоний, оҳ фалоний.

Чиқиб андин, қилиб одоб бисёр,
Салом айлаб яна бир ҳужраға бор.

Ул Эшонхўжа эшон домломиз,
Ғарибликда суянган муттакомиз.

Тавозиълар билан айғил дуолар,
Дуолар айтибон, олғил дуолар.

Чиқиб сўнг Хўжахон муфти қошиға,
Етургил ўзни пешинлик ошиға...

Мени ўрнимда то сен ҳамтабақ бўл,
Адабомодаи тамкиннасақ бўл.

Дегил: – Эй муфтии фарди замона,
Зиё фатвосидин солғон жаҳона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Билурсизким, жаҳоннинг йўқ бақоси,
Жаҳон аҳлини ҳам меҳру вафоси.

Фалак ғаддордур, кажрав замона,
Киши кўрмас мурувватдин нишона.

Замонни ҳар нафас табдили бошқа,
Юз онча умрнинг таъжили бошқа...

Деюб бу сўзни сўнгра хайрбод эт,
Чиқиб доғи бир аҳбобимни ёд эт.

Убайдуллоҳ Махдумдур анга ном,
Етургил хоссаи такмили пайғом.

Жамолхон махдуму Хонхўжа эшон,
Дуо айғил иковиға фаровон.

«Қизиқму базм, бозори қалай?» де,
«Яна сатранж афкори қалай?» де.

Чиқиб ташқори майдонға гузар қил,
Вале мағриб тарафға бир назар қил!

Кўзингга нақшлик манзар кўрингай,
Ҳама ойинаси жавҳар кўрингай.

Эрур ёни равонлик катта айвон,
Эгоси номи Маҳмудхўжа эшон.

Муҳаббатлик менга бир ошнодур,
На танҳо ошно, балким ағодур.

Менга кўп айлаган ул меҳру шафқат,
Қилиб ҳаққимда эҳсону мурувват.

Етургил анга орзу иштиёқим,
Муфассал шарҳ қил дарду фироқим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дегилким:- Соғинур суҳбатларингни,
Муҳаббатлик ҳама улфатларингни.

Бўлур тўғрида бир дўкон намудор,
Улуғ бир ҳавздур ёни самовор.

Бориб сўрисини устида ўлтур,
Дегилким: – Отахўжа, чой келтур!

Ҳавою кибр жомидин бўлуб маст,
Келур бир қарри одам, қаншари паст.

Салом айтиб димоғин чоғ қилғил,
Латойиф сўзлар айтиб доғ қилғил...

Жамиъ хўжа Шайхованд Таҳурда,
Сўраб топ, бўлсалар қайси чуқурда.

Дуо ҳар қайсиға махсус еткур,
Ғуборий дилларида бўлса, кеткур.

Ўт андин сўнгра Дархон кўчасиға,
Ки бир дўсту қадрдон кўчасиға.

Муҳаббат пеша яхши ошномиз,
Дароз андишалик Мирзо акомиз.

Дилинда бор эди мендин кудурат,
Ниҳон айларди, лекин бир зарурат.

Дегилким: – Фурқатий сизга ризожў,
Эди бир беғараз, холис дуогў.

Кўп эрди бошқалардин эътиқоди,
Муҳаббат бирла азбас эътимоди.

Валекин бир-икки марди ҳамоқат,
Анга мендин қилиб ёлғон шикоят.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дили озурда мендан бўлди ноҳақ,
Вагарна йўқ гуноҳе менда мутлақ.

Чиқар кўнглидин ул туҳмат ғубори,
Намак ҳаққи мени бўйнимда бори.

Юсуфбойбачча ҳавлисиға андин,
Бориб еткур дуо албатта мандин.

Қиёматлик биродардур менга ул,
Ҳар ишда ёру ёвардур менга ул...

Дуо шулдур ўшал неку хисола,
Етушсун барча фарзанди камола.

Ики дунёда бўлсун обрўманд,
Ўлуб Ҳақ лутфидин доим баруманд.

Чиқиб андин доғи бир кўчаси тор,
Бегим ҳавлиси анда, жаҳд ила бор.

Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,
Зиҳи шаҳзодаи зул-иззу вал-жоҳ.

На ким танҳо улус шаҳзодасидур,
Ҳама шаҳзодалар озодасидур.

Кириб кўрганда ер ўпғилу дуо қил,
Кўзингга хокипойин тўтиё қил.

Дегил: «Эй, нахли боғи шаҳриёрий,
Гули парвардаи давлат баҳори.

Ки бир аввораи саҳройи ғурбат,
Эрур ном анга Зокиржон Фурқат.

Эмиш ул хастадил кечмиш замона,
Намак парвардаи бу остона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чекиб обу хўриш Рум сари онинг,
Иқоматда эрур афкори онинг.

Басе шаҳзодаларға ҳамнашиндур,
Алар шаҳзодау ҳам нозаниндур.

Аларни суҳбатида, эй неку зод,
Сизи айлар муҳаббат бирла кўб ёд».

Забонингни дуоға қобил айла,
Туруб анда ижозат ҳосил айла.

Кўгалдошга бориб сўр Ҳожи Аъзам,
Ул Аҳмад Хўжаи юзбошини ҳам.

Дегилким: – Эй Арастуйи замона,
Билурда набз ташхиси ягона.

Келибман олдидин меҳмонингизни,
Хўқандий, яъни Зокиржонингизни.

Юрубдур ўйнаб Истанбулда хушнуд,
Эрур аҳволи кундин-кунга беҳбуд.

Замони фарруҳу айёми масъуд,
Фараҳ боби очуқ, ғам роҳи масдуд.

Мизожиға мувофиқ Рум ҳавоси,
Анингчун турмак ўлмиш иқтизоси.

Чиқиб, Мирзо Халил олидин ўткил,
Наботидин олиб оғзинг чучуткил.

Ўтубон, тўғри гул бозориға бор,
Бўлур бир нақшлик дўкон намудор.

Ўтурур бир жавон марди батавфиқ,
Садоқатпеша, номи қори Сиддиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менга ул ошнойи жонажондур,
Ҳазин жисмим аро руҳи равондур,

Ҳамиша хотиримни пос тутган,
Мурувват бекаму бекос тутган.

Ки анда Авлиё Хўжа, мабодо,
Ўтирган бўлса, қилма ошкоро.

Дебон мендин анга юз минг дуолар,
Ўтур олдида айтиб марҳаболар.

Қулоқиға дегил оҳиста онинг:
«Ўшал Фурқат деган аҳбоби жонинг.

Дилида бор экан бир муддаоси,
Муяссар ўлғай, ўлса Ҳақ ризоси.

Яқин фурсатда мақсудига етгай,
Насиб ўлса мадина сори кетгай.»

Агар чой дамласа, жон бирла нўш эт,
Ўзингни лекин ул ерда баҳуш эт.

Будур зинҳор ила таъкид мандин,
Дўконин йиғмагунча кетма андин...

Ўлур кеч, баъд жўёйи макон ўл,
Сақичмон кўчаси бирла равон ўл.

Сўраб ҳавлисини Абдул Азизхон,
Бориб ул кеча бўлғил анда меҳмон.

Билиб ҳар ҳафта бир йўл ўзга лозим,
Бориб қолғуси кеча Мирзо Қосим.

Кўрарсан анда Фарзинхон дегонни,
Менга бир ошнойи меҳрибонни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алар ҳар қайсиға бир-бир салом айт,
Муҳаббатлиқ дуо бирла паём айт.

Топиб сўз Мирза Қосимга гузориш,
Мухаммасни қўлига қил сипориш.

Буюрмиш эрди ул Тошкандда аввал,
Келиб ман, мунда қолмиш эрди маътал.

Дегилким: – Айлаб они эмди иншо,
Юборди Румдин айлаб сизга савғо.

Сабоҳила юруб кел растаға боз,
Русуми бекликни айла оғоз.

Кўруб Мирмақсуду, Ҳожи Валини,
Яна Яъқуб Ҳожи, Мир Алини;

Саройда Мирза Ҳошим ҳам Ғиёсжон,
Саримсоқу, Орифжону, Каримхон.

Аларға деб дуо махсус-махсус,
Дегайсан марҳабо махсус-махсус.

Ёқишмас анда бу турки асосинг,
Танингдин ташлагил румий либосинг.

Олиб кўк мовут ила қора сандуф,
Кетургил иккисидин чоряк тўп.

Кўтариб тўғри Муслимхонға борғил,
Тикувчи ул чевар чечонга борғил.

Ўшал тиксун бизи қонунча камзул,
Тўни чалвору ҳам сантура, фантул.

Дегилким: – Жоним ўргулсун, менга боқ,
Салом айтур сенга бир зору муштоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қилур эркан сенга холис муҳаббат,
Ғаразсиз ўйла бир аҳбоби суҳбат.

Душанба кунда оқшом анжумандур,
Нечук дей анжуманким, бир чамандур.

Жамиъи жўра ул тун жамъ ўлурлар,
Тузуб бир маҳфил ўйла шамъ ўлурлар.

Олиб боргай сени Абдул Азизхон,
Таомил бу эрур борганда меҳмон.

Канор олиб алар бирла кўрушкил,
Кириб навбат-банавбат ўлтуришкил.

Ақидатлик каломимни дегайсан,
Муҳаббатлик саломимни дегайсан.

Қачон этганларида базм бунёд,
Будур афтодани ҳам айлагай ёд.

Келурда айлама зинҳор таъжил,
Бориб доманларин қил доғи тақбил.

Агар хат берсалар, ёнингда сақла,
Ғалат айдим, дилу жонингда сақла!

Кетургилким, эрур ҳирзи омон ул,
Менга таъвизи жони нотавон ул.

Эрурман интизоринг, келгунингча,
Ўшал мактуби восил қилғунингча.

Будур сўз, эй сабо, зинҳор-зинҳор,
Туганди сўз ва лекин шавқ бисёр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёрканд шаҳридан Тошболтуга хат

Тилар эрдим саҳар тавфи чаман эсган саболардин:
Саломим еткуриб, келтур хабар, деб, ошнолардин.

Деди ул дам сабо: – Эй ҳажру ғурбатға асир ўлғон,
Вафо умидини узгил алардек бевафолардин.

Сенга бўлғон қадимий дўстлар авзои дигардур,
Мизожи мухталифдур элни тағийри ҳаволардин.

Дедим: – Яхши насиҳат айладинг, эй носиҳи мушфиқ,
Қулоғим ҳуққаси тўлди дури қиймат баҳолардин.

Келиб бу шаҳрға кўп ою йиллар ўтди дарвоқиъ,
На келди ошнодин хат, на хешу ақраболардин.

Сабаб шул эрдиким, тарки китобат айладим билкулл,
Валекин қўймадим холи саҳаргоҳи дуолардин.

Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат ғами бирлан
Туруб эрдим қутулмой ғуссау ранжу анолардин.

Баногаҳ келди шавқомизлиғ манзума мактубинг,
Ишорат айлаган зимнида ҳар хил муддаолардин.

Ўқуб ул дам они бўлди оқарғон кўзларим равшан,
Сиёҳиға эзиб эрдинг магарким тўтиёлардин.

Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлмишдур,
Малул бўлма, жаҳон холи қолурму ҳеч расолардин.

Демишсан: Муҳйию Завқий саломат, шукр, хуш бўлдим,
Худо қилғой саломат, асрабон ҳар хил балолардин.

Муқимий, Нисбатийни нисбатини мен сенга бердим,
Алардек бўлма, лекин ўзни тўхтатгил ҳижолардин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Укомиз Эрмуҳаммад Сим аро тилмоч ўлуб эрмиш,
Ёмон кўздин худо маҳфуз қилғай ҳам қазолардин.

Мени ёд айлаганларға етургайсан саломимни,
Фаромуш айламай бизни фақиру ағниёлардин.

Мени ҳолимни сўрсанг Ёрканд шаҳрида сокинман,
Биҳамдиллаҳ, бўлуб мамнун ҳама завқу сафолардин.

Хўтан оҳуларидек онча саргардон бўлубдурман,
Сочи мушки Хито, рашки хаёли дилраболардин.

Баҳор айёми саҳролар фазоси боғ ўлур гўё,
Фароғатлар етар дилға ҳавойи жон физолардин.

Менга мунда муқим ўлмоқ худо тақдири ўлмишдур,
Эмасдур бандалик дам урмагим «чуну чаро»лардин.

Худо бермиш ики фарзанд: Нозимжону Ҳокимжон,
Қачон бўлғой кўнгул узмоққа бу кўзи қаролардин.

Бўлур келган киши ўз рағбату табъи била масхур,
Тилисмийдур бу шаҳрий жумлаи ҳайрат физолардин.

Борурман, гар қутулсам бул тилисми ҳайратафзодан,
Етиб имдод ҳолимға жамиъи муддаолардин.

Вагарна қиблагоҳимнинг мулоқотиға шойиқман,
Вале бордур гила андек амак бирла тағолардин.

Яна Мирзо Шариф аҳволидин ҳам ёзмиш эркансан,
Етиб хурсанд бўлдум бу навиди дилкушолардин.

Вале тарки китобат айлади бир неча муддатдур
Менидек доғи ғурбатға асиру мубталолардин.

Забоним бовужуди мадҳу авсофиға нотиқдур,
Мени кўп баҳраманд этган эди базлу атолардин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тирикму жахмуреш Ҳожи Асомиддин деган анда?
Қутулган юз балойи ногиҳону можаролардин.

Етургил Холмуҳаммад ҳожининг анга саломини,
Сўрайдур қавму хешу ошною рўшнолардин.

Деюрким: – Бир тароғ айлар эдим савғоти ҳожимга,
Агар чиқса эди бир кўса қосид бу аролардин.

Мулоқат орзу айлаб, саломатлиғ сўрайдурман,
Жаноби Ҳожи домла бирла Қарши домлолардин.

Қилурман дўстлиғдин бир насиҳат санга, Тошболту,
Бўлурсан, гар қабул этсанг ани, аҳли сафолардин.

Расолиғ орзу айлаб, камола гар етай дерсан,
Таарруз айлама ҳам шиква қилма норасолардин.

Агар нафсоният таркини қилсанг, бу кифоятдур,
Келай мақсадға эмди, бор эдинг табъи расолардин.

Олиб ёдиға, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни,
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А

Абир – бир навъ хушбўй нарса, анбар.
Абр – булут.
Абришим – ипак.
Абру – қош.
Абтар – бузуқ, нотамом, паришон.
Абу – ота, бирор хусусият билан ажралган, истеъдодли.
Ави – ёрдам, кўмак.
Авранг – тахт.
Аврод – вирдлар, вазифалар.
Авроқ – варақлар, саҳифалар.
Авсат – ўрта, ўрта даража.
Авсоф – сифатлар, мақтовлар.
Адам – паст, пастроқ, тубанроқ.
Аъдо – душманлар (бирлиги адув).
Аъёп – юқори табақа, оқсуяк.
Аъжоз – муъжизалар.
Ажуза – кампир.
Азвож – никоҳ, уйланиш, жуфтлар (бирлиги завж).
Азрақ – кўк, маж. осмон.
Жомаи азрақ – кўк кийим, кўк чопон.
Аклил – 1) тилла қош (аёлларнинг тожсимон қиммат баҳо зийнат асбоби). 2) тож-тахт, салтанат.
Акмал – энг мукаммал.
Акноф – 1) атроф (бирлиги канаф), 2) ҳомийлик, мудофаа қилиш.
Ало – устига,... га,... дан ало ҳозалқиёс – шунга қиёсан, шунга мувофиқ.
Алкан – гунг, соқов, лол.
Алойиқ – алоқалар, борди-келдилар, боғланишлар (бирлиги алоқа).
Алтоф – лутфлар, марҳаматлар (бирлиги лутф).
Алғараз – хулоса, қисқаси.
Амвож – мавжлар, тўлқинлар (бирлиги мавж).
Аъмо – кўр, сўқир.
Амтаа – мол-ашёлар (бирлиги матоъ).
Ангиз – қўзғатувчи.
Ангушт – бармоқ.
Ангуштар – узук.
Ашжор – дарахтлар (бирлиги шажар).
Ашроф – шарафли кишилар, эътиборли кишилар.
Ақд – 1) боғлаш, банд қилиш; 2) маржон.
Ақсом – қасам ичиш, онт ичиш (бирлиги қасам).
Ақтор – 1) чет-тевараклар; 2) диаметрлар (бирлиги қутр).
Аҳком – ҳукмлар, фармонлар, кўрсатмалар (бирлиги ҳукм).
Аҳмар – қизил.
Аҳсан – офарин, балли.
Андуз – сўзга бирикиб, ҳосил қилувчи, олувчи, тўпловчи маъноларида.
Анжум – юлдузлар.
Анжуман – ўлтириш, йиғилиш, мажлис.
Анис – улфат, ғамхўр.
Аъни – яъни, тўғриси, рости.
Апосири арбаа – тўрт унсур (элемент): сув, тупроқ, ўт, ҳаво.
Анфоси – кузатиш, қараб юриш.
Арақ – тер.
Ардавон – қадимий эронликларда афсонавий бир подшоҳ номи.
Арзоний – бериш, боғлаш, лойиқ кўриш, жавоб – арзонлиги – тез жавоб бериш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аъроб – араблар.
Аъробий – бадавий.
Арса – соҳа, майдон, саҳн; арсаи дониш-билим соҳаси, билим майдони, ер маъносида ҳам келади.
Асном – бутлар (бирлиги санам)
Асолат – асллик, пухталик, мустаҳкамлик, донолик.
Асомий – исмлар, номлар.
Асфар – сариғ.
Асҳоб – 1) эгалар, аҳллар; 2) суҳбатдошлар, дўстлар.
Атвор – феъллар, қилиқлар.
Афзо – сўзга қўшилиб ортирувчи, узайтирувчи маъносини билдиради (руҳафзо руҳни кўтарувчи, жонни қувонтирувчи).
Афзун – кўп, зиёда, ортиқ.
Афрод – фардлар, зотлар, бир жинсдаги нарсаларнинг ҳар бири (бирлиги фард).
Афтода – йиқилган, ташландиқ, тушкун, хокисор.
Афсурда – сўлғин.
Ахгар – ёниб турувчи ўт, қипқизил чўғ.
Ахзар – яшил, кўк.
Ахтар – юлдуз.

Б

Базла – эҳсон, инъом, совға.
Байъат – аҳд-паймон, келишув, ваъда бериш, ҳукуматга бўйсуниш борасидаги ваъда.
Байз – тухум.
Байзо – 1) оқ, оқ рангли ялтироқ; 2) қуёш, офтоб.
Байн – ўрта, ора.
Байт – уй, хона, жой (кўплиги буют): байтул-эҳзон – ғамхона, ғам уйи.
Байтул мақар – қарор топиш жойи, тўхтайдиган жой, қароргоҳ.
Балво – 1) қўзғолон, исён; 2) тўполон; бахтсизлик, қайғу-ғам..
Балда – шаҳар.
Балият – озор, бало, бахтсизлик, ранж, қайғу.
Балиғ – нафис маъноли, тўлиқ ифодали.
Бандар – порт, денгиз бўйида кемалар тўхтайдиган жой.
Баногўш – зирак тақиш учун қулоқдаги тешилган жой.
Бар[1] – бадан, тан, гавда, кўкрак; симинбар – кумуш, оқ бадан; нозик бадан.
Бар[2] – ҳосил, мева; баҳра топмоқ – фойдаланмоқ.
Бар[3] – этак, ён, қўйин.
Барбат – чолғу асбобининг номи.
Баржомонда – бир жойда ўлтириб қолган, шол; сафарга чиқмаган киши.
Барр – қуруқлик, саҳро.
Барудат – совуқ.
Бурж – 1) қадимги астрономияда қуёшнинг йиллик ҳаракати доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири; 2) қалъанинг чўққиси.
Буржи оташ – саратон, асад сунбула буржлари, яъни ёз ойлари.
Булҳавас – кўнгли нимани ҳавас қилса, шуни қилмоқни орзу этадиган киши; беҳуда ҳавас қилувчи.
Бута – заргарларнинг маъдан эритадиган идиши.
Бархўрдор – манфаатдор, баҳраманд.
Барқ – чақмоқ, яшин, электрик.
Басар – кўриш, кўрмоқ, бу ерда кўз маъносида.
Басе – кўп, анча, ғоят, шу қадар.
Басорат – ўткир кўзлилик, билағонлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баста – боғланган.
Бақиъ – ола-була.
Бақо – тириклик, ҳаёт, борлиқ, абадийлик.
Баҳман – қуёш йилининг ўн биринчи ойи (21 январь, 19 февраль).
Баҳман – 1) қор уюми, тоғлардан кўчиб тушадиган қор уюми; 2) йиқилиш, қулаш.
Баҳойим – ҳайвон, қорамол.
Баҳр – 1) катта дарё, денгиз; 2) шеър вазни.
Бехор – тикансиз.
Бесон – ўхшаш, каби.
Беша – тўқай, ўрмон, чангалзор.
Биз – шуъла, чақмоқ.
Биззот – шахсан, бевосита, зотида, аслида.
Бизоат – мол-мулк, асбоб, сармоя.
Бебизоат – мол-мулксиз, молсиз, сармоясиз, камбағал.
Бин – кўрувчи, **хурдабин** – майда нарсаларни кўра билувчи.
Бийно – кўрувчи; нобийно – кўрмовчи.
Бикр – қиз, эрга тегмаган покиза, соф.
Бил-кулл – батамом, бутунлай, тамоман.
Биллур – тиниқ шиша, хрусталь.
Билфавр – тездан, шу фурсатда.
Бисмил – сўйилган, сўйиш, бош кесиш; ним-бисмил – чала сўйилган.
Бистар – ўрин, тўшак.
Бихур – 1) исриқ, хушбўй нарса; 2) чекиш, тутатиш.
Бозу, бозуй – билак (қўлнинг билак ва тирсак қисми) зўр, бозу – кучли билак.
Бок – қўрқув; бебок – қўрқувсиз.
Бол – қанот.
Боло – баланд, юқори.
Бом – том, уй томи.
Бор – юк; бори гарон – оғир юк.
Бояд – керак, зарур.
Бурқаъ – ниқоб, парда, чиммат.

В

Вадод (вад) – севги, дўстлик.
Ваз – 1) тартиб, низом; қуриш, тиклаш; 2) ҳаракат; 3) бичим, яратилиш.
Вазиъ – 1) паст, тубан; 2) оддий.
Варзиш – одат, машқ.
Варта – гирдоб, чуқур жой, ҳалокатли жой.
Васиъ – кенг, васъат – кенглик.
Висоқ – уй, хона.
Вожгун – терс, тескари, чаппа, паст.
Вола – ҳайрон, ҳайратда қолган, шайдо, мафтун.
Воло[1] – баланд, улуғ, юқори, катта.
Воло[2] – ипакда тўқилган майин мато.
Вомиқ – шоир Жомий достонларидан бирининг қаҳрамони.
Вуқуъ – бирор ҳол ва воқеанинг юз бериши, пайдо бўлиши.

Г

Гандум – буғдой.
Гардун – фалак, осмон.
Гарм – 1) иссиқ, ёқимли, қизғин; 2) очиқ чеҳрали; 3) жаҳли тез; 4) чаққон.
Гарон – оғир, вазмин.
Гароний – оғирлик юк.
Гир – сўз бирикмасида олувчи, тортувчи маъносини ифодалайди.
Гиреҳ – 1) тугун; буришиқ, чимирилиш; 2) қийин, чигал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гису – ўрилган соч, аёллар сочи, кокил.
Гузориш – 1) ҳисобот, маълумот; 2) баён, тушунтириш.
Гум – йўқ, йўқотилган.
Гумгашта – сарсонликда қолган, адашган, йўқолган.
Густар – сўз бирикмасида ёйувчи, тарқатувчи маъноларида келади; **вофо густар** – вафо қилувчи, **руҳгустар** – руҳлантирувчи, жонлантирувчи.
Густох – адабсиз, андишасиз, тортинмайдиган.
Гўриз – қочмоқ, бош тортмоқ; **кор гўриз** – ялқов, дангаса.
Гўш – қулоқ.

Д

Дабир – 1) котиб, мирза; 2) мажозий маъноси Аторуд (Меркурий) сайёраси.
Давр – 1) айлана, теварак; 2) айланиш; замон, вақт.
Даввор – айлангувчи, айланувчи олам.
Дай – қиш мавсуми (қишнинг энг совуқ даври), қаттиқ совуқ.
Дайр – бутхона, дунё.
Дайри муғон – оловга топинувчиларнинг ибодатхонаси.
Дамон – бўкирувчи (кўпинча фил, шер, арслон ҳақида).
Дамсоз – улфат, ҳамдам.
Дарж – 1) киритиш, қайд этиш; 2) ўралган хат.
Дақиқ – нозик, ингичка; дақойиқ – нозик нарсалар.
Дебо – юпқа ипак кийимлик, материя.
Дийда – кўз.
Дилдўз – кўнгилдан ғамни кетгазувчи.
Дов – 1) қимор ўйинида ўртага қўйилган пул; 2) маош даражасини ошириш.
Дож – қоронғу, қоронғулик, жуда қоронғу кеча.
Доман – этак, ҳошия.
Дор – ҳовли, уй.
Дари – тоғ ғорларида, водийда яшовчи.
Доруссафо – шодлик уйи.
Дофиъ – дафъ қилувчи, қайтарувчи, йўқотувчи.
Дурахшон – ялтироқ, порлоқ.
Дурж – 1) қимматли тошлар солинадиган қутича; 2) табассум чоғидаги лаб.
Дулдуз – тикилиб қаттиқ қараш маъносида.
Дулоб – 1) қудуқдан сув чиқарадиган чарх; 2) шкаф, яшик.
Дур – узоқ, йироқ.
Дур этиб – элдан узоқлаштириб маъносида.
Дуруд – ибодат, ёлбориш, сўраш.
Дуру дароз – узундан-узоқ, чўзилган.
Дўш – орқа, елка, кифт.
Дўш бар дўш – елкама-елка.

Ё

Ёвар – ёрдамчи.

Ж

Жабин – манглай, пешона.
Жавшан – қалқон, ўралган маъносида, совут, зирҳли кийим.
Жавор – 1) қўшни; 2) яқин.
Жадд – ота ёки онанинг отаси, бобо, ота-боболар (кўплиги аждод).
Жадй – 1) тоғ эчкиси кийик; 2) эски астрономия тушунчасига кўра кўкдан 12 бурждан бириси (кийик шаклида фараз этилгани).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаъд – 1) жингалак соч; 2) бўй, ҳид.
Жайд – 1) кийимнинг ёқаси; 2) чўнтак, кисса, қўйин.
Жайҳун – Амударёнинг қадимги номи.
Жаложил – қўнғироқча, шилдироқ.
Жам – Жамшиднинг қисқартилгани; Жамшид – Эроннинг қадимги афсонавий подшоҳларидан бири.
Жам жоҳ – маж. Энг юқори мартабали, улуғ подшоҳ.
Жарас – қўнғироқ, карвон туясидаги қўнғироқ.
Жафи – кўз қовоғи.
Жафожў – жафо қилувчи.
Жаҳд – инкор, тониш, рад қилиш.
Жом – қадаҳ, пиёла, рюмка.
Жоми Жамшид – Эроннинг афсонавий шоҳларидан Жамшиднинг ичса ҳам тўлиб турадиган афсонавий қадаҳи.
Жоми-жам – Жамшиднинг қадаҳи маъносида.
Жониб – томон, тараф.
Жоҳ – мансаб, ўрин, юқори даража, амал.
Жуд – 1) инъом, эҳсон, 2) сахийлик, қўли очиқлик.
Жуз – ўзга, бошқа.
Жузв – бўлак, қисм, парча.
Жулус – ўлтириш, мажлис.
Жуллоб – гулоб, гул суви (ширраси) билан асал ёки шакарни аралаштириб ясалган шарбат.
Журм – гуноҳ, айб.
Журъа – бир қултум, бир ютум.
Жўстжў – қидириш, текшириш.
Жў – ариқ.
Жўги – 1) иоги деган ҳинд фалсафий таълимотининг изчили; 2) лўли маъносида; 3) наша чекувчи.
Жўйбор – ариқ.
Жўлида – паришон, тўзғиган.
Жўлида мў – сочлари паришон, тўзғиган.
Жўши баҳор – кўклам тошқини.

З

Забун – оёқ ости, хор.
Заввор – зиёратчи, ҳожи.
Заврақ – қайиқ.
Зайи – безак, тартибга солиш, бўёқ, гўзал ҳусн.
Замир – 1) юрак; 2) фикр; 3) тафаккур.
Зан – сўз бирикмасида урувчи, чалувчи, маъносида келади: мавжзан-мавж урувчи, тўлқинланувчи; хотин.
Занах – жаҳ, ияк.
Занахдон – бағбақа, ияк ости гўшти.
Зард – сариғ, сариғлик, маж. Офтобнинг ботишига яқинлашувчи.
Зариф – доно, зийрак, нозик.
Зарофат – 1) зарифлик, гўзаллик, нозиклик, нозик фаҳмлик; 2) қочирим сўз, нозик маънолик, ҳушёрлик.
Заъф – кучсизлик, хасталик.
Заъфарон – сариқ, хушбўй ўсимлик.
Зеридаст – қўли паст келиши, енгилиши.
Зерипо – оёқ ости.
Зи – эга.
Зи басорат – кўп билимдон, донишманд.
Зебанда – безовчи, ярашиқли, келишган.
Зиллат – хорлик, губанлик, пастлик.
Зиҳи – яхши, жойида, гўзал, қандай яхши!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зовия – бурчак.
Зод, зода – туғилган, фарзанд, авлод, бола.
Зод – озиқ, озиқ-овқат.
Зоил, зойил – ботувчи, йўқолувчи, йўқ бўлувчи, ўчадиган.
Зол – 1) ҳийлагар кампир; 2) «Шоҳнома» қаҳрамони Рустамнинг отаси.
Зоҳид – сўфи, дин йўлида тарки дунё қилган.
Зубоб – чивин, қора пашша.
Зудо – артувчи, кетказувчи.
Зулл – хорлик, тубанлик.
Зулли-иззу жоҳ – хорлик ва иззат жойи.
Зуҳал – Сатурн сайёраси (планетаси).
Зуҳд – зоҳидлик, сўфилик, тақводорлик.
Зуҳур – майдонга чиқиш, пайдо бўлиш, кўриниш.

И

Ибром – қисташ, қатъий талаб, қаттиқ талаб қилиш.
Ибтило – мубталолиқ.
Ибтиҳож – очилиш, хурсанд бўлиш.
Ижмоъ – қўшилиш, бирлашиш.
Издиҳом – тўпланиш, катта тўда.
Иззу – куч қудрат.
Ийд – байрам, ҳайит.
Иксир – эски кимёгарликда афсонавий тош; бу тошни нимага суртилса, гўё уни олтинга айлантирар эмиш.
Икроҳ – 1) жирканиш, хунук ҳисоблаш; 2) исталмаган ишни, ёмон кўрилган ишни мажбуран бажартириш.
Иктисоб – касб қилиш, ўрганиш, қозониш, қўлга киритиш.
Иктихол –кўзга сурма тортиш.
Иқтизо – тилаб, керак, зарур, эҳтиёж, истак.
Иҳмол – бепарволик, сустлик, сусткашлик, эҳтиётсизлик.
Ихтисоб – ҳисоблашиш, ҳисоб олиш, таҳқиқлаш, текшириш.
Илҳон – алҳон – овозлар, ашулалар, сайрашлар (бирлиги лаҳн).
Имсол – 1) бу йил; 2) бу йил ичида.
Имтидод – чўзилиш, давом эттириш.
Интиқод – салай, танлаш.
Интиқол – кўчиш, ўзгартириш кўчириш алмаштириш.
Интиҳо – охир, сўнг.
Инфиол – хижолат чекиш, таъсирланиш.
Инқиёд – бўйсуниш, берилиш, итоат.
Инқизо – охири, муддат тугаши.
Ионат – ёрдам, кўмак.
Иродат – 1) қасд, ният, хоҳиш, истак: 2) муридлик, берилиш.
Ирсол – юбориш, етказиш.
Иъроб – сўз охирини грамматик жиҳатдан тилхат қилиб, маъно чиқишига қараб белгилар қўйиш.
Иртибот – алоқа, яқин муносабат, боғланиш бир нарсани бир нарсага боғлаш.
Иртифоъ – 1) баландлик, юксалик, чўққи; 2) ҳосил.
Иршод – йўл кўрсатиш.
Истидоъ – сўров, дуо, ялиниб - ёлвориб сўраш.
Истимоъ – эшитиш, тинглаш.
Истимдод – ёрдам сўраш, мадад тилаш.
Истифсор – сўраш, илтимос.
Истихсон – яхшилик билан эслаш, биров хақида яхши сўзлаш маъқуллаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иътидол – мўътадил, ўртача ҳол.
Иттилоъ – огоҳлик, хабардорлик.
Иътисом – бирор нарсага қаттиқ ёпишиб олиш.
Иттисол – туташиш, уланиш, етишиш, бирикиш.
Ифтитоҳ – бошлаш, киришиш, кашф этиш.
Ихрож – чиқариш, ҳайдаш, сургун қилиш.
Ихтироз – қисқартиш, қисқалик.
Ихтитом – тугалланиш, тамомланиш.
Ифшо – ошкор қилиш, фош қилиш.
Иштибоҳ – шубҳа.
Иштиғол – шуғулланиш, машғулот, (кўплиги иштиғолот).
Иштиҳор – шуҳрат.
Иқд – шода: иқд парвин – юлдузлар шодаси, ҳулкар.

К

Кабк – каклик.
Кавокиб – юлдузлар, (бирлиги кавкаб).
Каж – 1) эгри, қинғир; 2) нотўғри, хато.
Кажрав – тескари юрувчи.
Кажрафтор – тескари айланувчи.
Кайвон – зуҳал (сатурн) юлдузи; маж. юксак осмон.
Калисо – черков, бутхона.
Калом – сўз.
Калоғ, кулоғ – олақарға.
Камокон – бўлганича, илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай.
Камо янбағи – шундай керакки, шундай зарурки, шундай тегишли.
Камоҳи – худди, ўшандай, ўз ҳолида, айнан.
Канд – ўтмас.
Канду – сопол идиш.
Кандмон – вайрона.
Капор, капора – 1) қирғоқ, чег; 2) қучоқ.
Карим – карамли, сахий, олижаноб.
Каср – синиш, ушалиш, синиқлик, шикастлик.
Касрат – кўплик, мўллик, фаровонлик.
Каф – 1) қўл кафти; 2) кўпик.
Кашта – қуритилган мева, баргак.
Килк – қалам, қамиш қалам.
Кишвар – мамлакат, ўлка, вилоят.
Кишти – кема.
Ком – баҳра, мақсад, истак.
Комъёб – баҳраманд, мақсадига эришган.
Кофур – оқ тусли хушбўй дори.
Кошин – иморат ғиштларининг ҳар хил рангда бўёқ бериб пиширилгани.
Коҳдон – сомонхона.
Коҳиш – камайтириш, қисқартириш.
Кулл – ҳамма бутун, жамъи, ҳар, ҳар бир.
Кунжойиш – сиғиш, жойланиш.
Кушта – ўлдирилган.
Кўс – катта ноғора.
Кўҳсор – тоғлик ер.

Л

Лаъб – ўйин, эрмак кўрсатмоқ, ўйнамоқ.
Лайл – тун, кеча.
Ламъа – ёлқин, порлоқлик, равшанлик, йилтиллаш.
Лам Язал – абадий, ўлмас.
Ланг – чўлоқ, оқсоқ.
Лахт – 1) бир оз муддат, қисқа вақт; 2) калтак, чўқмор, ҳасса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лаҳв – ўйин-кулги.
Лаҳн – гўзал оҳанг, куй.
Ливо – байроқ, туғ.
Лиҳазо – шунинг учун, шундан кейин, демак.
Лоба – 1) ёлвориш, ўтиниш, сўраш; тилёғламалик қилиш; 2) фириб, найранг.
Ложарам – 1) шак-шубҳасиз, албатта; 2) зарур, керак; 3) шунинг учун, шу асосда; 4) чорасиз, иложсиз.
Ломакон – маконсиз, жойсиз, бўшлиқ.
Лоғ – 1) камбағал, бахтсиз, бечора; 2) дайди, овора.
Лоубол – бепарво, беғам.
Лоғ – ҳазил, эрмак, ўйин, найранг.
Луъбат – қўғирчоқ, ўйинчоқ.
Лў-лў – порлоқ, ярқироқ, марварид.

М

Маваддат, муваддат – дўстлик, севги, муҳаббат, боғланганлик, муносабат.
Мавзун – 1) ўлчанган, қоматга яраша бичилган; 2) тузилиши, келишган, чиройли; 3) вазнли, вазнга солинган.
Мавло – хўжайин, хомий, дўст, устоз, соҳиб, жаноб.
Маъво – бошпана, турар жой.
Мавоҳиб – совға, ҳадя, меҳрибонлик.
Магас – чивин, пашша.
Мад – 1) чўзилиш, узайиш; 2) бирор товушни айтишда чўзиш.
Маъдалат – адолат, ҳаққонийлик.
Мажри, мажра – 1) оқим, сув йўли; 2) жилға, ариқ (кўплиги мажори).
Маъжар – 1) панжара, ғов тўсиқ; 2) ниқоб, сочвон.
Мазаллат – пастлик, камситилиш, хорлик.
Мазоқ – 1) маза, лаззат, завқ; 2) тотиш аъзоси, тил, танглай.
Маъзур – узрли, афв этилган, кечирилган.
Майманат – бахт, фаровонлик, яхши яшаш (кўплиги маёмин).
Малоик – малаклар, фаришталар.
Маъман – омонлик жойи, қўрқинчсиз, тинч жой.
Мамлу – тўлаган, тўла.
Мамолик – мамлакатлар (бирлиги мамлакат).
Мансух – ташланган, бекор бўлган.
Манқуш – нақшланган, безатилган, нақшлар билан чиройли қилиб ишланган.
Маоб – қайтиш жойи, бошпана.
Маол – натижа, оқибат.
Маоний – маънолар (бирлиги маъно).
Маоф – 1) озод қилинган, бўшатилган; 2) афв этилган, оқланган.
Марас – ит бўйнига боғланадиган арқон.
Марбут – боғланган, боғли.
Мардумак, мардак – кўз қорачиғи.
Марғ – ўт, ҳайвонлар ейдиган ўсимлик, кўкаламзор, чаманзор.
Марғуб – ёқимли, севимли, маъқул.
Марғула – жингалак соч.
Масаррат – шодлик, хурсандлик.
Масиҳ, масиҳо – Исонинг лақаби.
Масҳур – сеҳрланган.
Матлаъ – 1) чиқадиган жой; 2) қуёшнинг чиқиш жойи; 3) шеър бошланиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мафгуҳ – кашф этилган, очилган, забт этилган.
Махмур – хумори.
Махуф – қўрқинчли, ваҳмали.
Машварат – кенгаш, маслаҳат.
Машом – димоғ, ҳидлаш, бурун.
Машруҳ – шарҳланган, изоҳ этилган.
Машшота – пардозчи, оро берувчи.
Маґона – ўтга топинувчилар, зардўштлар.
Маҳд – 1) бешик; 2) кажава.
Маҳжур – айрилиб қолган, узоқлашган, маҳрум, жудо бўлган.
Маҳал – 1) фурсат, замон вақт; 2) жой, ўрин.
Маҳтоб – ойдин.
Маҳфил – жой, манзил, тўпланиш жойи, мажлис (кўплиги маҳофил).
Маҳфуз – 1) сақланган, беркитилган; 2) хотирга олинган, ёдланган.
Мижа, мужа – киприк (кўплиги мижгон).
Минвол – усул, йўл, қоида, тартиб, равиш.
Мийно – май шишаси.
Миръот – ойна, кўзгу.
Мизроб – танбур чертадиган нохун, тирноқ.
Мо – 1) йўқ, эмас; 2) ҳозирча, қанчалик.
Мор – илон.
Мосиво – ундан бошқа, ундан ташқари, каби маъноларда келади.
Мофиҳо – унда бор нарса; дунёу мофиҳо – дунёда нимаики бор нарса.
Моҳ, маҳ – ой, моҳ; **тобон** – ёрқин ой; моҳ рў – ой юзли.
Моҳазар – бирор нарсанинг ҳозир бўлиши, тайёрланган овқат, нимадир бор, тайёр.
Мақарр – турар жой.
Маґлул – кишанланган, занжирланган.
Маґмум – ґамли, аламли, ґамгин бўлмоқ.
Моҳасал – натижа, ҳосил.
Моҳи – балиқ.
Муазз – шарафловчи, ҳурматловчи.
Муанбар – атирланган, анбарланган, хушбўй.
Муаххир – орқага сурувчи.
Мубаддал – алмашинган, ўзгартилган, айрибошланган.
Мубаййин – баён қилинган, изоҳ этилган, тушунтирилган, исботланган.
Мубин – очиқ, равшан.
Мубоҳот – 1) арзирлик, ҳалол, жоиз, содда, осон; 2) маґрур, фахрланиш.
Мудданй – даъвогар, шикоятчи.
Мудаққиқ – нозикликни сезгувчи, ингичка, нуқталарни англовчи.
Мужавҳар – безаш, безак, қиммат баҳо тошлар билан безалган.
Мужалло – жилоланган, ялтиратилган.
Мужда – яхши хабар, хушхабар.
Музтариб – ташвишда, изтиробда қолган.
Мукаддар – 1) қирланган; 2) ґамли, кўнгли олинган, табъи хира.
Мукаррам – ҳурматли, азиз.
Мулоқот – учрашиш, кўришиш, йўлиқиш.
Мумтоз – танланган, аъло, олий, энг яхши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунташир – ёйилган, тарқалган, ҳаммага маълум бўлган.
Мунфаил – хижолатли, уялган таъсирли.
Мунқатиъ – кесилган, узилган, таъсирли.
Мураттиб – тартибга солувчи, тузувчи.
Мураххас – бўшатилган, озод қилинган.
Муртазо – танланган, сайланган.
Муртафиъ – 1) юксак, юқори; 2) четлатилган; тугатилган.
Мурур – ўтиш, юриш.
Мурғ – қуш, парранда, товуқ.
Мурғон – қушлар.
Мурғоби – ўрдак.
Мусаввар – суратланган, зеҳнида тасвирланган, тасвир.
Мусаллам – таслим этилган, қойил қилинган, барчанинг маъқул топгани.
Мусаллат – эгаллаб олиш, ҳукмрон бўлиш.
Мусалсал – бир-бирига занжир каби боғланган.
Мусаммам – бир ишга қатъий қарор бериш.
Мусаххар – тасхир қилинган, ўзига қаратилган, забт этилган.
Мусиқор – афсонавий бир қуш, бу қушнинг тумшуғида жуда кўп тешиклар бўлиб, у парвоз этганда, шу тешиклардан ёқимли садолар, куйлар чиқар эмиш.
Мусовий – тенг, баробар.
Мустазод – 1) мафтун бўлган; 2) орттирилган; шарқ адабиётида лирика жанрининг бир хили.
Мустаххар – тасхир қилинган, ўзига варатилган, забт этилган.
Мустафид – фойда олувчи, баҳрланувчи.
Мустағний – эҳтиёжсиз, тортинувчи.
Мустаҳсан – таҳсин этилган, мақташга сазовор, хуш кўрилган ёқтирилган.
Мусҳаф – 1) китоб, рисолалар тўплами; 2) Қуръон (диний китоб).
Мутарро – тоза, янги безалган, таралган, тиниқ, ялтироқ.
Мутобиқ – мувофиқ, уйғун, бир-бирига тўғри келадиган.
Муътакиф – кишилардан чекинган, ибодат учун хилватга чекинган.
Муътақад – эътиқодли, ишончли, ишонувчи.
Мутриб – созанда, музикачи.
Мутталиъ – хабардор бўлиш.
Муфаххар – шон-шавкатли.
Муфт – текин.
Муфсид – бузуқ, нияти бузуқ, иғвогар.
Муфтатин – эҳтиросга берилувчи.
Мухайяр – ихтиёрли, бир ишни қилиш қилмаслик, ихтиёри ўзида бўлган.
Мушаббак – қафас, тўр, панжара.
Мушавваш – ташвишли, бесаранжом, кўнгли ташвишли.
Мушк – 1) қора тусли ва хуш исли нарса, ипор, маж. Сочнинг қоралиги ва ҳиди; кўзнинг гавҳари (қорачиғи).
Мушки тотор – тоза ва энг хушбўй мушк.
Мушки ноб – тоза, соф мушк ўта хушбўй, мушки Хўтан – Хўтан ипори.
Мушкин – хушбўй ҳидли.
Мушобиҳ – ўхшаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муштарий – 1) сотиб олувчи харидор; 2) Юпитер планетаси.
Муқаввас – ёй, камон шаклида, букилган.
Муқаллид – тақлид қилувчи, ўхшаш, ўхшатилган.
Муқарнас – устунлари қат-қат, ўймали, чўққиси, қуббали баланд бино.
Муқарраб, муқарриб – 1) дўст, ҳамсуҳбат; 2) қурбон қилувчи.
Муқаттаат – кесма нарсалар, қитъалар.
Муғтанам – ғанимат, қулай манфаатли пайт.
Муҳтасиб – бозор назоратчиси, халқ орасидаги тартиб-қоидаларни кузатиб юрувчи.
Мужиб – сабаб, туфайли.
Мавт – ўлим, тугаш.
Мўврус – мерос.
Мўйин, мўин – соч ёки юнгдан қилинган мато.

Н

Набз – қон томири.
Набий – авлиё, пайғамбар.
Набот, наботот – ўсимлик, майса, ўт.
Наво – 1) овоз, садо; 2) куй, мусиқа оҳанги; 3) махсус куйнинг номи; 4) бойлик, баҳра, лаззат.
Навоз – сўз бирикмасида келиб, лутф этувчи, тарбияловчи, хуш кўрувчи маъноларини билдиради: меҳмоннавоз, меҳмондўст, меҳмонпарвар.
Навозиш – яхшилик қилиш, сийлаш, марҳамат, эркалаш, меҳрибончилик.
Навола – совға, ҳадя, эҳсон, инъом.
Наврас, навраста – 1) янги ўсиб келаётган ёш; янги етишган ўспирин; 2) янги майса.
Навҳа – товуш чиқариб йиғлаш, улиш, мунгли йиғи, нола.
Нажжор – дурадгор, бинокор уста.
Нажод – 1) насл-насаб, келиб чиқиш; 2) зот, жинс.
Назъ – 1) олиш, суғуриб (юлиб) олиш; назъ ҳолат – ўлиш вақти; 2) танлаб олиш; ажратиш.
Назм – 1) тартиб, тузум; 2) шеър.
Найсон – баҳор чоғлари; абри найсон – баҳор булути.
Накҳат – хушбўй, яхши ис.
Наъл – 1) кавуш; 2) тақа шаклидаги тамға; нағал.
Наълайн – бир жуфт кавуш.
Нанг – ор, уят, номус.
Наргис – оққўнгил, сирин, бўтакўз.
Нардбон – нарвон, шоти, зина.
Нарм – юмшоқ.
Насойим – ёқимли шабадалар, тонг шамоллари.
Настаран – хушбўй оқ гул.
Наът – тавсиф (кўплиги наут).
Нафир[1] – 1) най товуши; 2) карнай, овоз; 3) қичқириқ, нола, фарёд, йиғи; 4) жамоат, гуруҳ.
Нафир[2] – нафратланувчи.
Нафйи – рад этиш, йироқлатиш, кетказиш, бадарға.
Нафт – қорамой, нефтъ.
Нахл – 1) кўчат, ёш дарахт; 2) хурмо дарахти.
Нахлистон – хурмо дарахтлари, хурмозор.
Нахос – мис.
Нахсот – 1) биринчидан, дастлаб; 2) биринчи.
Нахостин – дастлаб, биринчи.
Нашиманғоҳ – 1) ўтирадиган жой; 2) борадиган жой.
Нашот – хурсандлик, севинч, шодлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наъш – тобут.
Нақз – бузиш.
Нақл – 1) ривоят, ҳикоя, оғиздан-оғизга кўчиб юрган жумла; 2) келтириш, ўзгартириш; 3) таржима; 4) варақлаш; 5) кўчириш.
Наҳж-наҳаж – 1) тўғри йўл, очиқ йўл, катта йўл; 2) тарз, йўсин.
Наҳиф – озғин.
Нек – яхши, гўзал.
Неку – яхши, гўзал.
Нигаҳдор – қараб турувчи, сақловчи.
Нигун – тубан, тўнкарилган.
Низ – яна, тағин.
Низомия – тартиб, система, қонун.
Нимбисмил – чала сўйиш, чала ўлдириш.
Нисор – сочиш, соқчи, ҳурматли кишиларнинг бошидан гул ёки танга сочиш; зар нисор – зар сочиш.
Ниш – тикон, заҳар, чақадиган ҳашарот найзаси.
Нашиб – пастлик, нишаб.
Нишиман – 1) қуш уяси, ин, турар жой; 2) мажлис, ўлтириш.
Нишин – сўз бирикмасида ўлтирувчи, яшовчи маъноларида келади: хилватнишин – хилватда ўтирувчи.
Ниҳод – 1) табиат, характер, хислат; 2) тузилиш; 3) вужуд, вазият, асос, қиёфат.
Ноб – соф, холис, тоза, тиниқ.
Новак – ўқ учи, қадимги замон ёйи (камон) билан отиладиган ўқ.
Ной – қамиш.
Нол – қамиш, Ҳиндистондан келтирилган қора қамиш; қалам ичидаги қилтириқ.
Нопадид – кўринмаган.
Носиҳ – насиҳатчи.
Нофа, ноф – киндик.
Нофиъ – фойдали.
Ноқис – нуқсонли, камчилиги бор.
Нузул қилмоқ – келмоқ, тушмоқ.
Нукта – нозик маъноли сўз.
Нуктарас – ақлли, нозик фикрларни еча олувчи донишманд, камолга эришган.
Нури басар – кўз нури.
Нўг, навг – бирор нарсанинг (чунончи қалам ва игнанинг) учи.
Нўш – 1) тотли, ширин таъм, чучуклик; 2) асал, бол.
Нўш – сўз бирикмасида келиб, ичувчи маъносини билдиради; боданўш – май ичувчи.

О

Обёр – сувдан фойдаланиш устидан назорат қилиб турувчи мироб.
Обиҳайвон – оби ҳаёт – тириклик суви.
Овар – сўз бирикмасида – келтирилган, келтирувчи маъноларини билдиради; нукта овар – чуқур маъноли, чиройли сўзловчи.
Овон – вақтлар, замонлар, пайтлар.
Озар – 1) ўт, олов; 2) қавс ойининг бошқа бир номи.
Озмо – синаш, имтиҳон.
Озурда – озор кўрган.
Ойин – одат, расм.
Ол – очиқ қизил ранг.
Олуд – сўз бирикмаларида келиб, аралаш, буланган маъноларини ифодалайди; заҳр олудзаҳар – аралашган, қўшилган.
Олуда – буланган, булғанч, ярамас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олудалик – ифлослик, беҳудалик.
Ом – омма, кўпчилик, умумий.
Осиб – зиён, зарар, мусибат, офат, кулфат, фалокат, бахтсизлик.
Осо – сўзга қўшилиб: тинчитувчи, роҳатлантирувчи каби ўхшаш маъноларида келади. **Дил осо** – кўнгилга роҳат берувчи.
Осор – асарлар.
Остин – енг, **беостин** – енгсиз.
Офият – соғлиқ, соғайиш, тинчлик.
Офоқ – осмон атрофлари, уфқ.
Ошуфта – боғланган, берилган.
Ошуб – ғавғо, тўполон, шовқин фитна.
Оғуш – қучоқ.

П

Падид – пайдо бўлган, кўзга кўринган.
Падидор – пайдо бўлган, ошкор кўринган.
Паём – хабар.
Пажмурда – сўлғин, сўлиган.
Пазир – сўз бирикмасида қабул қилувчи, ёқимли, ёқувчи маъноларини ифодалайди; дилпазир – кўнгилга ёқувчи, ёқимли.
Пайк – хабарчи, элчи, хат олиб келувчи.
Пайкар – гавда, қомат.
Пайкон – ўқ.
Паймона – пиёла, май идиши.
Паймоншикан – ваъдани бузувчи, аҳдида турмовчи.
Пайғом – хабар, элчилар, хабарчилар.
Паланг – қоплон.
Парвин – ҳулкар.
Паргола – 1) парча-парча, бўлак; 2) титилган, юмдаланган.
Паргор – чамбарак, паргар.
Партов – нур, ёруғлик, ярқираб кўриниш.
Пасру – айнимоқ, қайтмоқ.
Печтоб – ўралиш, қайтмоқ.
Пеша – ҳунар, касб, одат.
Пир – қари, кекса.
Пиро – безак, зийнат, безанган.
Пироҳан – кўйлак.
Пири муғон – май сотувчи.
Порсо – тақво қилувчи, сақланувчи.
Пўя – йўртиш, ўртача тезликда юриш.

Р

Рабт – 1) боғланиш, алоқа; 2) интизом.
Равза – 1) боғ; 2) жаннат; 3) маж. қабр.
Равзан – туйник, тешик, дарча.
Равған – ёғ, мой.
Раг – томир, қон томири.
Рагидаст – қўл томири.
Ранят – аҳоли.
Рак – тўғри, очиқ.
Рамақ – умр охиридаги энг кейинги нафас.
Ранж – машаққат, қийналиш, оғриқ.
Ранжур – касал, хаста.
Рас – сўз бирикмасида қилувчи, етувчи, етишувчи маъноларида келади, фарёд рас – раҳм қилувчи, қулоқ солувчи.
Расон – сўз бирикмасида етказувчи маъносини ифодалайди: **нафъ расон** – фойда етказувчи.
Рафъ – 1) кўтарилиш, юксалтириш; 2) йўқ қилиш.
Рафиъ – юксак, баланд.
Рафоқат – 1) дўстлик, йўлдошлик; 2) ширкат, жамоат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рафоҳнят – турмуш кенгчилиги, кун кечириш фаровонлиги, яхши аҳвол.
Рафтор – юриш, муносабат.
Рах – ёриқ, чок, чизиқ.
Рахна – йиқиқ, дарз, ёриқ.
Рахт – 1) уй асбоб-анжоми; 2) кийим-кечак; 3) йўл.
Рахш – от, олачипор от.
Рахшон – ялтироқ, порлоқ, тобланувчи.
Раҳ – 1) йўл; 2) шароб.
Раҳиқ – соф, шароб, май.
Рашҳа – томчи, бу ерда: учқунлар.
Ридо – дарвешлар бўйнига солиб юрадиган чодир.
Ризвон – 1) қаноатланиш, розилик; 2) жаннат дарвозасида қоровуллик қилувчи фаришта.
Рил – из, елкан.
Рипд – нозик табиат, олифта, бепарво, салт-сувой.
Рисмон – арқон, арғамчи, ип.
Рисолат – юборилган, элчилик, пайғамбарлик.
Рипта – ип, каноп.
Робита – алоқа, боғланиш, занжир, тартиб, қоида.
Ровий – ҳикоячи, тарихчи, ривоят қилувчи.
Роҳ[1] – 1) шодлик; 2) маж. роҳий райҳоний – кўкимтир ва ҳуш исли май.
Роҳ[2] – йўл.
Роҳиб – христиан динига тақводор, зоҳид, монах.
Руд – 1) торли чолғу асбоби; 2) ариқ, ирмоқ.
Рустохез – 1) ғавғо, тўполон; 2) қиёмат.
Русум – расмлар.
Рухом – мармар тош.

С

Сабт – 1) маҳкам туриш; 2) ёзиш, қайд этиш.
Сабу – кўза, хумча.
Сабукбор – юки енгил, чаққон.
Савмаа – христианлар ибодатхонаси, монастир, христиан дарвешларининг халқдан бекиниш жойи (кўплиги савомиъ).
Савт[1] – қамчи.
Савт[2] – товуш, овоз, шовқин, оҳанг, куй, мақом.
Сад – девор, тўсиқ, ғов, юз.
Саъд – бахт, толеъ, яхшилик, юлдузнинг яхшиликка қарата таъсири.
Садр, садра – нилуфар.
Саёдат – сайидлик, улуғлик.
Саид – саодатлик, бахтли, бахтиёр.
Саъй – тиришиш, ҳаракат, уриниш.
Сайд – ов, ов қилиш.
Сакон – 1) тинчлик; 2) тинч яшаш.
Сакани – турувчилар, жойлашиб яшовчилар.
Саканот – тинчлик, тинч ҳаракатсиз.
Салосил – занжир қатор, кетма-кет (бирлиги силсила).
Салом, салавот – ибодат, намоз.
Сам – заҳар.
Саман – ёсмин – сўзининг қисқаргани: оқ, сариқ, рангли ҳуш исли гул (ҳозирги қўлланиши суман).
Саманд – от, саман от, юришли от.
Самандар – калтакесакка ўхшаган жонивор (афсонага кўра гўё ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшармиш).
Самар[1] – мева, фойда, натижа.
Самар[2] – машҳур, танилган.
Самиъ, сомиъ – эшитувчи, тингловчи, хабардор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Симоъ – эшитиш.
Самт – сукут, жимлик.
Самум – ҳалокатли, заҳарли шамол.
Сановбар – 1) қарағайга ўхшаш хушқомат дарахт; 2) маж. келишган қомат.
Санам – 1) бут; 2) маж. севгили, гўзал (кўплиги асном).
Сандал – 1) қора-сариқ рангли хуш исли ёғоч; 2) стул, курси.
Санж – сўз бирикмасида ўлчовчи, тортувчи маъносини ифодалайди.
Санжида – ўйлаб иш қилувчи, жиддий; мулоҳазали.
Санжоб – кул ранг мўйна, кул, бўз рангли олмахон.
Сантур – бир чолғу асбобининг номи.
Сарбоз – аскар.
Сарв – қомати келишган, текис бир дарахт.
Сард – совуқ; оҳи сард – совуқ оҳ – нафас.
Саропо – бошдан-оёқ, бошидан охиригача.
Сарфароз – етишган, хурсанд, ҳурматланган.
Саргарм – 1) қизишган, қизғин киришган; 2) маст.
Сарир[1] – тахт.
Сарир[2] – ғижирлаш, шилдираш.
Саргарон – гангиган, довдираган, қалтираш.
Саросар – бошдан охиригача.
Сархора – олтин нақшлар.
Сафир – най овози, ёқимли, майин овоз, қушлар овози.
Сафо – 1) соф, тоза; 2) ёруғлик, равшанлик, порлоқлик, хурсандлик; **сафо аҳли** – соф-юрак, пок кўнгилли.
Саффок – 1) қон тўкувчи; 2) қон олувчи.
Сафҳа – саҳифа, бет.
Сахт – қаттиқ, қотиб қолган, мустаҳкам.
Саҳбо – қизил май.
Саҳи, сиҳи – тўғри, барваста (бу ҳар вақт сарв, қад сўзлар билан бирга келади).
Саҳл[1] – осон, енгил; арзимас.
Саҳл[2] – 1) текислик, водий; 2) осон, енгил, арзимас.
Себарга – бир хил чиройли ўт, ёввойи беда.
Сижин – зиндон, қамоқ.
Сиёдат – ҳукмрон, ҳукумат.
Сийрат – хулқ-атвор, хислат, равиш.
Силк – 1) ип (марварид каби тошлар ўтказилади); 2) қатор; тизим.
Сийм – кумуш, сиймтан – кумуш тан, нозик тан.
Синон – найзанинг учи.
Сир – 1) сир; 2) ҳис-сезгини йўқотиш, хушсизлик, сир вақти ҳушсизланган, сезгини йўқотган бир пайт.
Сиршк – кўз ёши.
Сифориш – буюриш, топшириқ.
Сиканжа – исканжа, пресс.
Сонб – яхши йўналтирилган, худди кўзланган жойга бориб тегувчи.
Сойир – бошқа (сойир асбоб – бошқа асбоблар).
Солик – бирор сўфийлик маслагига мансуб; **сулук** – сўфийлик йўлини тутувчи.
Сониъ – яратувчи, пайдо қилувчи.
Соний – иккинчи, иккинчидан.
Сос – 1) дўндуқча, жажжи; 2) зарпечак.
Соқиб – ўткир, кучли, тешиб ўтувчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соғар – май қадаҳи, май пиёласи.
Сувор – отга минган.
Суд – фойда.
Сужуд – таъзим, букилиш.
Сулс – учдан бир.
Сулук – феъл-атвор, муносабат.
Сум – 1) таёқ; 2) маж. оёқ.
Суман – бир хил гул (жасмин).
Сунбул – 1) бир турли хушбўй қора рангли ўсимлик; 2) маж. севгилининг сочи.
Сура – Қуръоннинг айрим боб ва бўлими (кўплиги сувар).
Сурайё – ҳулкар, бир тўп юлдуз.
Суроҳий – май идиши.
Сурхоб – қизил рангли сув.
Сутур – от, улов.
Суханвар – сўзамол, билимдон, сўзга уста.
Сў, сўй – томон, тараф.
Сўз – куйдириш, ўрташ; 2) сўз бирикмасида куйдирувчи, ўртовчи маъносида келади.
Сўзиш – ғам, қайғу, аччиғланиш, куйиш.
Сўзон – 1) куйган, куйиб турган, ёниб турган; 2) аламли.

Т

Тааб – машаққат, қийинчилик.
Таарруз – 1) тегиш, тақилиш; 2) қаршилик кўрсатиш.
Таб – иситма, безгак.
Табъ – табиат, характер, истеъдод.
Табдил – ўзгартиш, алмаштириш, айлантириш.
Таъбия – 1) тартибга келтириш, жой- жойига қўйиш; 2) пистирма (чунончи, душмандан мудофааланиш учун аскарни ва уруш асбобларини шайлаб қарши қўйиш).
Табошир – шакар қамиш.
Табхол – иситма, лабга учуқ тошиши.
Таважжуҳ – юзланиш, юзни бир кишига ёки бир томонга буриш, қараш, қаратиш.
Таваққуф – тўхташ, тек туруш.
Таваққуъ – илтимос, умид.
Таъвиз – тумор.
Тавил – узун.
Таъвил – сўзни ўз маъносидан бошқа маънога буриш.
Тавобиъ, тобиъ – эргашувчи, бўйсунувчи.
Тавоф – бирор нарсанинг атрофини айланиш, зиёрат.
Тавсан – 1) шўх от; 2) қайсар, ўжар, хира.
Тавф – айланиб чиқиш, сайр этиш.
Тадриж – аста-секин.
Тажарруд – алоқасизлик, четланиш, ҳамма нарсадан кечиш, ёлғизлик.
Тажассус – излаш, қидириш.
Таъжил – ошиқиш, шошилиш, тезлатиш.
Тажнис – 1) сўз ўйини; 2) адабиётда – омонимларни (шакли бир, маъноси бошқа-бошқа сўзларни) келтириш; тажнис қилиш, ҳамшакл қилиш, туюқ.
Тазалзул – титраш, дириллаш, тўлқинланиш.
Тазаллум – зулмдан зорланиш.
Тазарв – қирғовул.
Тазвир – макр, ҳийла.
Таъзир – койиш, жазолаш.
Тай – юриш, кезиш.
Тайид – қувватлаш, мустаҳкамлаш, таъкидлаш.
Тайр – 1) учиш; 2) қуш; тайр қилмоқ – учмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Такаллум – сўзлаш, гапириш.
Такмил – камолга етказиш, комил қилиш, тўлдириш.
Тал – 1) тепа, баландлик; 2) шабнам, майда ёмғир.
Таллил – ёмғирнинг шивалаб ёғиши.
Талаф – нобуд, ҳалок, йўқ бўлиш.
Талотум – урилиш, тўлқинларнинг бир - бирига урилиши.
Талх – аччиқ.
Талхис – саралаш, хулосалаш.
Тилхком – қайғули, тириклиги қийналиб ўтадиган.
Талъат – қиёфа, юз чеҳра.
Тўъма – овқат.
Таманно – тилак, истак, орзу.
Таъмир – бузуқ жойни тузатиш, ремонт, иморат қилиш, бино қилиш, обод қилиш.
Тамкин – оғирлик, чидам, оғир табиатлик, сабр.
Тамма – тамом бўлди, сўнг бўлди.
Тамр – пишган хурмо.
Танаъум – кайф-сафо, неъматланиш, неъматга эга бўлиш.
Тар – янги, ҳўл.
Тараб – хурсандлик, шодлик келтирувчи.
Тарабнок – хурсанд, шод.
Тарашшух – 1) суюқликнинг сизиб оқиши; 2) бирор яширин нарсанинг билиниб қолиши.
Тараҳҳум – раҳм қилиш, ғамхўрлик.
Таржиъ – қайтариш, такрорлаш; таржиъбанд – шеърда бир байтнинг такрорланиши.
Таржиҳ – бир нарсани иккинчи нарсадан ортиқ кўриш.
Тарийқ – 1) йўл, из; 2) усул, йўсин, қоида, расм; 3) маслак; 4) восита, сабаб.
Тариқ – йўлдош, ҳамроҳ.
Тароват – янгилик, тозалик.
Тарсил – юборилган, хатти тарсил - юборилган хат.
Тарсо – христиан.
Тарҳ – 1) ташлаш, олиб ташлаш; 2) қурилган бино; 3) қурилиш, иморатнинг режаси, плани, проекти.
Тасалсул – занжир бандлари каби бир- бирига кетма-кет уланиб кетиш; бир-бирининг ортидан тизилиш.
Тасниф – ёзиш, тузиш (асарни).
Тасхир – қўлга олиш.
Тафарруж – сайр-томоша, кўнгил очиш.
Тафаххус – кавлаш, текшириш, суриштириш.
Тафсир – шарҳ, изоҳ.
Тахаллус – 1) халос бўлиш, қутулиш; 2) ўзининг асли отидан бошқа бир от (масалан, шеърда) қўйиш.
Тахфиф – енгиллашиш.
Ташбиҳ – ўхшаш, каби.
Ташриф – марҳамат қилиб келиш.
Ташхис – таний олиш, ажрата билиш, аниқлаш, касалликни аниқлаш; ички аъзоларни текшириб билиш.
Тақвият – 1) куч бериш; 2) қувватлаш.
Тақрир – қарор бериш, мақсадни оғзаки англатиш.
Тағйир – ўзгартириш.
Тағийри ҳаво – ҳавони ўзгартириш.
Тағофул – билиб билмасликка солиш, ғафлатда қолиш.
Таҳайюр – ҳайратланиш, ҳайрон бўлиш, ҳайронлик, шошиб қолиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таҳаммул – тоқат, сабр, чидам.
Таҳаррук – қимирлаш, ҳаракатланиш, ҳаракатга келтириш, қўзғатиш.
Таҳолуф – зидлик.
Таҳур – покиза, тоза.
Тегру – ...гача, га, қадар; **тонгга тегру** – тонггача.
Тийр – ўқ.
Тийра – қоронғу, қора, булғонч, ғам-ғуссали.
Тифл – гўдак, ёш бола.
Тиҳи – бўш, ичи бўш.
Тоб[1] – тоқат, куч, қувват, қудрат.
Тоб[2] – эшилма, тўлғаниш, букилиш.
Тоб[3] – нур, товланиш.
Тоз[1] – тохтан – югуриш, тоз – югур.
Тоз[2] – интилувчи.
Тозий – 1) арабча; 2) арабий от, чопқир от.
Тозиёна – қамчи, хипчин, новда.
Тор – қора, қорамтир ип, соч.
Тош тулак – бир қушнинг номи.
Туби – афсонавий бир дарахт.
Тужжор – савдогарлар.
Тул – узун, узунлик, давоми, узун бўй.
Тулуъ – чиқиш, кўриниш, боқиш.
Тулак – туллаш, пўст ташлаш.
Тунд – 1) аччиқ, ғазаб, ғазабли; 2) асов, бош бермайдиган, саркаш, шўх.
Турбат – 1) тупроқ, ер; 2) маж. қабр.
Турра – кокил, ўрилган соч.
Туғро – герб, давлат нишонаси, подшоҳнинг ёрлиқ, фармон ва қарорлари ёзилган қоғознинг тепасига туширилган махсус белги.
Тўтиё – кўзни равшан қилувчи дори.
Тўша – озиқ-овқат, йўл озиғи.

У

Уд – 1) оловга солганда хуш ис берадиган ёғоч; 2) бир турли чолғу асбоби.
Узлат – чекиниш, кишилардан четлашиш.
Узор – юз, башара, ёноқ.
Улув – 1) баландлик, юксак; 2) улуғворлик.
Улум – илмлар.
Уммон – дарё, бир дарёнинг номи.
Умур – ишлар, воқиалар (бирлиги амр).
Унноб – жийда, мажозий маъноси – гўзалларнинг юз олмаси, лабнинг қизиллиги.
Урён – яланғоч.
Устурлоб – қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб (русча: астролябия).
Уқбо, уқби – нариги дунё.

Ф

Фавойид – фойдалар, нафъ лар.
Фавр – тез; **билфавр** – тездан.
Фавран – тездан.
Фавт – йўқолиш, йўқотиш; ўтиб кетиш, ўлим.
Фазл – 1) афзал, ортиқлик, камолотга эришганлик, устунлик, етуклик; 2) илм, фан, ҳунар.
Фазла – қолдиқ, ортиқча зиёда, кераксиз.
Фазо – очиқ ер, майдон, кенглик.
Фано – 1) йўқ бўлиш, тугалиш; 2) ўлим.
Фар – порлоқлик, ҳашамат, савлат, шукуҳ, безак.
Фард – якка, ёлғиз, ягона.
Фардо – 1) эрта; 2) эртаги кун.
Фароз – 1) юқори, улуғ, баланд; 2) яқин; 3) очиш.
Фарох – 1) кенг; 2) кўп.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарш – 1) гилам; 2) жиҳозлаш; 3) ёйиш: масалан, гилам ёйиш.
Фароғ, фароғат – 1) тинчлик, хотиржамлик, 2) роҳат истироҳат; бўшаш, озодлик.
Фархунда – қутлуғ, саодатли, бахтли, қувончли.
Фасоҳат – сўзнинг очиқ, равшан, равон, ёқимли, қоидага мувофиқ бўлиши; услубнинг чиройлилиги.
Фатонат – ўткир зеҳн, зийраклик, ақлий қобилият, хушфаҳмлик.
Фаттон – фитна қилувчи, мафтун этувчи.
Фатҳ – 1) очиш, очилиш, ечилиш, кушойиш; 2) забт этиш, қўлга киритиш, ғалаба.
Фағфур – 1) хитой императори; 2) чинни идиш.
Фигор – жароҳатли, ярали.
Физо – қ. **афзо**.
Фикан, фиган – сўз бирикмасида солувчи, отувчи, ташловчи маъноларини ифодалайди; **нола фикан** – нола қилувчи.
Филмасал – масалан, ўхшаш.
Фирдавс – боғ, жаннат боғи.
Фитрак – қанжирға юк боғлаш учун эгарнинг кетига, икки томонига уланган тасма.
Фирифта – 1) алданган; 2) мафтун, берилган.
Фом – барқ, чақмоқ, ранг, сочилиб кетмоқ.
Фойиқ – афзал, бошқалардан юқори.
Фоил – ишловчи, бажарувчи.
Фужжор – гуноҳкор, ёмонлик қилувчи.
Фузун – кўп, зиёда, ортиқ.
Фунун – илм-фанлар.
Фўта – ўрама, белбоғ.

Х

Хад – юзнинг қизариб турган жойи.
Хайл – гуруҳ, тўда, қўшин, аскар ҳам от.
Хам – эгри, букилган, эгилган.
Хамул – эгилиш, қоронғу, хира.
Хатм – 1) тугалиш, тамомланиш, охирга етказиш; 2) муҳр босиш; 3) хос, махсус.
Хафо – яширинлик, махфийлик.
Хашхош – кўкнори, кўкнори уруғи.
Хез – сўз бирикмасида берувчи, қўзғатувчи, каби маъноларда келади.
Хайл – пода, моллар йилқи.
Хайлул баҳр – қуруқлик подаси.
Хилъат – яхши кийим, сарпо.
Хилқат – яратилиш.
Хира – 1) ҳайрон, ҳаяжонли, паришон, ўзини йўқотган; 2) қоронғу; 3) жуда ботир; 4) жасоратли.
Хирад – ақл, хуш.
Хиргоҳ – 1) чодир, ўтов; 2) маж. қўрғонланган ой.
Хиром – чиройли юриш, текис, ноз билан юриш.
Хирс – айиқ.
Хирқа – жанда, қуроқ тўн.
Хоб – уйқу.
Ховар – шарқ, кун чиқиш; **меҳр ховар** – шарқ қуёши, қуёш.
Хок – тупроқ.
Хома – қалам.
Хон – ясоқлик.
Хуноб – қонли ёш, аччиқ йиғи.
Хунхор – қон тўкувчи.
Хурус – хўроз.
Хуруш – қичқириш, ҳайқириш, фарёд, фиғон, шовқин, ғавғо.
Хуршид – қуёш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хутур – кўнгилга келиш, хотирда пайдо бўлиб қолиши.
Хутут – хатлар.
Хушк – қуруқ.

Ч

Чавгон – от миниб ўйналадиган тўп (копток) ўйини.
Чакас – лочин, қирғий каби овчи қушлар қўниб турадиган айри ёғоч.
Чалипо – плюсь аломатига ўхшаган бир белги, бут, крест.
Чарб – 1) ёғ, чарви; 2) фаровон.
Чарб забон – нотиқ, сўзамол, алдаб сўзлаш.
Чашман иксир – гўё ҳар бир нарсани олтинга айлантириш хусусияти бўлган афсонавий кимё булоғи.
Чин – жингалак, бурама, ажин.
Чиндовул, чингдовил – қўшин орқасидан юрадиган соқчи отряд.
Чин нофаси – нофа (мушк) кийикнинг киндигида бўлиб, жуда хушбўй нарса, эски замонда буни Тибетдан келтирилар эди. Тибетни Хитойнинг бир бўлаги деб билганлари учун уни «чин нофаси – нофаи чин» деб атардилар.
Чира – 1) ғолиб; 2) жасоратли, чаққон.
Чира даштъ – чаққон уста.
Чобук – чаққон, тез, илдам, чавандоз, ўйноқи, шўх.
Чобуксувор – чавандоз, отни усталик билан бошқарувчи.
Чоҳи Бобил – эски Вавилион халқларининг тушунчасича: афсонавий қудуқ, гўё одамлар ундан сеҳргарликни ўрганар эмишлар.
Чоҳи заҳан – кулганда юзда ҳосил бўладиган чуқурча.

Ш

Шаб – кеча, тун.
Шаби ялдо – қиш туни.
Шабиҳ – ўхшаш, каби.
Шабоб – ёшлик.
Шабранг – тимқора.
Шаввол – ҳижрий йили ҳисобининг ўнинчи ойи.
Шажар – дарахт.
Шакар омиз – хурсандлик сўзи.
Шакархо – шакар чайновчи; маж. ширин сўз.
Шамим – хуш ис, яхши ҳид.
Шамман – гардтак, андак.
Шамс – қуёш, офтоб.
Шарор, шарора – тобланиш, ярқираш аланга.
Шафиъ – мудофаа қилувчи, ўртада туриб иш битирувчи.
Шаҳбоз – лочин.
Шаҳпар – қаноат.
Шахсувор – чавандоз.
Шева – одат, равиш, йўсин.
Шеван – нола, зори, фиғон, мунг.
Шикан – 1) синиқлик, букилиш, бирилиш; 2) сўз бирикмасида синдирувчи.
Шиканж – 1) букилиш, буралиш; 2) қийноқ; 3) соч учининг қўнғироқ бўлиб туриши.
Шикиб – чидам, чидамлилик, сабр, тўзим.
Шино – сузиш, юзиш.
Шиновар – юзувчи, сузувчи.
Шинос – сўз бирикмасида танувчи, билувчи маъноларини ифодалайди.
Шиноса – танитиш, билиш.
Шиносолиғ – таниқлик, билишлик, билимдонлик.
Шитоб – суръат, тезлик.
Шоб – ёш йигит, йигитча, навқирон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шодоб – 1) сероб, қонган, янги, ҳўл, тар; 2) майнинг бир хили.
Шойист, шойиста – мувофиқ, муносиб, лойиқ, мақбул.
Шол – 1) юнгдан тўқилган кийим; 2) рўмол.
Шона – тароқ.
Шотир – жиловдор, подшоҳ ёнида юрадиган чаққон хизматкор.
Шоҳид – 1) гувоҳ; 2) маҳбуб.
Шуъбада – сиҳрбозлик, алдаш.
Шукуфа – мевали дарахт гулининг очилиши.
Шуоъ – шуълалар.
Шўр – ғавғо, тўполон.
Шўрангиз – ғавғо солувчи, тўполон кўтарувчи.
Шўриш – ғавғо, ғалва.
Шўрида – паришон, ганграган.
Шўх – шанг – шўх ва гўзал, ўйноқи.

Э

Эъжоз – мўъжиза кўрсатиш.
Эрам – афсонавий боғ.
Эътидол – ўртача ҳолат.
Эътисом – ўзини мудофаа қилиш, бирор нарсага қаттиқ ёпишиб олиш.

Ю

Юсуф – Яъқуб пайғамбарнинг ўғли, «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг бош қаҳрамони.

Я

Явм – кундуз.
Яд – қўл яди байзо – оппоқ қўл.
Яздон – худо, тангри.
Ялдо – қишнинг энг қоронғу, энг узун кечаси.
Яман – Арабистон шаҳарларидан бирининг номи.
Яғмо – талон-торож, бузғунлик.

Ў

Ўрду – қароргоҳ, қўшин аскар.
Ўром – кўча, қўра, ҳовлининг иҳотаси.
Ўтру – қарши, муқобил, рўпара.

Қ

Қабо – узун устки кийим.
Қабол – қарши, юзма юз.
Қабойил – қабилалар.
Қавий – қаттиқ, мустаҳкам
Қавл – сўз гап.
Қавоид – қоидалар.
Қавс – ёй, камон камалак.
Қазо – қозилик.
Қалби – қалай.
Қаламрав – бир подшоҳнинг қўл остидаги мамлакат, ҳудуд.
Қамар – ой.
Қаср – қисқа, калта, (қусурнинг бирлик формаси).
Қатл – ўлдириш.
Қафоқ – қовоқ.
Қиём – тик туриш, турадиган жой.
Қийл – қол – гап, сўз.
Қирон – яқинлаштирувчи, икки нарсанинг қўшилиши.
Қосид – 1) хабарчи; 2) қасд қилувчи.
Қосир – камчиликли, қисқа, калта.
Қуё – қаттиқ, мустаҳкам.
Қудс – поклик, тозалик; муқаддас.
Қуллоб – 1) қармоқ, чангак, илмоқ; 2) эгма.
Қурб – яқин, қўшни.
Қуср – қаттиқ, ўткир.

Ғ

Ғабғаб – бағбақа.
Ғаддор – ярамас, алдамчи, золим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғал – 1) кек, душманлик; 2) алдаш, хоинлик.
Ғалтон – айланувчи, юмалоқ ғалтак.
Ғамбода – ғамли.
Ғамгусор – ғамхўр, меҳрибон.
Ғамзудо – қайғуни кетказувчи.
Ғаммоз – сир очувчи, чақимчи.
Ғаш[1] – алдаш, мунофиқлик.
Ғаш[2] – ҳушсизлик, ҳисдан маҳрум бўлиш.
Ғизо – овқат.
Ғизола – ғизол, кийик, оҳу, жайрон.
Ғоза – қизил рангли упа.
Ғул – бўйинга солинадиган кишан, занжир.

Ҳ

Ҳавл – қўрқиш.
Ҳадиқа – боғ, гулзор.
Ҳаз – ҳаловат, лаззат, шодлик, ҳаз топмоқ, лаззатланмоқ.
Ҳал – аралаштириш, эзиш, туйиш, эритиш.
Ҳамвор – текис, теп-текис.
Ҳамд – мақташ.
Ҳамъинон – жиловлаш, ёндаш.
Ҳамл – 1) кўтариш, кўтариб туриш, чидаб туриш; 2) қориндаги юк.
Ҳампишин – бирга ўлтирувчи, улфат.
Ҳамойил – бўйинга осадиган нарса, тумор.
Ҳампо, ҳампой – ҳамроҳ.
Ҳамул[1] – ҳам ул, худди ўша.
Ҳамул[2] – чидамли, бардошли
Ҳамчу – ўхшаш, каби, гўё.
Ҳарам – хос жой.
Ҳарим – ўз аҳли бўлмаган кишилар киритилмайдиган жой, ичкари ҳовли; 2) хотин; 3) каъба.
Ҳарба – найза.
Ҳарза – 1) беҳуда, бемаъни сўз, бекорчи сўз; 2) бекорчи, бефойда.
Ҳарос – қўрқув.
Ҳар сў – ҳар тараф.
Ҳақ – 1) тўғри, рост; 2) лаёқат; 3) баҳо.
Ҳаққо – ҳақиқатда.
Ҳижоб – 1) парда, орқалиқни тўсиб турадиган тўсиқ; 2) маж. уят, уялиш рафъ ҳижоб – пардани очиш.
Ҳилм – юмшоқлик.
Ҳойил – тўсиқ, ғов, пардани тушириш.
Ҳола – ой ёки қуёшнинг гардиш боғлаши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Фурқат 3
Ғазаллар 6
Мустазод 200
Маснавийлар ва манзум асарлар 201
Мухаммаслар 228
Мусаддаслар 253
Муножот – Мусаддас 260
Мусаббаъ 264
Мактублар 266
Луғат 280

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий-бадиий нашр

ФУРҚАТ

МУҲАББАТ ЙЎЛИДА

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Наврўз БЕКМУРОДОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

www.ziyouz.com kutubxonasi